

Равшанбек МАҲМУДОВ

**Ҳусайн Воиз
КОШИФИЙнинг
фалсафий-ахлоқий
қарашлари**





Равшанбек МАХМУДОВ

1955 йилда Фарғона вилояти Бешарик тумани Ранкон қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳоз. ЎЗМУ) филология факультетида ўқиган (1972-77). Қўқон Давлат педагогика институтини (1978-83), “Сирдарё ҳақиқати” газетасини (1983-84), Гулистон Давлат университетида доцент, кафедра мудири (1993-94), проректор (1994-2013) вазифаларида ишлаган. Ўзбекистон Республикасини Журналистлар (1984), Ёзувчилар уюшмасини (2000) аъзосини.

Ҳозир ГулДУ Миллий тўя ва фалсафа кафедрасини мудири.



ISBN 978 9943-398-98-6



9 789943 398986

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Равшанбек МАҲМУДОВ

Хусайн Воиз
КОШИФИЙнинг
фалсафий-ахлоқий
қарашлари

Монография

Тошкент
«MUMTOZ SO'Z»
2015

4757
ALISHER NISOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК: 821.512.133

КБК 83.3(5Ў)6

Монографияда XV асрда яшаб ўтган буюк мутафаккир Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, асарлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ҳусайн Воиз Кошифий икки юздан ортиқ асар ёзган бўлиб, файласуф, ахлоқшунос, адабиётшунос, математик, кимёгар, фикҳшунос ва воиз сифатида машҳур бўлган. Мутафаккир асарлари инглиз, француз, немис, турк ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинган. Монографияда жаҳоншумул олимнинг илм-фанга қўшган салмоқли ҳиссаси атрофлича таҳлил қилиб берилган.

Монография соҳа мутахассислари, илмий тадқиқотчи ва изланувчилар ҳамда улуг аждодларимиз тарихи билан қизиқувчи кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар:

Йўлдош ЖУМАБОЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор,

Ҳайдар АЛИҚУЛОВ – фалсафа фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Азамат МУХТОРОВ – фалсафа фанлари доктори, профессор

Собиржон ИСМОИЛОВ – фалсафа фанлари номзоди, доцент

83.3(5Ў)6

M54

Маҳмудов, Равшанбек.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фалсафий-ахлоқий қарашлари / Р.Маҳмудов; масъул муҳаррирлар Й.Жумабоев, Ҳ.Алиқулов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Гулистон Давлат университети. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2015. – 154 б.

Гулистон Давлат университетининг Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2015 йил 30 май, 5-сон баённома)

ISBN 978-9943-398-98-6

© Р.Маҳмудов, 2015
© «MUMTOZ SO‘Z», 2015

КИРИШ

Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилиши билан ижтимоий-иқтисодий, модний-техникавий ва маънавий-маърифий соҳаларни атрофлича ўрганишни давр тақазо этди. Бу ишда маънавий асос, шу жумладан, ўтмиш фалсафий, ахлоқий мерос умуминсоний қадриятларнинг барқарорлашувига кўмаклашувчи гоёлар, тамойиллар, таълимотлар алоҳида ижтимоий аҳамиятга эгадир. Буларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи илмий дунёқараш ва ахлоқ бизнинг давримизда жамиятни бошқаришда муҳим бўғиндир: зеро, ҳозир биз маънавиятнинг, умуминсоний қадриятлар, ахлоқий бойликлар, идеалларнинг роли ҳар қачонгидан ҳам ошган бир жараёнда турибмиз. Худди мана шулар келажакда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг маъмурий-буйрукбозлик тизими усуллари, воситалари ва бир бутун тизимининг ўрнини босиши зарур. Бизнинг олдимизда бой тафаккур ва юксак ахлоқийликнинг илгари вужудга келган, бироқ мустамлакачилик, тургунлик даврларида бузилган ва ўзгартирилган усулларини янада жонлантириш вазифаси турибди.

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш ҳамма вақт ҳам жамиятнинг муҳим ва асосий мақсади бўлиб келган. Бироқ, уни амалга оширишнинг усул ва воситалари тубдан ўзгартирилиши, турғунлик даврига хос бўлган жимжимадорлик ва котиб колганлик ўрнини аниқ инсоний моҳият – мазмун эгаллаши, бу усул мустақиллик ва янгича фикрлаш тажрибалари билан бойитилиши зарур.

Бунини амалга оширишда инсоният ўз тараққиёти давомида эришган ва яратган маданий бойликлардан, ахлоқий тамойил ва меъёрлардан тўғри фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ҳам маълум салбий ҳодисалар туфайли кадрсизлантириб юборилган инсонпарварлик ахлоқи адолатсизларча ва такаббурларча назардан четда қолдирилган халқимизнинг ўтмиш илғор ахлоқий мероси, шу жумладан, Марказий Осиё халқлари ахлоқий меросининг ютуқлари, қадриятлари, афзалликлари билан бойитилиши ниҳоятда зарур ва долзарбдир. Ана шу муносабат билан файласуфларимиз олдида инсонпарварлик ахлоқининг ҳаётдан узилиб қолган, курук ва кўп жиҳатдан схластик ишланмалари ўрнига асосий эътиборни унинг ўтмиш илғор ахлоқий мероси билан алоқасига, ўтмишдаги илғор ахлоқий дунёқарашлар ривожини у ёки бу

мутафаккирнинг ахлоқий тизими, дунёқараши ва асарларини ўрганишга қаратишдан иборат масъулиятли ва илмий жиҳатдан ғоят аҳамиятли вазифа турибди.

Агар ёзилмаган халқ маънавий талаблари, ўғитлари ва анъаналари ўз инсонпарварлик моҳияти билан мустақиллик руҳига мос келиб, бизнинг ҳаётимиз билан бирга ўсиб бораётган бўлса, ўтмиш ахлоқий тафаккури ютуқларининг катта қисми ҳозирча қадимий қўлёзмалар бағридан олиниб, кенг жамоатчилик оммасига тўла етказилгани йўқ, ҳатто қўлёзмалардан олинганлари ҳам тўғри ва тўла тушунтирилиб, бизнинг маънавий эhtiёж-ларимизни қондириш йўлида ишга солинаётгани талаб даражасида эмас.

Ахлоқни такомиллаштириш ва ахлоқий фикр тараққиётининг илмий тарихини яратиш, мустақиллик даври ахлоқий тараққиётини умумлаштириш билан бирга диалектик–материалистик методология асосида ўтмишда бу соҳада қўлга киритилган ютуқларни тўғри баҳолаш ва танқидий қайта ишлаш ва ўзлаштириш ҳам фалсафа тарихи соҳасидаги тадқиқотчилар олдида турган энг зарур ва долзарб илмий мавзулардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил 15–16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро анжуманда сўзлаган нутқида «Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси, биринчи навбатда, иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар Хожалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандчилик ва савдосотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги қарвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорлиқнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган»¹, дейилган эди.

Ўтмишдаги у ёки бу мутафаккирнинг, у ёки бу ахлоқ мактабининг қарашларини тарихий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш билан бир қаторда ўтмиш ахлоқий тафаккури ривожини илмий тарихини

¹ Каримов И. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нути. Халқ сўзи. 2014. 16 май.

яратиш ахлоқий тафаккур ривожини асосий босқичларини, тенденциялари ва қонуниятларини аниқлашни, ахлоқий тафаккур тарихий тараққиётининг мантикий мазмунини тиклашни талаб этади.

Ахлоқ назарияси ривожининг, унинг тарихи билан қонуний равишда боғлиқлиги Г.Бандзеладзе, А.Гусейнов, О.Дробницкий, В.Блюмкин, Т.Самсонов, К.Шварцман, С.Кучинский, М.Медянцева, В.Юдин ва бошқа муаллифларнинг тадқиқотларида ўрганилган¹.

Мамлакатимизда ахлоқ фани вужудга келиши ва ривожланиши, унинг дунёвий-тарихий микёсда тараққий қилиши тарихи юзасидан яратилган илмий-тадқиқот ишлари билан бир қаторда Ўзбекистонда (вакиллари: И.Мўминов, В.Зоҳидов, М.Хайруллаев, М.Баратов, Х.Воҳидов, Й.Жумабоев, Ҳ.Аликулов, М.Орипов, А.Шарипов, Х.Жонматова ва бошқалар²), Гуржистон, Озарбайжон, Болтиқбўйи жумҳурият (республика)ларида ахлоқ фани тарихи билан шуғулланувчиларнинг минтақавий мактаблари мавжуддир.

¹ Қаранг: Бандзеладзе Г. Опыт изложения системы марксистской этики. – Тбилиси, 1963; Блюмкин В., Гумницкий Г., Цырлина Т. Нравственное воспитание (философско-этические основы). – Воронеж, 1990; Гусейнов А. Проблема происхождения нравственности. // Философские науки. 1964. № 3; Ўша муаллиф: Введение в этику. // Философские науки. – М.: МГУ, 1985; Дробницкий О, Понятие морали (историко-критический очерк. – М.; 1974; Давидович В. Социальная справедливость: идеалы и принцип деятельности. – М., 1989; Дубко Е., Титов В. Идеал, справедливость. Счастье. – М., 1989; Самсонов Т. Теоретические проблемы этики. – М., 1966; Шварцман К. Современная буржуазная этика: иллюзии и реальность. – М., 1983; Ўша муаллиф: Философия и воспитание. – М., 1989; Кучинский С., Человек моральный. – М., 1987; Медянцева М., Этические проблемы науки. – Казань, 1976; Фролова И., Юдин В. Этика науки. Проблемы и дискуссии ва бошқалар.

² Қаранг: Мўминов И. Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир. – Т., 1955; Ўша муаллиф: Танланган асарлар. – Т., 1975; Захидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. – Т., 1961. Ўша муаллиф: Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т., 1970; Аликулов Х. Сочинения по этике XV века. // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 1970. № 5; Ўша муаллиф: Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. – Т., 1979; Аликулов Х. Марказий Осиё ва Эрон мутафаккирларининг ижтимоий қарашларида хурфикрлилик на антиклерикал гоғлар (XIV–XV асрлар) / Марказий Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан Тўплам. – Т., 1990; Ўша муаллиф: Деҳқон ва хунарманд мадхи. // Ҳаёт ва иқтисод. 1991. № 2; Воҳидов Х. Просветительская идеология в Туркестане. – Т., 1979; Жонматова Х. Философские взгляды ал-Кинди // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 1971. № 11; Жумабаев Ю. Этическая мысль в Средней Азии в X–XV вв. – М., 1975; Ўша муаллиф: Марказий Осиё этикаси очерклари. – Т., 1980; Орипов М.К. Социальная утопия в общественно-философской мысли Средней Азии. Автореферат. – Ленинград, 1989; Шарипов А. Великий мыслитель Беруни. – Т., 1972; Хайруллаев М.М. Культурное наследие и история философской мысли. – Т., 1985 ва бошқалар.

Собиқ иттифокнинг ислом дини анъанавий равишда тарқалган минтақаларидаги тадқиқотчилари Шарқ халқлари ўтмишда ахлоқий тафаккур ривожининг ўзига хос хусусиятларини, турли халқлар ахлоқий меросининг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигинигина эмас, балки ахлоқ тараққиётидаги умумий тенденциялар ва қонуниятларни ҳам очиб бермоқдалар. Бу жиҳатдан олиб қаралганда, Шарқ халқлари ахлоқий меросини ўрганиш, унга исломнинг ҳар томонлама ва чуқур таъсири нафақат илмий-назарий нуқтаи назардан, балки тарихий нуқтаи назардан ҳам илмий муносабатларда бўлгани каби тарихий муносабатларда ҳам ҳар доим катта қизиқиш уйғотган. Аммо шуни қайд этишга тўғри келадики, бундай тадқиқотлар жуда кам учрайди.

Ахлоқ тарихи бўйича, масалан, А.Аднан, Ҳ.Аликулов, Э.Браун, М.Жавод, Д.Дональдсон, М.Дуайт, Исо Содик, З.Сафо, Э.Шаполво, Х.З.Улкен¹ каби бир қатор ўзбек ва хорижий муаллифларнинг тадқиқотларида шарқ мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари гоёвий жиҳатдан ниҳоятда бой эканлиги кўрсатиб берилган.

Ўтмиш маданий меросини янги маданиятни шакллантиришдаги ролини ҳамда унинг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганиш ва кўрсатиб бериш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик ишдир. Ўтмиш маданий меросимизни ўрганишдан мақсад, **биринчидан**, Марказий Осиё халқларининг тарихда тутган ўрнини, ўзига хослигини, уларни жаҳон маданияти хазинасига қўшган ҳиссасини аниқлаш уларни илмий ва объектив равишда баҳолаш, **иккинчидан**, ўтмиш маданий меросини халқ учун арзийдиган, хизмат қиладиган, жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётини таъминлашга ҳисса қўшувчи энг илғор намуналарини ёшларни тарбиялашда, чет эллардаги ёт мафкурачиларга қарши курашда улардан фойдаланиш, кундалик амалий фаолиятда кенг қўлланшдир, **учинчидан**, ўтмиш маданий меросини бугунги кун учун аҳамиятини янада чуқурроқ, тўлиқроқ кўрсатиб беришдан иборатдир; **тўртинчидан**, ўтмишда Марказий Осиё фан, маданият ривожланганлигини, Марказий Осиё маданияти, маърифати Фарбда уйғо-

¹ Аликулов Ҳ. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. – Т., 1979; Жавод С.М. Тарихи адабиёти Ирон. 21–жилд. – Исфаҳон, 1339 ҳижрий (форс тилида); Исо Содик Сайфи. Фарҳанг дар Ирон ва мағруб замин. – Техрон, 1332 ҳижрий (форс тилида); Сафо З. Тарихи ўлуми ақли дар тамаддуни ислом. – Техрон, 1333 ҳижрий (форс тилида); Ўша муаллиф: Эрон адабиёти тарихи. – Техрон, 1976 (форс тилида); Улкен З. Ислом фалсафаси тарихи. – Истанбул, 1967 ва бошқалар.

ниш даври бошланишига катта таъсир кўрсатганлигини кўрсатиб беришдир.

Шаркнинг буюк мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Улуғбек, Жомий, Навоий, Фуркат, Муқимийларнинг фалсафий, ахлоқий қарашлари кенг ўрганилди ёки ўрганилмоқда. Шарқшунос олимлар В.Бартольд, Е.Бертельс, В.Жирмунский, И.Петрушевский, И.Мўминов, В.Зоҳидов, М.Мамедов, А.Мирзоев, М.Баратов, Ҳ.Алиқулов, Ҳ.Воҳидов, С.Григорян, А.Тохиржонов, М.Орипов, М.Усмонов, А.Шарипов каби олимлар Марказий Осиёда яшаган мутафаккирлар ижодларини ўрганиди. Натижада, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа мутафаккирларнинг ижодига бағишланган катор илмий тадқиқотлар вужудга келди. Лекин ҳали Марказий Осиё мутафаккирларининг ҳаммасини ҳам кенг қамровли илмий-бадний ахлоқий мероси тўлиқ ўрганилган эмас.

Фалсафа тарихи фанида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини ўрганишга тўла ва бевосита бағишланган монографик ёки диссертацион тадқиқот йўқ эди. Унинг илмий таржимаи ҳоли, ҳаёт йўли ҳақида ҳам махсус тадқиқот яратилмаган. Шунга қарамасдан, Марказий Осиё ва Эрон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихи бўйича уни дунёга келтирган даврни тушунишга имкон берувчи ишлар ва Ҳусайн Воиз Кошифий ижтимоий-ахлоқий ғояларининг у ёки бу жиҳатлари қаламга олинган тадқиқотлар мавжуд, холос. Айни кунларда ҳам Марказий Осиё, уму ман, Шарқ фалсафасини кенг ўрганиш заруриятини муҳтарам Президентимиз И.Каримов файласуф олимларимиз олдида асосий вазифа қилиб қўймоқда.¹

Ҳусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижоди масаласидаги манбаларни илмий адабиётларни ўрганувчиларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** олимлари Кошифий ҳақидаги маълумотни биринчи бўлиб Навоий ва Хондамир берганлар. Ҳ.Алиқулов, М.Аҳмедов, М.Бехруз, О.Усмонова, Р.Мукулмонкулов, Х.Мирзозода, Б.Ғафуров, А.Тохиржонов, М.Азаматовнинг² тадқиқотларида Ҳусайн

¹ Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. 39-бет.

² Қаранг: Алиқулов Ҳ. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. – Т.: Фан, 1979; Азаматов М. Оғойи ва унинг авлодлари. // Гулистон. 1989. № 1. 25–26 б.; Аҳмадов М. «Футувватномае Султани». – Т., 1973; Бехруз М. В.Кашифи и его произведения эпистолярного жанра «Махзан ал-Иншо» и «Сахифаи Шоҳ». – М., 1970; Усманова О., «Ахлоки Мухсини» Ваиза Кашифи. Введение в изучение памятника XV в. Перевод, историко-

Воиз Кошифий ҳаёти тўғрисида қисқа маълумотлар берилган ҳалос. Лекин бу маълумотларнинг кўплари зиддиятли, бир-бирини инкор ҳам қилади, мунозарали далиллар ҳам келтирилади. Аммо уларда Ҳусайн Воиз Кошифий ҳақида тўлиқ маълумот берилмайди. Аксарияти туғилган жойи, йили ҳақида умумий маълумот бермайдилар. Шунинг учун мутафаккир таржимаи ҳолининг аниқланмаган, мунозарали жиҳатларига аниқлик киритиб, аниқ далиллар асосида маълумот беришни лозим топдик.

Иккинчи гуруҳ олимлари тадқиқотлар мавзуларига кўра, Ҳусайн Воиз Кошифий асарларига йўл-йўлакай муносабат билдириб ўтадилар ҳолос. Улар аниқ бирон асарини таҳлил қилишни мақсад қилиб олмайдилар. Ҳусайн Воиз Кошифий илгари сурган ахлоққа оид ғоялар далилларидан (асосан, мутафаккирнинг «Ахлоқи Муҳсиний», «Анвори Сухайлий» («Калила ва Димна» таржимаси) фойдаланиш билан чекланганлар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги М.Хайруллаев, Тожикистон Фанлар академиясининг академиги А.Мирзоев, турк олими Шамсиддин Сомий, Эрон олими Али Акбар Деххудо, Ҳ.Алиқулов, Саид Нафисий, Е.Бертельс, А.Болдирев, Я. Стори¹ ва бошқалар, XV асрдаги илм-фан тараққиёти ҳақида гапириб, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳам ўз ўрни бор эканлигини алоҳида таъкидлайдилар.

Ҳозиргача Ҳусайн Воиз Кошифийнинг тўлиқ шаклдаги илмий таржимаи ҳоли яратилган эмас. Унинг ҳаёт йўли ҳақида ҳам махсус бирон асар йўқ. Мутафаккирлар, шоирларнинг кўпи одатда ўзи ҳақида бирон маълумот ёзиб қолдирганлар. Аммо Ҳусайн Воиз

филологический комментарий. – Т., ТашГУ, инв. № 8587; Хусайн Воиз Кошифи. «Бадаи ал-Афкар фи санаи ал-Ашар». Предисловие Мусулмонкулов Р. – М., 1977; Мирзозода Х. Тарихи адабиёти тоҷик» асрҳои XIII–XV. 2-китоб. – Душанбе: Маориф, 1977; Гафуров Б. Точикон. – Душанбе: Ирфон, 1983; Тагирджанов А. Описание таджикских и персидских рукописей. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1962. 100–104-б.

¹ Аликулов Х. Освещение философского наследия среднеазиатских мыслителей XIV–XV вв. за рубежом. // Сб.: Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. – Т.; Фан, 1988; Бертельс Е., А.Навои. – М.–Л., 1948; Болдырев А. «Зайн-ад-дин Васифи». – Сталинабад, 1957; Деххудо А. Лугатнома. – Техрон, 1920–1921. Форс тилида; Мирзоев А. Камал ад-Дин Бинои. – М.; Наука, 1976; Сездэх мақола (аз таърихи адабиёти асрҳои X–XV тоҷику форси). – Душанбе; Ирфон, 1977; Сомий Ш. «Комус ул-аълум» (6-жилдлик). III-жилд. – Стамбул, 1891. Форс тилида; Нафиси С. История поэзии и прозы в Иране. Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Т.; Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988; Стори Ч. Персидская литература. Библиографический обзор (Переработал и заполнил Ю.Брегель). – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1972 ва бошқалар.

Кошифийнинг ўзи, оиласи ҳақида бирон асарида ёзгани ҳозирча маълум эмас.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фалсафий, ахлокий қарашларини ҳозиргача кенг кўламда тадқиқ қилинмаганлигининг сабаблари фалсафий, ахлокий фикр тарихи соҳасидаги тадқиқотлардаги эскича ёндашиш, диний илоҳиётга алоқадор бўлганлиги учун уларни четлаб ўтиш ва ниҳоят, Кошифий асарларининг анча мураккаб бўлган форс тилида ёзилганлигидир. Уларни ҳозирги замон тадқиқотчиси тушуниши анча муаммолидир.

Ҳусайн Воиз Кошифий ижоди бир неча тадқиқотчилар томонидан қисман ўрганилган, ҳолос. Адабиётшунос олим М.Бехруз «Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ёзишма жанрдаги асари «Махзан ул-Иншо» («Саҳифаи Шоҳий» бўйича (Бехруз М. В.Кошифи и его произведение эпистолярного жанра «Махзан ул-Иншо»/«Саҳифаи Шоҳи» – М., 1970; М.Аҳмадов «Футувватномаи Султоний» бўйича (Аҳмадов М. «Футувват-намёе Султони» – Душанбе, 1973), С.Иномхожаев Воиз Кошифийнинг мусиқа соҳасидаги ишларини тадқиқ қилганлар. О.Усмонова эса XV асрда Ҳирот мадрасаларида дарслик сифатида машҳур бўлган «Ахлоқи Муҳсиний» асарини форс тилидан рус тилига таржима қилган. Р.Мусулмонкулов эса Кошифийнинг шеър санъатига бағишланган «Бадаи ал-афқар фи санаи ал-ашъор» асарини сўзбоши, шарҳлар ва изоҳлар ёзиб, қайта нашр қилдирган²¹. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ижтимоий-ахлокий қарашлари ҳозиргача етарли ўрганилган эмас.

Монографияда Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлар умумданий ва тарихий-фалсафий тараққиётида Ҳусайн Воиз Кошифийнинг тутган ўрни ва ролини аниқлаш, унинг ижтимоий-ахлокий қарашларини асарлари, яъни манбалар асосида далиллар билан кўрсатиб беришдир. Бунинг учун қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

– XIV–XV асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазият ва Кошифий дунёқараши шаклланишининг асосий манбаларини кўрсатиб бериш;

– Воиз Кошифийнинг ижтимоий-ахлокий қарашларининг гоявий шаклланиши манбалари ва тарихий шарт-шароитларини кўрсатиш;

²¹ Кошифи. Бадаи ал-афқор фисанан ал-ашъор. М.,1977.

- Кошифий ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг маълумот бериш;
- мутафаккирларнинг жамият ва давлат тузуми, синфий табақаланиш ҳақидаги таълимотларининг моҳиятини очиб бериш;
- Кошифий илгари сурган ахлоқий тамойиллар, ахлоқ категориялари муаммолари хусусидаги унинг қарашлари моҳиятини очиб бериш;
- олим илгари сурган оддий ахлоқ меъёрлари талқини мазмунини очиб бериш;
- мутафаккирнинг нотиклик санъатига қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш;
- Марказий Осиё фалсафаси тарихида Воиз Кошифий ахлоқий дидактикасининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди.

Хусайн Воиз Кошифийнинг ижтимоий–ахлоқий қарашлари биринчи марта махсус тадқиқот мавзуси қилиб олинди ва таҳлил қилинмоқда. Унинг ижтимоий ва ахлоқий қарашларини ўрганишдан тарихий фалсафий янгилик қуйидагиларда кўринади:

- Воиз Кошифийнинг XV аср йирик мутафаккирлари Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийлар ахлоқий таълимотларининг ижодий ривожлантирилишини очиб бериш;
- мутафаккирнинг тарбия ва таълим тўғрисидаги гояларининг моҳиятини ва аҳамиятини кўрсатиш;
- Воиз Кошифий дунёқарашининг яхшилик ва ёмонлик, адолат, бурч каби ахлоқий категорияларининг аҳамиятини, шунингдек, унинг инсондаги камчиликларни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги тушунчаларини моҳиятини очиб бериш;
- мутафаккирнинг оддий ахлоқ меъёрлари, категориялари ва тамойиллари ҳақидаги қарашларини аниқлаш;
- мутафаккирнинг нотиклик санъатига қўшган ҳиссасини кўрсатиш.

Булардан ташқари, монография иловасида Воиз Кошифийнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ва Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти (ҳозирги Адабиёт музейи)да сақланаётган 45 номдаги асарларининг 197 қўлёзма ва 75 тошбосма нусхалари каталоглари рўйхати эълон қилинмоқда.

Тадқиқотнинг назарий методологик асоси ахлоқ, ахлоқ тарихини диалектик-материалистик тушунишда умуминсоний қадрият-

ларнинг муҳим аҳамияти тўғрисидаги коида, илгор мутафаккирларнинг ахлоқий қарашлари, айниқса, Марказий Осиё ҳамда Эрон анъаналари, қарашлари, тарихийлик, объективлик, конкретлилик, илмийлик тамойилларига қатъий ва изчил риоя қилинишидан иборатдир. Тадқиқот, шунингдек, бир қатор собик шўро ва чет эл олимлари ишларига, кўлёзма манбаларига ва, энг аввало, Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсини»¹, «Рисолаи Хотамиа» – «Китоби Хотамнома»², «Бадое ал-афкор фи саное ул-ашъар»³, «Анвори Сухайлий», «Калила ва Димна»⁴ асарларига суянган ҳолда ёзилди. Шунингдек, тадқиқотчи О.Усманова рус тилига таржима қилган «Ахлоқи Муҳсиний»⁵ дан ва бу асарнинг таржимони номаълум ўзбекча вариантыдан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, монографияда илгари сурилган ғояларни илмий, ташвиқотлик фаолиятда, ўқув-тарбия ишларида, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда ўтмиш мутафаккирларининг, яъни Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқ ҳақидаги доно фикрларидан тўла фойдаланиш мумкин. Мутафаккирнинг «Ахлоқи Муҳсиний», «Рисолаи Хотамиа» асарларидан парчаларни олий ўқув юрти талабалари учун дарсликларга ва адабиёт бўйича хрестоматияларга киритиш мумкин. Монография материалларидан «Ахлоқшунослик», «Маданият тарихи», «Фалсафа тарихи», «Одобнома», «Маънавиятшунослик» курслари бўйича маърузалар ўқишда, шунингдек, махсус курс материаллари сифатида фойдаланиш мумкин.

Ушбу монография Воиз Кошифийнинг фалсафий, ахлоқий, педагогик қарашларининг ўрганилиши жараёнидаги очиқ қолган ўришларни тўлдирди деган умиддамиз.

¹ Ахлоқий Муҳсиний. ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, кўлёмалар фонди. Инв. 3022 (форс тилида).

² Рисолаи Хатамиа – Китоби Хотамнома. ЎзР ФА ШИ кўлёмалар фонд. Инв. 4388 (форс тилида).

³ Бадос ал-афкор фи саное ул-ашъар. Москва, 1972.

⁴ Кошифий. Калила ва Димна. – Душанбе, 1989 (тожик тилида).

⁵ Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. ЎзР ФА ШИ кўлёмалар фонди. Инв. 13817 (эски ўзбек тилида). «Ахлоқи Муҳсиний» асарининг эски ўзбек тилидан К.Исроилов ҳозирги ўзбек тилига ўғирган нусхаси ҳам қўлимизда сақланмоқда. Таржимони номаълум.

ТАРИХИЙ ШАРТ-ШАРОИТ ВА ҒОЯВИЙ МАНБАЛАР

Марказий Осиё XIV–XV асрлар орасида вужудга келган ижтимоий-сиёсий барқарорлик туфайли ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳамда маданият, илм-фан ва бадиият санъат соҳаларида сезиларли илмий-маданий ютуқларга эришилди. Худди илк ўрта асрларда бўлганидек, илм-фан, маданиятнинг кўзга кўринган вакиллари етишиб чиқди. Улар орасида Саид Шариф Журжоний, Тафтазоний, Давоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Кошифий каби буюк донишманд, инсонпарвар, ҳассос олим ва фозиллар бор эди. Ана шундай илғор ва кўтаринки маънавий муҳит етиштирган ўз замонасида фиқих, воиз, котиб, муфассир ва ҳоказолар деб ном таратган мутафаккирлардан бири Ҳусайн Воиз Кошифийдир. Мутафаккирнинг асарлари бизгача яхши сақланиб, етиб келганлиги турли тазкираларда унинг номи, ижоди ва асарлари бот-бот тилга олинганлигига ва энг муҳими, унинг кўпгина асарлари XX асрнинг бошларигача Марказий Осиё, Хуросон, Эрон мактаб, мадраса ва бошқа ўқув юртларида асосий дарслик вазифасини ўтаб келганлигига қарамасдан, бизнинг фалсафа тарихи илмий тадқиқотларида Кошифийга алоҳида эътибор қилинмаган. Кўпчилик фалсафа тарихи китобларида бу мутафаккирнинг номи фақат санаб ўтиб келинган, холос. Яъни, айтиш мумкинки, унинг номи машҳур бўлса ҳам унинг ижоди, мероси ва шахсияти ҳали кўпчиликка маълум эмас эди.

Ҳусайн Воиз Кошифий яшаган даврни, ижтимоий шароитни, давр зиддиятларининг мутафаккир дунёқарашидаги инъикосини, унинг ижтимоий мавқеъида акс этишини билмасдан туриб, унинг ижоди, ижтимоий-ахлоқий дунёқараши ҳақида объектив фикр юришиб, хулоса чиқариб бўлмайди.

Ҳусайн Воиз Кошифий XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон вилоятида яшаб ўтган. Бу даврда Марказий Осиёда икки давлат вужудга келган бўлиб, Самарқанд Мовароуннахрнинг, Ҳирот – Хуросоннинг маркази эди. Амир Темурнинг 35 йил давомида вужудга келтирган улуғ империяси таназзулга юз тутиб, бир неча мамлакатларга ажралиб кетган, темурийлар ўртасида эса тож-тахт учун беаёв жанглар давом этаётган эди. Темурнинг кўп сонли авлодлари мамлакатнинг айрим вилоятларини эгаллаб, бир-бири билан уришар эдилар. 1469 йилда Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни қўлга киритади.

Узоқ давом этган ўзаро тож-тахт учун курашлар бирмунча барҳам топади. Аммо, Астрободда Муҳаммад Ёдгор, Балхда Аҳмад Муштоқ кўзғолон кўтаради. Ҳусайн Бойқаро бу ғалаёнларни бостиради. Мамлакатда бунга ўхшаш кўзғолонлар аҳён-аҳёнда бўлиб туради.

Олимлар Ҳусайн Бойқаро фаолиятини икки даврга ажратади:

биринчи давр 1469–1497 йиллар;

иккинчи давр 1497–1506 йиллар.

Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган биринчи даврда мамлакатда бирмунча тинчлик бўлиб, давлат ичида ҳам феодал урушлар, низолар нисбатан камроқ бўлади. Бу даврда Ҳирот ҳар томонлама кенгайди ва ривожланди. Иккинчи даврда эса кўпроқ Ҳусайн Бойқаро ўз атрофидаги маслаҳатчиларининг фикри билан иш юритди. Натижада мамлакатда бошбошдоқлик вужудга келади. Ўзаро низолар кучаяди. Алишер Навоий Астрободга сургун қилинади. Ҳусайн Бойқаронинг севимли набираси Мўмин Мирзо ўлдирилади ва ҳоказо.

Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққан дастлабки йилларида, тарахчи олимлар тўғри таъкидлаганларидек, мамлакатда тинчлик ўрнатишга, халқ аҳволини яхшилашга, ижодкорларга ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор берилади. Натижада Хуросоннинг иқтисодий аҳволида жонланиш вужудга келади. Аммо даврнинг асосий қиёфасини белгиловчи нарса, феодал зулмининг авж олиши, ўзаро низоларнинг давом этиши халққа, мамлакат ҳаётига салбий таъсир кўрсатар эди. Мамлакатда аҳён-аҳёнда кўзғолонлар бўлиб турганига қарамасдан, Ҳиротда маданият, илм-фан, адабиёт, санъатнинг ривожини юқори поғонага кўтарилди. Бунинг энг асосий, **биринчи сабаби** Хуросондаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, илмий-маданий кучларнинг тўпланганлиги, шу жумладан, Ҳиротда буюк шоирлар Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг яшашганлиги ҳам эди. Жомий, Навоий ижод аҳлларига кўп томонлама маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдам берардилар. **Иккинчидан**, Самарқанддаги кўп олиму шоирлар Ҳиротга келиб қолган эдилар. **Учинчидан**, Ҳусайн Бойқаро давлат ишларини бошқаришда юқорида айтилганидек, дастлабки пайтларда улуғ инсонпарвар шоир Алишер Навоий маслаҳати билан иш олиб боради. Бу пайтда Алишер Навоий халқ ўртасида доно, олийҳиммат инсон, ижтимоий-сиёсий аҳволни тушуна оладиган давлат арбоби сифатида

танган эди. Мамлакатни тиклаб олиш ва бошқариш учун Алишер Навоийдек ақлли, тадбиркор, узоқни олдиндан кўра оладиган, вазиятни тез баҳоловчи маслаҳатчи жуда керак эди. Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг муҳрдор этиб тайинланиши оддий меҳнаткаш халқни Хусайн Бойқарога муносабатини ҳам бирмунча яхшилади.

Хусайн Бойқаро маданиятни, илмни, адабиётни, санъатни сеувчи киши эди. У Ҳиротда мамлакатнинг ривожланишда ижобий роль ўйнади. Бу пайтда гарчи форс тили асосий муомала тили бўлса ҳам, шоирларга чигатой–ўзбек тилида асарлар ёзиш, мушоралар ўтказиш, чигатой–турк аслзодаларига Темур Кўраго-ний буюрган амр эди. Хусайн Бойқаро ҳам ўзбек адабий тили тараққиётига маълум даражада ҳисса қўшган қобилиятли шоир эди. У гўзал, ёқимли, енгил ўқиладиган, ажойиб шеърлар ёзиб¹, бошқаларга ўрнак кўрсатади. Шунинг учун ҳам Ҳиротда кўп вақт бадиҳагўйлик бўлиб турган. Бу ҳақида Алишер Навоий: «Мен Бойқаро саройидагидек бастакор ва шоирлар, мусаввирлар, хаттотларнинг буюк мусобақаси ўтаётган бирон-бир даврни билмайман»², – деган эди. Чунки бу пайтда Хуросоннинг довуғи бутун Марказий Осиёга ёйилганди. Ҳирот нафосат аҳли – шоир, мусаввир, муғанний, мутриб, хаттот ва наққошлар, Навоий таъбири билан айтганда, «хонанда, бозанда, созанда, гўянда»ларнинг маконига айланганди. Бу ерда кўзга кўринган фан ва маданиятнинг улуғ намояндалари Пахлавон Муҳаммад, Камолиддин Удий, Мутаҳҳари Удий, Устод Қулмуҳаммад, Саолимий, Хожа Садр, Ҳофиз Шарбатий, Муҳаммад Али, Шайхий, Мир Ҳабибуллоҳ Биноий, Моний, «Қиблат ул-кутуб» – «котиблар қибласи» Султон Али Машҳадий (1432–1520), замонасининг «Монийи соний» – «иккинчи Монийси» Камолиддин Бехзод (1455–1537) каби нозик дидли ижодкорлар яшаётган эдилар.

Алишер Навоийнинг шогирди Хондамир³, Давлатшоҳ Самарқандий⁴, Воиз Кошифийнинг шогирди Зайниддин

¹ Ганиева С. Ўзбек тили ва адабиёти // 1969. № 1. 50–53 бетлар.

² Қаранг: Раҳимова З. Камолиддин Бехзод // Совет Ўзбекистони санъати. 1980, № 12, 17–бет.

³ Хондамир. Хулосат ул-ахбор / Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

⁴ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.

Восифийлар⁵ XV асрнинг иккинчи ярмидаги Ҳирот ва унда бўлиб ўтган кўплаб тантаналар қатори шеърят кечаларини, айтишувларни, чистон топиш, муаммо ечиш, шеър ўқиш бўйича ўтказилган мусобақалар ҳақида тўлқинланиб ёзишган.

Шаркни, Хуросон тарихини чуқур ўрганган Алишер Навоий тўғрисида қатор мақолалар эълон қилган машҳур шарқшунос, француз олими Белен бу давр ҳақида шундай ёзганди: «маданият ҳокимияти Хуросонга, Балхга, Татаристонга, Кандаҳорга, Сёйистонга ва Мозандаронга ёйилган Султон Ҳусайн ибн Мансур ибн Бойқаронинг подшоҳлиги даврида гуллади. Ўзи ҳам йирик адабиётчи бўлган бу шаҳзода саройга олимларни, шоирларни, санъаткорларни ва адабиётда озми-кўпми хизмати ёки аҳамияти бўлганларнинг ҳаммасини йиққан эди. Бу давр бундан бошқа, яна шу билан яхшики, бу вақтда адабиётга муҳаббат шу қадар кенг ёйиладики, бундай ҳолатни учратмаслик мумкин. Шарқ тарихида ҳеч қачон маданий тараққиёт бу даражада бўлмаган эди: бу масалада Хуросон саройининг шаҳзодалари гўзал намуна кўрсатдилар; ўзлари адабиёт ва санъат билан шуғулланиб, улар олимларни кўллаб-қувватладилар ва Алишер, Жомий, Абдураззоқ, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ ва бошқа кўп нуруний сиймоларнинг гўзал ивлодининг порлаши орқали кўринаётган бу аср, адолат талаби бўйича, Шарқ адабиёти тарихида олтин аср, деб ҳисобланиши вожиб»¹. Бу Ҳирот адабий-ижтимоий муҳитига берилган объектив баҳо эди. Бу турли дунёқарашдаги олимлар баҳосида янада аниқроқ кўринади. Шарқшунос олим академик В.Жирмунский бу давр ҳақида шундай дейди: «Марказий Осиё XV асрда темурийлар ҳукмронлиги чоғида ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар ривожини жиҳатидан Италиядаги илк уйғониш даврига жуда яқин мос келадиган даражага кўтарилган эди, десак тарихий муболаға бўлмайди»². Чунки бу пайтда Хуросоннинг пойтахти Ҳирот ривожланиш, ўсиш бўйича Темур ва Улуғбек даврида маданият марказига айланган Самарқанддан ўзиб кетган эди. Бунинг яна бир сабаби баъзи олимлар айтганларидек, мамлакатда нисбий тинчлик бўлгандагина эмас, балки Ҳиротда турмуш кечиришни бирмунча ен-

⁵ Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоъ. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат иншриёти, 1979.

¹ Қаранг: Belin Notice biographique et litteraire sur Mir–Alishir–Nevaii, Journal.

² Қаранг: Жирмунский В. Алишер Навои и проблемы Ренессанса в литературах Востока // Сўборник ст. «Сравнительное литературоведение». – Ленинград: Наука, 1979. С.175.

гиллигида ҳамдир. Ҳирот шаҳри ва унинг атрофида боғларнинг мавжудлиги, Хуросон вилоятидаги экиш майдонларини серунум, серҳосиллиги, ердан олинаётган даромаднинг кўплиги ҳам халқнинг иқтисодий турмушини яхшилади. Хуросон вилоятида халқ турмушининг ўнгланиши, йўқчиликни вужудга келиши, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётнинг яхшиланишига ҳам туртки бўлди. Булар Ҳиротни машҳур маданият марказига айланишининг яна бир сабаби эди. Атоқли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур айтганидек: «Бу шаҳар (Ҳирот – Р.М.), – ажойиб, унда кишини хурсанд қилиб, роҳат қилдирадиган ҳамма нарса бор... Ернинг одамзод яшайдиган қисмида Ҳиротга ўхшаган бошқа шаҳар йўқ. Чунки Ҳиротни безатиш учун Султон Ҳусайн барча сарф-ҳаражатни ҳам, марҳаматини ҳам аяган эмас»¹, – деган эди. Чунки бу давр Алишер Навоий ва зирлик пайтида Ҳирот меъморчилиги бутунлай ўзгарди, мачитлар, мадрасалар, карвонсаройлар, касалхоналар, қироатхоналар, нақшинкор қошоналар қурилди, каналлар, ариқлар қазилди, кўприклар солинди. Ҳиротда ва унинг атрофида тўрт юздан ортиқ катта боғлар ташкил қилинди. Алишер Навоий «Вақфия»² асарида 270 тадан ортиқ боғ, ўнга яқин мадрасалар қурдиргани ҳақида маълумот беради. Бу пайтга келиб Юнон, Рум, Византия, Чину Мочин, Ҳиндистон, Эрон мамлакатлари билан қадимда мавжуд бўлган савдо-сотик, маданий алоқалар яна тикланди. Карвон йўли Ҳирот орқали ўта бошлади. Бу ўз навбатида Хуросон халқининг турмуш даражасининг яхшиланишига таъсирини кўрсатмай қолмади. Бу халқнинг аҳволи жуда яхши, жабр-зулм йўқ эди, дегани эмас. Буюк мутафаккир Алишер Навоий «Вақфия» асарида бу даврдаги ҳаётнинг нақадар оғирлигини кўрсатиб: «Илигимдан келганча зулм тинг ушотиб, мазлум жароҳатига интиком марқаматин кўйдим», – деб ёзган эди. Бу ўзи яшаган даврга Алишер Навоийнинг объектив баҳоси эди.

Ҳусайн Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний» асарининг 27 – «Оҳисталик ва ошукмаслик баёнида» бобида:

*Зулм омили жаҳонни хароб қилур,
Барча эл кўнглини кабоб қилур.*

¹ Заҳириддин Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1990. 170–бет.

² Алишер Навоий. Асарлар. 13–том. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. 152–163–бетлар.

*Мамлакатга баче футур етар,
Салтанатга яна қусур етар,³*

деб, халққа кўрсатилаётган азоб-уқубатни мамлакат салтанатига ҳам таъсир қилинишини, хароб қилишини, кўнгулларни кабоб қилишини реал кўрсатиб беради. Шу билан бирга Кошифий одилликка, яхши бўлишга, жабр-зулм қилмасликка чақиради. Келтирилган икки мисол орқали ҳам бу даврдаги ижтимоий аҳвол ҳақида хулоса чиқариб олиш мумкин.

Хусайн Воиз Кошифий, қисқаси, XV асрнинг иккинчи ярмида иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар кучайган оғир шароитда яшаган.

Аллома яшаб ижод этган даврда Хуросонда юқорида таъкидланганидек, бир томонда, ҳаётдан воз кечган дарвешлар, иккинчи томонда, ўзига тўқ бойлар, учинчи томонда оч-яланғоч халқ, топган-тутганини солиқларга тўловчи ҳунармандлар, деҳқонлар яшар эдилар. Қисқаси, меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғир, солиқ турлари кўнайганди. Бу беҳисоб солиқларга қарши норозилик ғалаёнлари, кўнголлонлари бўлиб турарди. Ислом динининг таъсири кучли эди. Бу мураккаб даврда яшаган ҳар бир ижодкор ҳам ислом дини таъсиридан узоқ бўлмаганлар. Хусайн Воиз Кошифий ҳам ислом таъсиридагина бўлиб қолмай, унинг йирик арбоби ва тарғиботчиси ҳам бўлган. Хусайн Бойқаро мамлакатдаги кўплаб ғалаёнларни бостиришда Хусайн Воиз Кошифийнинг воиз (нотик – Р.М.)лигидан, халқ ўртасидаги обрўсидан ҳам унумли фойдаланган. Бундан ташқари, Хусайн Бойқаро халқни ўзига тобе қилиб, ушлаб туришда воизлардан фойдаланган. Хусайн Воиз Кошифий одоб-ахлоқ ҳақидиги насиҳатлари, маслаҳатлари билан халқни, подшо аъёнларини ҳам одоблиликка чақириб турган². Воизлар оддий халқ билан ҳукумат ўртасидаги кўприк вазифасини ўтаган. Чунки Хусайн Воиз Кошифий ҳар бир нуткида муқаддас китоб Қуръондан, ҳадислардан нарчалар айтиб, фикрини халққа содда қилиб тушунтирарди. Шунинг учун ҳам Хусайн Воиз Кошифийнинг оддий халқ ўртасида ҳурмати жуда баланд эди. Кошифийнинг катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганлигига сабаб, у ҳар доим халқ ёнини олган, халқ турмуш шароитини яхшилашга озми-кўпми фойдаси теккан.

³ Қиринг: Хусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи муҳсиний. Форс тилида. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Қўл ёзмалар фой. № 2022, 40, 5-6, 215-бет.

Кошифий дунёқарашининг шаклланиши давр тақозоси ва мавжуд тарихий шарт-шароит натижасида вужудга келган эди. Мутафаккир дунёқарашининг ўсишида Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро томонидан вужудга келтирилган маданий шароитни ҳам маълум аҳамияти бўлгани шубҳасиздир.

Кошифий дунёқарашининг шаклланишидаги асосий ғоявий манбалар биринчидан, давр, муҳит, иккинчидан, Ҳиротда яшаётган Жомий, Навоийларнинг таъсири, учинчидан, ўтмишда яшаб ўтган Форобий, Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Саъдий каби мутафаккирларнинг ахлоқий таълимотлари ва тўртинчидан, мусулмонларни энг муқаддас китоби Қуръон, ҳадислар ва бошқа диний асарларнинг кенг ёйилганлигидир. Булар Кошифий дунёқараши шаклланишида асосий ғоявий манбалар вазифасини бажарган. Натижада Кошифийда олам, дунёнинг моҳияти, инсонларни тарбиялаш, ахлоқий тарбия ҳақидаги қатор ўлмас таълимот вужудга келган. Бу ахлоқий таълимотлар эса юқорида тилга олинган асарларида баён қилинган.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг исм-шарифи манбаларда, олимларнинг асарларида турлича номланган. Масалан: XV асрнинг машҳур тарихчиси Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» асарида «Мавлоно Камолуддин Ҳусайн ал-воиз ал-Кошифий», «Хулосат ул-ахбор» асарида эса «Мавлоно Камолуддин Ҳусайн Воиз», Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Б.Аҳмедов¹ Камолуддин Ҳусайн ибн Али Воиз ал-Кошифий, Ҳусайн бинни Али ал-Кошифий, А.Мирзоев Мулло Ҳусайн бинни Али Воиз Кошифий, Холик Мирзозода Ҳусайн Воиз Кошифий, тадқиқотчи О.Усмонова эса Камолуддин Ҳусайн бин Али Байҳақий Хуросоний, мутафаккир асарларининг қўлёзмаларини кўчирувчи хаттотлар эса «Китоби Хотамнома» асарида «Ҳусайн ал-Кошифий»², «Ахлоқи Муҳсиний» асарида эса Мавлоно Ҳусайн Воиз³ деб атайдилар. Ленинградлик шарқшунос олим Абдурахмон Тоҳиржонов эса Камолуддин Ҳусайн ибн Али Воиз деб адабий ташхилусини эса ал-Кошифий, ал-Байҳақий, ас-Сабзаворий, ал-Ҳиравий деб юритилиши ҳақида маълумот беради⁴. Эрон олими Саид Нафисий Эрон антологиясининг биринчи жилдида⁵ Камолуддин Ҳусайн бин Кошифий Байҳақий Ҳировий, мулла Ҳусайн Кошифий, бошқа асарларида эса ал-Шикафий деб номланишини кўрсатади. Исм-шарифини бир неча хил қўлланиши бир мунча қийинчиликлар туғдиради, чалкашликларга олиб келади. Натижада баъзи олимлар Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли шоир Фихриддин Али Сафий асарларини ҳам Кошифий асарлари деб тилкин қиладилар⁶.

Бизнингча, «мавлоно», «камол», «махдум», «ҳаким», «мулла» сўзларининг умумий маъноси бир хил бўлиб ҳурмат, етуклик, ўқинишлик, донишмадлик маъносида қўлланилган. Шунинг учун

¹ Алишер Навоий замондошлари хотирасида (Тузувчи Б.Аҳмедов). Т.: Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 85-бет.

² Муродов А. Марказий Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Т.: Фан, 1971, 181-183-бетлар.

³ Кошифий. Китоби Хотамнома. Форс тилида. ЎзССР ФА А.Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инв. № 4388.

⁴ Тигиржанов А. Описание таджикских и персидских рукописей. Ленинград: Изд. ЛГУ, 1962, с. 100. Саид Нафисий. История поэзии и прозы в Иране. М., 1967. Азаматов М. Ойин ва унинг авлодлари // Гулистон. 1989. 1-сон. 25-26-бетлар.

ҳам, бизнингча, унинг исми Ҳусайн, отасининг исми эса Али, воиз Кошифий – адабий таҳаллуsidир.

Демак, манбалар ва ишончли тадқиқотларга суяниб, Ҳусайн Воиз Кошифий тахминан 1440-йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзавор шаҳрининг Байҳақ кентида туғилган, лекин унинг ота-онаси, болалиги ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Бизнингча, у бошланғич маълумотни Сабзаворда олади. У араб, форс ва туркий тилидан ва математика, астрономия, химия, адабиётдан тўлиқ маълумотга эга бўлади. Ёшлигиданоқ воизлик, сўз санъати билан шуғулланади. Натижада Сабзаворда ўзи ёш бўлса-да, кўзга кўринган воиз бўлиб танилади. Бизга номаълум бўлган сабабларга кўра, Нишопурда 1455–1468 йилларда эса Машҳадда яшаб воизлик қилади. 1468 йилнинг охирларида Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳиротга келади. Тарихчи олим Саид Нафисийнинг¹ айтишича, Кошифий умрининг охирида Ҳиндистонга сафар қилади. Унинг бу сафари ҳақида ҳам ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Кошифий 1505 йилда Ҳиротда вафот этади.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг оилавий аҳволи ҳақида ҳам маълумотлар жуда кам. Тадқиқотчи О.Усмонова Ҳусайн Воиз Кошифийнинг икки қизи ва бир ўғли борлиги ҳақида маълумот беради. Лекин уларнинг тақдири ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. Фақатгина катта ўғли ўз даврининг машҳур шоири, илоҳиётчиси олим Али Сафий ҳақида баъзи маълумотлар учрайди.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг тўртинчи мажлисида Али Сафий ҳақида шундай дейди: «Мавлоно Сафий Мавлоно Ҳусайн Воизнинг ўғлидир. Бағоят дарвешваш ва фоний-сифат ва дардманд шева йигитдир... таъб, хуб...»¹. Бундан кўринадики, Али Сафий Навоий эътиборини тортган билимдон, шоиртабиат инсон бўлган. Фахриддин Али Сафий ҳақида Абдурахмон Тоҳиржонов² ҳам қимматли маълумот беради.

Али Сафийга катта шуҳрат келтирган, уни ёзувчи, олим сифатида танитган «Латоиф ут-тавоиф» («Турли тоифалар латифалари»), «Рашаҳоти айн ал-ҳаёт» («Ҳаёт томчилари»), «Анис ул-орифин фил-мавоиз» («Панду насихатда орифлар дўсти»),

¹ Саид Нафисий. История поэзии и прозы в Иране. – М., 1967.

² Навоий Алишер. Асарлар, 12-том. – Т., 1965. 132–6.

³ Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей. – Л.: Изд. ЛГУ, 1962. С.333–336.

«Маҳмуд ва Аёз», «Кашф ул-асрор» («Сирлар кашфи») каби машҳур асарларидир.

Машҳур шарқшунос олим Миклухо–Маклай ҳам Али Сафий ҳақида баъзи маълумотларни беради³. Олимнинг ёзишича, Али Сафий 1463 йил 12 февралда туғилган. 1532–1533 йилларда вафот этган. Унинг бир неча диний, Хожа Аҳрорга бағишланган асарлари ва кимё илмига оид қатор поэмалари, латифалари мавжуд.

Демак, Хусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Фахриддин Али Сафий отаси изидан борб, ўз даврининг шоири, олими бўлиб етишади. Лекин Али Сафий ижоди ҳам ҳозирча, бизнинг назаримизда, уму ман, ўрганилган эмас. Асарлари Москвада рус тилида, Тошкентда ўзбек тилида нашр этилган.

Олимлар Хусайн Воиз Кошифийнинг туғилган, Ҳиротга келган вақти ва вафот этган йили тўғрисида турлича тахминлар баён қилинади. Адабиётшунос олими Р.Мусурмонкулов туғилган йилини 1440–1450 йилларда, А.Тоҳиржонов 1471–1472 йилларда, Ҳ.Аликулов туғилган йили номаълум деб маълумот берадилар. Унинг Ҳиротга келган вақти ҳам турлича шарҳланади. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида: «Хусайн Воиз Кошифий йигирма йиллардан буён Ҳиротда», – дейди. Бу асар эса 1491 йилларда ёзилган. Демак, Воиз Кошифий Навоий фикрича, 1470- йилларда Ҳиротга келган. Холик Мирзозоданинг 1455–1468 йилларда Мишҳалда яшади, деган фикрга қўшиладиган бўлсак, Кошифий Мишҳалдан 1468 йил охирларида Ҳиротга келади. Бу фикр Навоий фикрига ҳам анча яқиндир. Хусайн Воиз Кошифийнинг вафот этган йили тўғрисида ҳам бир неча фикр мавжуд. Йирик шарқшунос олим Абдулла Қобулий 933 (1526–1527); Хожа Халифа «Кашф аз-тунон» асарида тўртта сана келтиради: 900 (1494–1495), 906 (1500–1501); 910 (1504–1505); 917 (1511–1512); Муҳаммад Сурайё эса 806 (1403–04) йиллар деб кўрсатади. Бизнингча, Хусайн Воиз Кошифий 1505 йилда вафот этган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳеч қайси манбада ҳам Хусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижоди ҳақида кенгрок маълумот берилмайди, йўл-йўлакай тилга олинади, холос. Лекин баъзи олимлар, масалан, Ш.Шомуҳамедов: «Воиз Кошифий Абдурахмон Жомий-

³ Описание таджикских и персидских рукописей института Востоковедения. Вып.3. – М.: Наука, 1975. С.115.

нинг жияни³, М.Азаматов: «Абдурахмон Жомийнинг қайниси», Б.Аҳмедов⁴: «Абдурахмон Жомийнинг қайн иниси», инглиз олими Ч.Стори: «Камол ад-Дин Хусайн Али Воиз Кошифи шурин Джами, широкоизвестный как автор «Анвары Сухайли»⁵, деган фикрларини билдирадидлар. Лекин бу фикрларнинг ҳеч бири аниқ далил билан исботланмайди. Тадқиқотчи О.Усмонова номзодлик диссертацияси авторефератида «Имел двух дочерей, одна из которых была женой А.Джами» (9–10-бетлар)⁶ деб ёзади, диссертациянинг ўзида эса юқоридаги фикрга зид равишда «В Герате встречался с известным поэтом А.Джами. Был женат на сестре Джами»¹ (17–бет), деб ёзади. Аввало, бу фикрлар қайси манбага асосланиб айтилаётгани ҳеч қайси бирида кўрсатилмайди. Биз бу фикрларга қўшила олмаймиз. Биринчидан, Хусайн Воиз Кошифий ёки ўғли Фахриддин Али Сафийнинг асарларида Абдурахмон Жомий билан қариндош эканликларига бирон ишора йўқ. Фақат Кошифий ва Али Сафийлар эмас, балки Жомий асарларида ҳам бу ҳақида бирон бир фикрни учратмадик. Иккинчидан, Абдурахмон Жомийни ўзига пир-устоз деб билган Воиз Кошифийга юксак баҳо бериб, моддий ва маънавий жиҳатдан кўп ёрдам берган Алишер Навоий, тарихчи Мирхонд, Хондамир, Хусайн Воиз Кошифийнинг шогирди Зайниддин Восифийлар ҳам ўз асарларида уларнинг қариндошлиги тўғрисида маълумот беришмаган. Учинчидан, анча эътиборли мақоллардан бирида Воиз Кошифий ҳақида қисқача маълумот берилиб, Ҳиротга бориб (Кошифий – Р.М.) Жомий суҳбатдоши бўлди², дейилади. Тўртинчидан, Холик Мирзозода «Тоҷик адабиёти тарихи» асарида: «У (Кошифий – Р.М.) аз он чо ба Ҳирот омада, ба Абдурахмони Чоми вомехурад ва касби воизиро идома медихад»³, – деб ёзган. Бешинчидан, баъзи хабарларга қараганда, Жомий

³ Ҳикоят ва ривоятлар. Ш.Шомухамедов. Дилкушо ҳикоятлар. – Т.:Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 10–бет.

⁴ Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 202–бет (Тузувчи Б.Аҳмедов); Азаматова М. Гулистон. 1989. 1–сон, 26–бет.

⁵ Стори Ч.А. Персидская литература: био-библиографический обзор (Переработал и дополнил Ю.Э.Бретель). Главная редакция Восточной лит-ры, в 4-х томах, 1-том. М., 1972. С.126.

⁶ Усманова О. Автореферат. ТашГУ Ф.Б., Ин. АР 33821. С.10.

¹ Усманова О. Кандидатская диссертация. Ч.1.Т., 1984. Инт. № 8587. С.17.

² Энциклопедияи совети тоҷики. 3-том. Д., 1981, 497–бет.

³ Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. Жилди 2 (Асрҳои XIII–XV). Душанбе: Маориф, 1977. 318–бет.

ниқибандийлик оқимининг таникли арбобларидан бири бўлган устози Саъдиддин Кошғарийнинг қизига уйланган. Агар Жомий Воиз Кошифийнинг «туғишган опасига уйланди»⁴ десак, Кошифий Кошғарийнинг ўғли бўлиб чиқади-ку. Юкоридагилардан кўриниб турибдики, Жомий ва Кошифийнинг қариндошлигини тасдиқловчи бевосита далиллар йўқ. Жомий вафот этганда (1482 йил 8 ноябрда) Воиз Кошифий Хуросон вилоятидаги энг машҳур воиз, олим, шоир эди. Ўзининг энг обрўли, тилга тушган қариндоши ҳақида Жомийнинг бирон фикр билдирмаслиги мантиқан мумкин эмасди. Қолаверса, Кошифий ўзидан 25–30 ёшлардаги катта бўлган одамга 16–17 ёшли кизини турмушга беришга ҳам одамнинг ишонгиси келмайди. Агар Жомий Воиз Кошифийнинг қизига уйланди деб фараз қилсак, уларни замондошлари бу ҳақда маълумот берар эдилар. Афсуски, ҳозирча манбаларда ҳам бу ҳақида ҳеч қандай фикрларни учратмадик.

Хулоса қилиб айтганда, Хусайн Воиз Кошифий ва Жомийлар ўртасида ҳозирча қариндошлик алоқаси тўғрисида эмас, балки устозу шогирдлик алоқалари тўғрисидагина гапириш мумкин, холос.

Хусайн Воиз Кошифий Абдурахмон Жомийнинг жияни деган фикрга тўхталсак, бизга маълумки, Жомий ўз даврининг энг катта, обрўли орифи, дин пешвоси ҳисобланган. Хожа Ахрор билан яқин муносабатда бўлган, унинг юзлаб муриди бор эди. Кошифий ҳам Жомийнинг шу муридларидан бири бўлган бўлиши мумкин. Шу билан бирга Воиз Кошифий ҳам, Жомий каби пайгамбарлар ҳақида диний асарлар ёзган. Фақат ёзган эмас, балки Қуръон, ҳадисларни воқеа сифатида халқ ўртасида кенг тарғиб қилган. Қуръон ва ҳадислардаги ибратли гапларни халққа етказиб, уларнинг онгини бошқаришга, норозиликларини бостиришга ҳисса қўшган. Баъзи олимлар шунинг учун ҳам Воиз Кошифийни фақат илоҳиётчи деб тушуниб, Жомийнинг жияни бўлса керак, деб тахмин қилишган бўлиши мумкин. Лекин бу ҳақда Хондамир ҳам, Навоий ҳам ҳеч қандай маълумот берган эмаслар. Биз бу масалада фикр юритганда, биринчи галда, Хусайн Воиз Кошифийнинг замондошларига ва баъзи мўъғабар тадқиқотчиларнинг фикрларига суянамиз.

Китобларда тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган хизматлари ҳақида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқа-

⁴ Алимжон М. ??? // Гулистон. 1989. 1-сон. 26-бет.

рилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганликларига қараб ҳукм чиқарилади, – деган фикр учрайди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Воиз Кошифий ахлоқ муаммоларини ишлаб чиқишда ўз ўтмишдошлари Хоразмий, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Саккокий, Улуғбек, Лутфий, Жомий, Навоийларнинг жамият, табиат ҳақидаги доно фикрларидан ижодий ўргаиди, ўзлаштирди. Шу билан биргалликда Кошифий ҳам ахлоқ тамойиллари, ахлоқ категориялари, ахлоқ қоидалари ҳақида, давлатни бошқариш, инсонларни бир-бирига муносабати каби ўнга яқин долзарб масалалар билан жиддий шуғулланди ва ўзининг қарашларини, фалсафасини яратди. Шунинг учун ҳам у Жомий ва Навоийнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Бу ҳақда Алишер Навоийнинг шогирди Хондамир «Хулосат ул-ахбор» асарида: «Мавлоно Камолуддин Ҳусайн Воиз маъқул ва махсус илмларнинг барчасидан тўла нафланган ва баҳраманддир. Ҳозирги вақтда Шарқда Хуросон диёрида ул жанобга тенг келадиган киши топилмайди. Тангри каломининг тафсири ҳамда ҳазрати рисолатпаноҳ пайғамбар ҳадисларининг маъниларини минбардан туриб ғоятда покиза ва маъноли қилб тушунтиради. Ҳафтада уч марта: сешанба куни Султоннинг хонақоҳида, жума куни эрталаб доруссаёдат Султонияда, намоз ўқилгандан кейин Олиҳазратнинг жоме масжидида халойиққа ваъз-насиҳат қилиш билан машғул. Илгари чоршанба ва пайшанба кунлари ягона пир Хожа Абулвалид Аҳмад мазоридида ҳамда салтанатшиорлик жаноб мирзо Султон Аҳмад қабристонидида халойиққа тўғри йўл кўрсатиш билан ҳам банд бўларди. Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга эга эди, чунончи, унинг таъбирлари қазо ўқи сингари беҳато бўларди. Унинг балоғатоёқлик ҳамда фасоҳатсифатлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олимақом амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг иноят ва илтифоти ул жанобнинг ҳол саҳифасига ҳаммавақт тушиб туради...»¹, деб баҳо берган эди. Хондамирнинг бу фикрлари Кошифий ҳақидаги энг қимматли маълумот ҳисобланади. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарининг тўртинчи мажлисида: «Мавлоно Ҳусайн Воиз – «Кошифий» таҳаллус қилур. Сабзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва

¹ Хондамир. Хулосат ул-ахбор. Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 70–71–бетлар.

нуркор воқеъ бўлубтур. Он фан бўлгайким, даҳли бўлмагай. Хусусан, наъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар кайсида мушаййин ва машҳур ишлари бор...»², – деб унинг истеъдодини, биллими кенглигини юксак баҳолаган. Юқорида келтирилган қимматли маълумотлардан кўриниб турибдики, Воиз Кошифий Алишер Навоийдек буюк мутафаккирнинг эътиборини тортиб, меҳрига, ҳурматига сазовор бўлган. Воиз Кошифий Навоийни устоз деб эълозлаган. Хусайн Воиз Кошифий Марказий Осиё маданияти, хусусан, Хуросонда илм-фаннинг ривожига катта ҳисса қўшган мутафаккир даражасига кўтарилган.

Хусайн Воиз Кошифийдан кўп илмий, бадиий, таржима ислар мерос қолган. Холиқ Мирзозода «Тоҷик адабиёти тарихи»³ китобида Кошифийнинг 37, Саид Нафисий⁴ – 38, тадқиқотчи О.Усмонова⁵ – 200 дан ортиқ, А.Тоҳиржонов⁶ – 25 та асари борлиги ҳақида маълумот берадилар. Лекин ҳеч кайси бирлари (Тоҳиржоновдан бошқа) Воиз Кошифий асарларининг номларини келтирмайдилар, рўйхатини келтирмайдилар. О.Усмонова Кошифий асарининг рўйхати қайси кутубхонада, қайси мамлакатда сақланганини кўрсатиб, 86 асари рўйхатга олинганлигини кўрсатиб ўтади. Шундан 36 таси юртимизда¹, 50 таси чет элларда, шундан 14 таси Эрон каталогларида, 18 таси СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида, 4 таси С.Шчедрин номидаги Санкт-Петербург кутубхонасида, 3 таси Санкт-Петербург Давлат университети кутубхонасида сақланмоқда, деб кўрсатган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида Хусайн Воиз Кошифий асарларининг 75 та тошбосма нусхаси, 187 та қўлғезма нусхаси сақланмоқда.

Хусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижодига қизиқиш уни ҳаётинингидек бошланган эди. Буни юқорида келтирилган Мирхонд,

¹ Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. Асарлар. 15 томлик. 12-том. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. 123–124-бетлар.

² Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. Китоби 2. – Душанбе: Маориф, 1977. 319-бет (тоҷик тилида).

³ Нафиси С. История поэзии и прозы в Иране. – М.: 1966, 40–53-бетлар.

⁴ Усмонова О. Канд. диссертация. ТошДУ Ф.Б. Ин. 8587, 1-қисм.

⁵ Тағирджанов А. Описание таджикских и персидских рукописей. Л.: Изд. ЛГУ, 1962. 100–106-бетлар.

⁶ Усмонова О. Канд. диссертация. ТошДУ Ф.Б., ин. 8587, 1-қисм, 12–13-бетлар.

Хондамир, Алишер Навоийларнинг Воиз Кошифийга берган баҳо-ларидан билса ҳам бўлади.

Машҳур Ҳиротлик хаттот Султон Али Машҳадий² 1502 йилда «Хотамнома», «Жавоҳирнома»ни, дарвеш Али Муҳаммад Токий³ 1477 йилда «Лубоб ул-боб», «Лубби-лубоби маънавий интихоби маъсनावий»ни, Бобожон Санойи⁴ 1859 йилда «Ахлоқи Муҳсиний»ни, Аҳмад Дониш⁵ 1882 йилда «Лавойиҳ ул-камар»ни, 1898 йилда «Анвори Суҳайлий»ни, Мавлавий Абдуллоҳ Котиб⁶ «Калила ва Димна»ни кўчирган. Шунингдек, уни бошқа кўплаб асарлари хат-тотлар томонидан кўчирилган ҳамда халқ ўртасида кенг тарқалган.

Озарбайжон шоири Фузулий Муҳаммад Сулаймон ўғли (1498–1556) «Хусайн Воиз Кошифийнинг «Равзат уш-шуҳадо» асарини форс тилидан озарбайжон тилига «Бахтлилар боғи» деб таржима қилган.

Машҳур ўзбек шоири Муҳаммад Ризо Огаҳий 1858 йилда, Мулла Ўроз Муҳаммад бин Устамқулибоев 1876 йилда «Ахлоқи Муҳсиний» асарини форс тилидан эски ўзбек тилига таржима қилганлар.

Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», «Рисолаи Хотамий», яъни «Китоби Хотамнома», «Анвори Суҳайлий», яъни «Калила ва Димна» асарларининг арабча, форсча, татарча, эски ўзбек, урдуча, форс-араб тилларидаги бир неча нусхаси айни пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланмоқда¹.

Бундан ташқари, Хусайн Воиз Кошифий асарлари Париж, Лондон, Берлин шаҳарларида, Ироқ, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва бошқа мамлакатлар кутубхоналарида ҳам бор. Кошифий асарларига қизиқиш чет мамлакатларда XVIII–XIX асрлардаёқ кучли бўлган. Фарбий Европанинг Х.Кин, М.Дуайт, Д.Дональдсон, Э.Браун, А.Арберри, Э.Кеннеди, Э.Розенталь, Х.Массе, К.Ламбтон, Р.Леви, А.Шастри каби олимлари Марказий

² Муродов А. Марказий Осиё хаттотлик санъати тарихи. Т.: Фан, 1971. 181–бет.

³ Ўша асар, 169–бет.

⁴ Ўша асар, 169бет.

⁵ Ўша асар, 168 бет.

⁶ Ўша асар, 171–бет.

¹ Қаранг: Хусайн Воиз Кошифийнинг Ўзбекистонда сақланаётган асарлари рўйхати (Ушбу тадқиқотга илова қилинган).

Осиё ва Эроннинг XIV–XV асрлардаги ижтимоий–фалсафий фикр тираккиёгини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлар. Лекин уларнинг барчалари ҳам ўз дунёқарши моҳиятидан келиб чиқиб, XV асрда яшаган кўплаб мутафаккирлар қатори Воиз Кошифийга ҳам бир томонлама ёндошадилар. Профессор Ҳ.Аликулов² тўғри тилкидлаганидек, бу олимлар Воиз Кошифийнинг воиз бўлганлигига алоҳида диққат билан қарайдилар. Унинг ижодидаги илғор фикрларни эса кўра, тушуна олмайдилар. Масалан, эронлик олим Мирза Абдурахмон Воиз Кошифийни фақат ҳадисларни тушунтирувчи, сўфий³ деб билади. Воиз Кошифий ижодида диний характерга эга бўлган, шариат қонунлари ҳақидаги асарларинигина ҳисобга олиб уни танилган илоҳиётчи, дин тарғиботчиси, дин арбоби¹ деб таърифлайдиларки, бу фикрлар ҳақиқатдан йироқ эмас. Шу билан биргаликда бир гуруҳ Ғарбий Европа олимлари: Э.Браун, Ҳ.Фиридий Воиз Кошифийни етук мунажжим, кимёгар, адабиётшунос, истеъдодли нотик, мусиқашунос деб юқори баҳолайдилар².

Воиз Кошифийнинг бир неча асари немис, инглиз, француз, турк, форс, араб, грек тилларига таржима қилинган. Асарлари каталогларини Европанинг таниқли олимлари А.Крафт, В.Перч, О.Омер, Г.Эйте, Х.Рье, Э.Рехатзэк, Ф.Карата, Даорн, Э.Браун, В.Блоше, А.Арберри тузишган. Бу фикрларнинг ўзи Ҳусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижоди, адабий мероси ўрганишга лойик эканлигини кўрсатади.

Ҳусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижодини ўрганишга биринчилардан бўлиб рус шарқшунос олими А.Семёнов киришган. У XX аср 50–йилларида Марказий Осиё олимлари қатори Ҳусайн Воиз Кошифий асарлари рўйхатини тузди³. 60–йилларда эса Абдурахмон Тохиржонов⁴ XIV–XV асрларда яшаган Шарқ мутафаккирларининг асарлари рўйхатини тиклади. Бу рўйхатда Воиз

¹ Аликулов Ҳ. Освещение философского наследия среднеазиатских мыслителей XIV–XV вв. на рубежом. Сборник статей: Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. – Т.: Фан, 1988. 100–115-бетлар.

² Абдурахмон Мирзо. Тарихи уламоийи Хуросон. Тус–Машхад, 1341 ҳижрий, 216-бет (форс тилида)

³ Довдудо. Лугатнома. 51–т. Техрон, 1339 ҳижрий, 190–бет (форс тилида)

⁴ Payne E.A. History of Persian literature under tartar dominion. 504–505; Abid Hasan Faridi. An outline History of Persian literature. 117

⁵ Собрание восточных рукописей. Под ред. и предисловие А.А.Семёнова. Т., 1955, I–III.

⁶ Тигирджанов А. Описание таджикских и персидских рукописей. Л.: Изд. ЛГУ, 1962. 100–101–бетлар.

Кошифий ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот берилиб, 25 асари санаб ўтилади. Шунингдек, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Фахриддин Али Сафий ҳақида ҳам маълумот беради ва унинг асарларини санаб кўрсатади.

Кейинги ўттиз йил ичида Кошифий ижодига қизиқиш ортди. Буни биз шу давр ичида ёқланган номзодлик диссертацияларидан ҳам билсак бўлади. М.Бехруз «Воиз Кошифий ва унинг ёзишма жанридаги асарлари» (Воиз Кошифий и его произведения эпистолярного жанра – «Махзан ал-Инша» и «Сахифаи Шахи» – М., 1970), М.Аҳмедов «Футувватномаи султоний» (М.Аҳмедов «Футувватнамеи Султани». – Л., 1973), Р.Маҳмудов «Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари» мавзусида номзодлик диссертацияларини химоя қилди. С.Иномхўжаев, О.Усмоновалар Воиз Кошифий ижоди бўйича тадқиқот олиб бордилар. Лекин бу ишлар денгиздан томчи, холос. Юқорида айтилган ишлар ҳам, асо сан, тилшунослик нуқтаи назаридан олиб борилган холос. Профессор Ҳайдар Аликулов ҳам мутафаккир ижодининг айрим қирралари ҳақида фикр баён қилган. Шу ўринда икки ишни алоҳида қайд қилиш лозим. Биринчиси, адабиётшунос олим Раҳим Мукулмонкулов Кошифийнинг адабиётшуносликка бағишланган «Бадай ал-афкар фи санои ал-ашъор»¹ асарини изоҳ, кўрсаткичлар ва кириш сўзи билан нашр эттирди. Бу асар шеър санъати назариясига оид бўлиб, қачон ёзилгани кўрсатилмаган. Лекин асар 1488–89 йилларда хаттотлар томонидан кўчирилган. Кошифий асарларини кириш, хулосадан ташқари икки боб ва тўрт бўлимга бўлади. Асар шеър санъати тадқиқотчилари учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Унда шеър санъати турлари, жанрлар кўрсатиб берилади². Шу жиҳатдан ҳам Р.Мукулмонкулов фикрича, асар XV аср адабиётини, шеър санъатини ўрганишда қимматли манба ролини ўйнайди. Нафақат XV аср, балки бугунги кун учун ҳам бу асарнинг аҳамияти жуда каттадир.

Иккинчиси, О.Усмонованинг Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний» асарининг рус тилига таржимасидир. О.Усмонова филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бу асарни Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги

¹ Кашифи. Бадай ал-афкар фи санои аш-л-ашъор. – М.: Наука, 1977 (Сўз боши ва нашр қилувчи Р.Мукулмонкулов).

² Мукулмонкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика.(X–XV в.в.). – М., изд-во «Наука», 1989, стр.15.

Шарқшунослик институти Қўлёмалар фондида 2036 рақами остида сақланаётган форс тилидаги нухасидан фотонусха олиб рус тилига ағдарган. Бу асар О.Усмонованинг номзодлик диссертацияси иккинчи қисмида берилган. Мазкур таржима¹ Тошкент Давлат университетининг фундаментал кутубхонасида сақланмоқда. Ҳозирча илоҳида китоб ҳолида нашр қилинмаган.

О.Усмонова бу илмий ишида, асо сан, «Ахлоқи Муҳсиний» исрининг таржимаси ҳақида филологик таҳлил олиб боради, ҳолос. Асарда келтирилган кўплаб номларга, шеърларга шарҳлар, илоҳлар берадики, бу унинг илмий иши қимматини янада оширади.

Хулоса қилиб айтганда, Хусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижоди ҳили тўлиқ, кенг тадқиқ қилинмаган. Унинг ижтимоий-сиёсий, сошиал дунёқараши, ахлоқий таълимоти, фалсафаси эса умуман тадқиқ қилингани йўқ.

Хусайн Воиз Кошифийнинг 200 дан ортик турли мавзулардаги исрлари мавжуд. Биз уларни бир неча гуруҳларга бўламиз:

1. Ахлоқ-одобга бағишланган асарлари: «Ахлоқи Муҳсиний», «Рисолаи Хотамиа», «Анвори Суҳайлий», «Ахлоқи Карим», «Лубоб ул-маънавий фи-интиҳоби», «Маснавий», «Жавоҳирнома».

2. Шеър санъати, адабиётшуносликка, тилшуносликка оид исрлари: «Бадое ал-афкор фи саное ул-ашъор», «Матлаи анвор», «Тифсири форсий», «Шарҳи Маснавий», «Манзуме авомул алмата фи ашнаҳу».

3. Тарихий асарлари: «Искандар ойномаси» («Жоми-жам»), «Алласама ал Хусайний», «Футувватномаи Султони», «Мавоҳиби иллийа» («Тафсири Хусайний», «Олий туҳфалар»), «Лаб-э лубоб-э маснавий-э Руми», «Зод-ул-мусофирин», «Нувсол-е аср», «Аномул».

4. Давлатни бошқариш тўғрисидаги асарлари: «Ахлоқи Муҳсиний», «Жавоҳир ул-тавсиф фи туҳфат ул-амир» («Тафсиф икноҳирлари ва амир совғалари»), «Туҳфат ас-салават».

5. Кимёга оид асарлари: «Мафотех ул-кунуз фи-кимйе», «Асрор Қосимий дар илми кимё, симё, римё, химё, мухтимал бар тиллосим ва шафобад ва ғаройим тасхирати маснафий».

6. Астрономияга оид асарлари: «Лавойих ул-қамар», «Сабъаи Кошифия», «Ихти йарат ан-нуджум», «Лаби лавойихул камари фи ли хайорот».

¹ Усмонова О. Кандидатлик диссертацияси. ТошДУ, Ф.Д. Инв. 8587, II-қисм.

7. Математикага оид асарлари: «Рисола дар илми аъдод».
8. Воизлик санъатига оид асарлари: «Даҳ мажлис», «Махзан ул иншо» («Саҳифаи шоҳи»), «Иншо».

9. Муסיқага оид асарлари: «Тухфат ат-Тафсир».

10. Диний асарлари: «Тафсир мавоҳибул халид маъа Куръони Карим», «Ба фоири Куръон мавоҳиб ул досир», «Мухтасар ал-Джавоҳир», «Равзат уш-шухадо», «Тафсир мавоҳибул халид халалин маън ал-куръон», «Тафсире Хусайн ма Куръон», «Тасхил ал-баён фи тафсири ал-Куръон», «Рисолайи алийа фи ал-аҳадиса набавийа», «Файз ул-навол фи баён из-завол».

11. Тасаввуфга оид асари: «Зод ул-мусофирин».

12. Бадиий асарлари: форс ва ўзбек тилларидаги икки шеърлар, газаллар девони. «Матлаъ ул-анвор», «Анвори Суҳайлий» («Калила ва Димна») ва бошқалар.

13. Тиббиётга оид асарлари: «Лубабул-боб», «Рисола дар аврод ва адвия».

14. Бошқа асарлари: «Интийорат ул-Кошифий», «Ал-лубаб ал-маънавий фи интиҳоб ул-маснавий», «Китоби ул-маънави фи интиҳоб ул-ашъори», «Суврат «Ис ва фатҳ ва ал-воқеа» тафсирлари», «Суврати ална ад-майда ал-лаарон»дан бошқа сўзлар», «Тафсир сурату фатҳ ва тар вафъа», «Ҳоҳар ул-исрон ва заво хаб ул-унвон», «Хозарул тафсир тухфати ал-амир», «Ал-рисо лат ул-хамия фа ал-аҳадис набивията Ҳирот», «Марсадас асний дар истихроди асмо Ҳасаний», «Тафсири ояот фарона», «Тафсирий аятимироз», «Ал-хидойикул лоҳул» кабилар.

Хусайн Воиз Кошифийнинг ҳали аниқланмаган кўплаб асарлари бўлиши мумкин.

Хусайн Воиз Кошифий баъзи олимлар айтганларидек, фақат Куръон ва ҳадисларни тарғиботчиси эмас, балки ахлоқшунос, файласуф, шоир, ёзувчи, химик, астроном, математик, муסיқашунос, адабиётшунос, қисқаси, қомусий олим сифатида XV асрда Ҳиротда, Хуросон давлатида машҳур бўлган мутафаккир эди. Биз тадқиқотимизда, асо сан, унинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий дунёқараши ҳақида фикр юритамиз. Ахлоққа, адабиётшуносликка оид баъзи асарларига муносабат билдирамиз. Бошқа соҳалардаги асарлари бўйича фикр юритиш мавжудлигини ўз бўйнимизга олмаймиз.

Хусайн Воиз Кошифий – таржимон. Мутафаккир III–IV асрларда Ҳиндистонда яратилган машҳур ҳинд ҳикматномаси «Калила

на Димна» асарини араб тилидан форс тилига таржима қилган. Чунки Шарқ халқлари ўртасида кенг тарқалган бу асарни оддий халқни тушуниши қийинлашиб қолади. Ҳусайн Воиз Кошифий асарни фақат таржима қилиб қолмайди, балки уни янгидан ижодий ёзади.

Биринчи галда, асарни оддий халқ тушунадиган қилиб содда-лаштиради. Кўп жимжимадор сўзларни, бирикмаларни олиб ташлайди. Асарга жуда кўп қўшимчалар киритади. Янги боб, мазмун билан бойитади. Асарни «Анвори Суҳайлий» деб номлайди.

Академик Воҳид Зоҳидов «Калила ва Димна»га ёзган сўз бошисиди бу асарни Ҳусайн Бойқаронинг буйруғи билан Воиз Кошифий таржима қилди, – дейди. Адабиётшунос Раҳим Воҳидов эса шундай ёзади: «...Аммо XV асрга келиб бу асарни («Калила ва Димна» – Р.М.) тушуниш анча қийинлашиб қолади. Буни ҳисобга олган Шайхим Суҳайлий ўз даврининг забардаст олими ва ёзувчиси Ҳусайн Воиз Кошифийдан шу асарни қайта таҳрир қилишни илтимос қилиб, унга барча шарт-шароитларни яратиб беради. Иш-ни ниҳоясига етказган Ҳусайн Воиз Кошифий Суҳайлийга бўлган чексиз эҳтироми рамзи сифатида янги таҳрирдаги китобни «Анвори Суҳайлий» деб атайди, дейди¹. Бизнингча, ҳар икки фикрда ҳақиқат бор бўлса керак. Асарни таржима қилишга Ҳусайн Бойқаро буйруқ берган, Суҳайлий эса Ҳусайн Воиз Кошифийнинг иш-ишлари учун шарт-шароит яратиб берган бўлиши мумкин. Шунинг учун Ҳусайн Воиз Кошифий асарни Суҳайлийга бағишлаган бўлиши ҳақиқатга яқинроқдир. Шундан кейин бу асар бутун Шарққа ва Марказий Осиёга яна ҳам кенг тарқалади. Туркий тилга ҳам бир неча марта таржима қилинади.

Адабиётшунос олим Нажмиддин Комиловнинг «Бу қадимий санъат...» асарида ёзишича, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий» («Калила ва Димна») асарини Муҳаммадниёз бинни Мушю Нуруллоҳ Урганжий ал-Хоразмий 1838 йилда ўзбек тилига таржима қилади. Муҳаммадниёз Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бу таржимасига юксак баҳо беради. «Ўлик жон топқондек ва қари йилит бўлгондек» бўлиб, бутун Хуросон вилоятида машҳур бўлганлигини қайд этади².

¹ Воҳидов Р. Суҳайлий. Т.: Фан, 1976. 9–бет.

² Комилов Н. Бу қадимий санъат... Т., 1988. 72–бет.

Баъзи олимлар «Анвори Суҳайлий»ни тўғридан тўғри Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асари деб айтадилар. У «Калила ва Димна»нинг таржимаси эканлигини айтмайдилар³. Лекин «Калила ва Димна» яқинда Кошифий муаллифлигида нашр қилинди⁴.

«Анвори Суҳайлий» асарида қизиқарли, аллегорик образлар ёрдамида донишмандлик, инсонпарварлик, юксак ахлокийлик ғоялари илгари сурилади. Бу асар XV асрдан буён Ҳусайн Воиз Кошифий таржимаси орқали Шарқда машҳур бўлади. Асардаги асосий ғоя инсонпарварлик, адолатпарварлик ғоясидир.

Ҳусайн Воиз Кошифий асарларининг таржимаси ҳақида мулоҳазалар айтиб ўтишни лозим топдик. Мутафаккирнинг кўпгина асарлари ҳали тирик пайтларидаёқ турли тилларга таржима қилинади. Шунингдек, айни кунларда ҳам унинг баъзи бир насихатомуз гаплари «Донишмандлар одоб-ахлоқ ҳақида», «Ҳикоят ва ривоятлар» каби асарларда ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 1983 йилги қатор сонларида заҳматкаш олим Шорасул Зуннун ва Маҳмуд Ҳасановлар таржимасида босилган. Бу таржималарни айримлари жуда яхши, аммо баъзилари ижодий ўзлаштирилган, газетага мослаштирилиб, ўта соддалаштирилиб, ўзбек тилига кўчирилиши натижасида баъзан асл моҳиятини йўқотиб қўйган. Ш.Зуннунов таржимасидаги куйидаги гапларни оригиналга солиштириб кўрдик. Бу «Ахлоқи Муҳсиний» асарининг 18 – «Хулқ ва мулойимлик» бобидан олиб таржима қилинган. Китобда: «Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўн нарсасидир: **биринчи** нишонаси – яхшилик, **иккинчиси** – инсофли бўлиш, **учинчи** – бошқа одамдан айб қидирмаслик, **тўртинчи** – бирор кишида ножўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш, **бешинчи** – бир одам ўз айбига икром бўлиб узр этса, узрини қабул қилиш; **олтинчи** – бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш, **еттинчи** – фақат ўз манфаатинигина кўзламаслик; **саккизинчи** – очик юзли, ширин сўзли бўлиш; **тўққизинчи** – муҳтожларнинг ҳожатларини чиқариш; **ўнинчи** – мулойим ва тавозели бўлишдир»¹. Энди бизнинг қўлимиздаги оригиналга эътибор беринг: 1-нишонаси – яхши иш борасида элга муҳолифат (тескари) иш қилмаслик; 2 – ўз нафсидин инсоф кўргузмок; 3 – киши айбини

³ Муродов А. Марказий Осиё хаттотлик санъати тарихдан. Т.: Фан, 1971. 169-бет.

⁴ Ҳусайн Воиз Кошифий. Калила ва Димна. Душанбе: Адиб, 1989 (тожик тилида).

¹ «Оз-оз ўрганиб доно бўлур». Донишмандлар бисотидан, ҳикоятлар, масаллар, ҳикматлар (Таржимон Ш.Зуннунов). – Т.: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат наприёти, 1982. 57-бет.

истамамак; 4 – ҳар кишидин ношойиста қору бор содир бўлса, ани яхшилик ишига солмоқ; 5 – гуноҳкор гуноҳидин узр айтса қабул қилмоқ; 6 – муҳтожларни ҳожатидан чиқармоқ; 7 – киши учун ма-шаққат тортмоқ; 8 – ўз нафсини кўрмаслик (ўз нафсини тиймак – Р.М.); 9 – киши ҳалойикга юзин тоза кўргузмоқ; 10 – кишига яхши сўз айтмоқ»². Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, Воиз Кошифийнинг асосий фикрлари ва баъзи жиҳатлари таржимада акс этмай қолган. Китобхонга жуда соддалаштириб берилган. Натижада асар мазмунидан биров четга қочиш рўй берган. Бунга ўхшаш ҳолини М.Ҳасанов ва О.Усмонова таржимасида ҳам кўриш мумкин. Ҳолбуки, форс ёки араб тилидан қилинган таржимада ҳам асосий мазмун тўла сақланиши талаб этилади. Бу асарларнинг таржимасини кенг қамровда таҳлил қилиш бизнинг вазифамизга кирмаслигини ҳисобга олиб кенгроқ тўхталмадик. Бу масалани таржима-шунос олимларимиз ҳукмига қолдирдик.

Ҳар бир инсоннинг дунёқараши у яшаётган муҳит, давр тақоюси, таъсирида шаклланиб боради. Хусайн Воиз Кошифийнинг дунёқарашини шакллантиришда ўтмиш мутафаккирлари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Тафтазоний, Журжоний, Диноний, Камол Хожандий, Лутфий, Дурбек, Қозизода Румий, Улуғбек, Жомий, Навоийларнинг илгари сурган ғояларининг таъсири катта бўлгани шубҳасиздир. Кошифий яшаган XV асрда Шарқда юнон илми, фалсафаси, маданияти кенг тарқалган эди. Хусайн Воиз Кошифийнинг табиий фанларга қизиқишида Арасту, Кунгина табиатшунос олимлар, шу жумладан, ўзбек олими Улуғбекнинг маълум даражада таъсири бўлган, албатта. Мутафаккирнинг одоб-ахлоқ билан шуғулланишига эса асосан давр, Шарқ ахлоқий-фалсафий фикри анъаналари таъсири, хусусан, Насриддин Тусий, Саъдий Шерозий ва инсонпарвар шоир Алишер Навоийнинг катта таъсири бўлган. Кошифий Арасту, Улуғбек қарашларидан, Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан чуқур баҳраманд бўлди ва ўзининг янги илғор ижтимоий-сиёсий-ахлоқий фикрларини илгари сурди. Бундан ташқари Хусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий қарашларини вужудга келиши ва шаклланишида мамлакатда давом этаётган тож-тахт учун курашлар, халққа кўрсатилаётган илоҳотсизликлар, нопокликлар, алдамчиликлар ва бошқа кўнги-

² Хусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. ЎзССР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инвентар № 13817. 18-боб. 88-бет.

на салбий жихатлар ўз таъсирини кўрсатди. Воиз Кошифий воиз сифатида ҳар куни оддий халқ ичида юрди, уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишди, орзу-армонларини, норозиликлари сабабларини ўрганди. Оддий халқ адолатсизлик қурбони бўлаётганини, алдашлар, айёрликлар, таъмагирликлар кучайганини ҳар қадамда учратади. Бу аҳволдан ўз навбатида Воиз Кошифий ҳам кўп норизо бўлади, азият чекади. У кишиларни инсофга чақириш, подшоҳ ва унинг хизматчилари сахий, очиккўнгил, меҳрибон, адолатли, меҳнатсевар, халол, пок бўлишга чақириш билан чекланди. Бу ғоялар Воиз Кошифийда ўз-ўзидан вужудга келиб қолмади. **Биринчидан**, юқорида таъкидлагани-миздек, ўзидан олдин яшаб ўтган мутафаккирларнинг таъсири натижаси бўлса, **иккинчидан**, бу ғоялар ҳаёт, турмуш тақозоси билан вужудга келди. **Учинчидан**, бу ғоялар Кошифий Навоийга, Хусайн Бойқарога яқин бўлгани учун ҳам замонасининг ўткир муаммолари халқ қилинаётганида, кўп ҳолларда маслаҳатчи сифатида қатнашган пайтида туғилган. Булардан ташқари, устозлари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг барча асарларида ҳам инсонпарварлик ғоялари илгари сурилган эди. Бу Кошифий ижодига, дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатганди. «Алишер Навоий XV асрда Шарқда ҳукмрон бўлган ўта мистик мафкура таъсирига берилмади ва унга қарама-қарши фан, маданият, ахлоқ соҳаларида илғор ғояларни олға сурди»¹, – деб ёзган эди академик И.Мўминов. Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий ижодида ўз даврига нисбатан анча илғор ғоялар асосий ўринни эгаллайди. Воиз Кошифий, ҳатто, Хусайн Бойқарони ҳам адолат ва инсофга чақиради, саройдаги фискал-фасод, урушларини, айш-ишратларни танқид қилади.

Хусайн Воиз Кошифий ижоди жуда мураккаб, ранг-баранг, сероҳангдир. У инсонпарварлик, илм-фан, ватанпарварлик, ҳаёт мазмуни, сахийлик, адолатлилик каби ўндан ортиқ долзарб ғояни илгари суради. Хусайн Воиз Кошифий олға сурган бу ғоялар ўз навбатида унинг замондошлари ижодига ҳам катта таъсир этган. Гарчи Хусайн Воиз Кошифий Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий даражасига кўтарила олмаган бўлса-да, баъзан улар айта олмаган фикрларни ҳам дадиллик билан айта олган.

¹ Мўминов И. Алишер Навоий буюк мутафаккир-маърифатчи. // Ўзбекистонда ижтимоий фанфар. 1966. 6–сон, 8–бет.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ АҲЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида қадимги халқларнинг бой маданият мероси таъсирида, табиий фанларнинг ютуқлари асосидангина ва илғор ижтимоий-фалсафий оқим вужудга келди. Бу оқим ўзини даврдаги илғор табиатшунос олимлар – ал-Хоразмий, ал-Фаробийлар ютуқларига ҳам таянар эди. Бу илғор ижтимоий-фалсафий оқимларнинг асосчилари ал-Киндий (IX аср), ал-Фаробий (IX–X ср) ва Ибн Сино (X–XI аср) эдилар. Уларнинг ишларини эса Умар Хайём, Ибн Туфайл, Ибн Рушд, Ибн Халдун давом эттиришди.

Илғор юнон фалсафаси ва табиий билимлар таъсирида мутафаккирлар дунёвий, фалсафий илмларни диний илмлардан¹ ажратмоқчи бўладилар. Бу ҳаракат Фаробий, Ибн Сино фалсафасида янада аниқроқ кўринади.

Фаробий ва Ибн Сино йўлини давом эттирган Ибн Халдун (XIV–XV) «Муқаддима» асарида шундай ёзади: «Билгинки, шаҳарларда ўрганиш ва таълим бериш фани бўлиб хизмат қилувчи илмлар икки турга бўлинади: 1) инсон учун табиий бўлган илмлар, уларни инсон тасаввур этиш, фикр юритиш йўли билан эгаллайди; 2) инъанавий илмлар, уларни инсон шу илмларга асос солган кинилардан қабул қилиб олади.

Биринчи тури фалсафий илмлар, донолик илмлари, яъни шундай илмларки, улар билан шуғулланиш фикр юритишга қодир бўлган киши учун табиийдир.

Иккинчи тури – инсон томонидан бошқа одамлардан қабул қилиб олинган илмлардир; уларнинг асосини шариат қоидалари ташкил этади; улар барча илмлар соҳасида ҳам ақлга мос келмайди. Худонинг Қуръон ва Суннада баён этилган вахийлар шу иккинчи тур илмларнинг асосини ташкил қилади... Бу илмларнинг қимми ислом диний жамоаси учун характерлидир¹.

Бу даврдаги таълим-тарбия, ахлоқ ҳақидаги фикрлар юқорида таъкидланган турли ғоявий қарашлар билан боғлиқ эди. Ҳар бир

¹ Айвруллаев М. Фаробий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. – Т.: Ўқитувчи, 1987. 9-бет.

² Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока. – М., 1962. 627-бетлар.

халқнинг ўзига хос ўтмиши, маданияти, тарихи бўлади. Бу тарихнинг асосий ғоясини эса ижтимоий-иқтисодий шароитлари кўрса-тади. Маданиятини эса унинг фалсафаси белгилайди. Гегель тўғри кўрсатиб ўтганидек, фалсафа даврнинг ғояларидаги ифодасидир.

Марказий Осиё халқлари маданиятининг ривожланиши тарихи мамлакатларда синфий жамиятнинг шаклланиши ва қарор топиши, Ғарб ва Шарқ халқлари маданиятининг ўзаро таъсири, ҳамкорлиги жараёни билан чамбарчас боғланган ҳолда тараққий қилиб борган. Бу даврда ижтимоий-фалсафий фикр соҳасида жуда катта аҳамиятга эга бўлган янги оқим вужудга келди. Воиз Кошифий ҳам бу оқимдан ташқарида қолмади. Балки унинг олам, ҳаёт, табиат, инсонларнинг хатти-ҳаракати, ақлнинг ўсиб бориши ҳақидаги фикрлари чархланади:

*Ғанимат бил ҳаётнинг фурсатини,
Ўтуб кетмасидан илқиндан баногоҳ.*

Ёки:

*Кушқим зилол суйидин ул беҳабар эрур,
Ачқиз су ичмаки била умрини ўтқарур.*

Яна:

Умр ўтаверади унинг қадрига етмак керак², –
каби ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақидаги олимнинг пурҳикмат фикрлари борки, улар ҳар доим кишини ўйлантиради, кенгроқ мушоҳада юритишга чорлайди.

Воиз Кошифий юқорида таъкидлаганимиздек, у илоҳиётчи, воиз, шу билан биргаликда ёзувчи, олим ва файласуфдир. Кошифий кишиларни хушёрликка чақиради. Инсонга умр бир марта берилади, у ўтаверади, лекин асосий гап эса уни мазмунли, хушчақчақ, фойдали ўтказишда эканлигини айтади. Халққа, жамиятга, келажак авлодга хизмат қилган инсон яхшидир, деб оддий хулоса чиқаради мутафаккир ва кишиларни ҳаётнинг қадрига, ўтаётган умрни, вақтнинг қадрига етишга чақиради.

*«Жидду–жаҳд (ҳаракат) бирга ақлга келмас,
Улуғлик иморатлари бунёдга келгай»¹, –*

² Хусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. ЎзРФАШИ. Қўлёзмалар фонди. Инвентар № 13817. 30–боб. 176–бет.

¹ Хусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. 30–боб. 113–бет.

дейди Кошифий. Бу билан у инсон ўз ақли, иродаси ва ҳаракатлари орқали кўп иш бажариши мумкин, инсонни ўз ақли ва иродасига ишонишга чақиради.

«Ақл темаси ўрта аср фалсафаси учун хос бўлган специфик масала – ҳақиқатнинг икки томони ёки икки хил ҳақиқат масаласи билан узвий боғлиқдир. Бу тема ўрта аср ва уйғониш даври (Шарқда ва Европада) фалсафасининг деярли барча йирик вакилларининг диққатини ўзига жалб этган, уларнинг асарларида у ёки бу шаклда ўз ифодасини топган. Бу мавзуга шу қадар эътибор берилиши дунёвий маданият тараққийсининг ана шу масалани ҳал этишга эҳтиёж кучли эканлигини ва шу билан бирга, ўша даврдаги табиий-илмий билимлар ривожини ақл темасидек мураккаб фалсафий масалани ҳал этиш билан боғлиқ эканлигини кўрсатади»², – деб ёзади академик М.Хайруллаев.

Ҳусайн Воиз Кошифий инсон фаолиятининг, ақлнинг ролини улуғлайди. «Ақлнинг шартини будурки, то имкон борича фаришталик инсибатига қувват бергай ва ҳайвонот нисбатига майл қилмагай»³. Мутафаккир ақлга катта баҳо бериб, уни инсон учун керак бўладиган зарур нарса деб тушунади. У (ақл – Р.М.) инсонни мукамал қилувчи, номуносиб ҳаракатдан чегараловчи маънавий қувват деб билади. Лекин у ақлни идеаллаштирмайди. Ақл аста-секин вужудга келиб мукамаллашуви, ўсиши мумкинлигини айтади. Инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи нарса бу ақл, яъни онгдир, – дейди. Кошифий қарашларидаги илғор, ибратли жиҳат шу эдики, у инсон, унинг ақли ва онгининг табиат, моддийликка нисбатан нисбий мустақиллик, ижодий фаоллигини кўра билган. Бундан кўринадикки, Воиз Кошифий гарчи илоҳиётчи бўлса–да, табиатни, онгини, яъни инсон ақлини тўғри тушунади, борлик, ҳаёт ҳаракатдан иборат эканлигини кўрсатади. Воиз Кошифийнинг «қўл қуввати кўнгул қувватига тобеъдур»¹, деган сўзларида ҳам, умуман, объектни борлиқни, табиатни тўғри тушунганлигини кўриш мумкин.

«Мулку миллат асбоби анинг юмни бирла муҳайё бўлуб тузолур на адлнинг савоби ҳисоб ҳаддидин нори ва қиёси ақлдин ташқоридур»². Табиатдаги, оламдаги ҳамма нарсанинг пайдо бўлиши

² Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: Ўзбекистон, 1971. 236–бет.

¹ Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний, 9–боб, 26–бет.

² Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний, 9–боб, 29–бет.

³ Уши иср, 15–боб, 60–бет.

сабаби яхшиликдандир ва адолатнинг эса тўғрилиги, хатосизлиги, чегараси эса ақлдан ташқаридир, – дейди Кошифий.

«Бузурғлар айтибдурларки, ҳамма ҳалойиқ ақлга муҳтождур ва ақлни тажрибага эҳтиёжи бордур. На учунким тажриба ақлни «ойнасидурки», анда иш салоҳи сувратин мушоҳада қилур»³. Мутафаккирнинг бу фикри ўз даврига нисбатан илғор, содда, табиий илмий дунёқараш ва инсонпарварлик унсурлари бор дейишга имкон беради. Негаки, юқорида айтганимиздек, Кошифий ақлни инсон учун керак, – дейди. Тажрибани – ақл ойнаси деб тушуниши Кошифий замонасининг энг олд мавқеъида турганлигини кўрсатади. Ақл орқали вужудга келтирилган ғояни тажриба амалга оширади. Шунинг учун ҳам Кошифий тажрибани ақл ойнаси деб атайди.

Ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан Марказий Осиё фалсафасида ақл назарияси академик М.Хайруллаев таъкидлаганидек, жуда муҳим ўрин тутаяди. Воиз Кошифий ҳам шунинг учун ақл мавзусига кўп бор мурожаат этди. У оламни билиш мумкинлигини айтади. Кошифий шунинг учун ҳам фанга, билимга, тажрибага, инсон ақли қудратига ишонган ҳолда табиатшунослик фанлари: математика, астрономия, химия соҳасида қатор асарлар яратди.

Воиз Кошифий ақлнинг инсон учун энг кўркем фазилат, мўъжизакор қудрат, катта иқтидор эканини айтади. У ақлли инсонни катта бойликка эга бўлган ҳар қандай кишидан ҳам кучли бўлишини таъкидлайди.

«Ўзбекистонда фалсафий фикр жуда қадимдан мавжуд бўлиб, ҳар бир тарихий даврда ўз замонасининг ижтимоий ҳаётини ва ғоявий ривожланиш даражасини ифодалаган»¹, – деган эди академик И.Мўминов. Лекин баъзи Ғарб олимлари, масалан, А.Шастери кабилар Форобий, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Кошифий, Давонийларнинг олға сурган фалсафий қарашларини тўлиқ кўра олмайдилар ёки тан олишни истамайдилар. Форобийни – Аристотелнинг таржимони деб баҳолайдилар. Бошқа мутафаккирларни ҳам динни тарғиботчилари, қадимги юнон фалсафасининг таржимонлари деган фикр билдирадилар.

³ Ўша асар, 38-боб, 174-бет.

¹ Мўминов И. Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихига доир. – Т.: Фан, 1957. 11-бет.

Шарк халқлари ўтмиш маданияти, ижтимоий-фалсафий фикри диний-мистик қарашлар, зоҳидлик кайфиятлари ислом ақидалари ни шариат талаб нормаларидан иборат, бу мерос билан ҳозирги маданият, илмий дунёқараш ўртасида ҳеч қандай яқинлик, боғлиқлик йўқ, деб таъкидлаш баъзи Ғарб мафкурачиларининг ғаразли мақсадлари билан изоҳланади. Чунки ҳозирги маданият ва санъатимизни вужудга келиши ва ривожланишида уларнинг жуда катта таъсири бор.

Тўғри, XV асрда Марказий Осиё, Эрон, Афғонистонда ислом, шариат халқ оммаси ўртасида кенг тарқалган, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида ҳукмрон мавқега эга эди. Шаҳобиддин Ҳимадоний, Хожа Ахрор, Жалол Косоний каби дин пешволари диний ахлоқни тарғиб этиш билан бирга кишиларни сабр-тоқатли, илоҳиятли бўлишга, ҳалол, пок яшашга, имонли, инсофли бўлишга чиқарадилар. Исломи кишилардаги барча хислатлар тақдирда берилади, – деб таълим беради. Исломи ақидаларидан Абу-л-Ҳасан ал-Ашърийнинг «Ал-Иъбана фи усул-ад-Дийана» китобида инсоннинг кулқи, хатти-ҳаракати, ўй-fikри у она қорнида бўлганидаёқ, аввалдан илоҳий белгилаб қўйилади, деб кўрсатилади¹.

Диний, ислом ақидаларини тарғиб қилувчилар билан биргаликда дин пешволарининг фикрларига гоҳ очик, гоҳ яширин, қарама-қарши равишда дунёни моддий, ҳаёт фақатгина шу воқеликдаги дунёдан иборат деб тушунтирувчи таълимот ва қарашлар ҳам мавжуд эди.

Булардан ташқари Кошифий қарашларида хурфикрлилик мийлларини ҳам кўриш мумкин. Воиз Кошифий ўрта аср мафкураси ҳисобланган ислом динидан умуман юз ўтirmaган, лекин объектив воқеликни ҳам эътироф этган. У инсон ақл-заковати олдида диний мўъжизалар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги ҳақида ибритли фикрларни ҳам илгари сурадики, бу ўша давр учун илғор фикр эди.

«Эй худо, агар сен гуноҳларимни кечсангда, бари бир виждоним олдида уяламан»², – дейди Кошифий. Диний ақидаларга

¹ Қаринг: Abu-l-Hasan Ali ibn Ismail al-Ash'ari's al-Ibanah an Usul ad-Diyanah (The Foundation of Islam's Foundation). Инглиз тилига таржима, «Кириш» ва изоҳлар Валькер С. Клифтонски (инглиз тилида). American oriental Society, New Haven – Connecticut, 1940, 136-бет.

² Кошифий. Ахлоқи Мухсияний. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Беруний номидаги Шаркшунослик институти. Қўлёзмалар фонди. Инт. 3022 (форс тилида), 17-бет.

кўра ахлоқлиликнинг, гуноҳкорликнинг асосий белгиси худога сизгинуш, унга эътиқод, хайр-садақа қилиш орқали намоён бўлади. Агар худо инсон гуноҳидан кечса, у соф, яъни гуноҳсиз ҳисобланади. Кошифий эса гуноҳини худо кечган тақдирда ҳам виждоним олдида гуноҳкорман, уятлиман, дейди.

«Кимки иродали ва қатъиятли бўлса, ўша киши ўз мақсадига тез етишади»¹, – деб Кошифий кишиларни иродали, қатъиятли, саботли бўлишга чақиради. Инсонни иродали қатъиятли бўлиши ҳам инсоний фазилат эканлигини айтиб, киши бу фазилатлар орқали ўз мақсадига, орзусига етишиши мумкинлигини таъкидлайди.

Ислонда мусулмонлар олдига қўйиладиган талаблардан бири итоаткорлик, тобелиқдир. Худо энг қудратли (ал-Қодир), энг кучли (ал-Кави), ҳаёт берувчи (ал-Мухйи), билувчи (ал-Олим), кўрувчи (ал-Басир), эшитувчи (ас-Сами), у инсонни қандай яратган бўлса, пешонага, тақдирга нима ёзилган бўлса, шуни бошидан кечириши шарт, деб ўргатади.

«Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир»², – дейди Кошифий. У инсонийлик, ахлоқлилик аниқ хислатларга, ўша хислатларни вужудга келишига имконият яратган макон ва замонга боғлиқлигини баён қилади. Инсоннинг – инсонлиги унинг виждонлигига, диёнатлигига, ор-номуслигига боғлиқ, бу ахлоқлилик белгисидир. Демак, Кошифий ҳар бир инсондаги ахлоқий хислатлар унинг ўзига, реал боғлиққа, имконият ва воқеликка боғлиқ эканлигини айтади.

Кошифий фикрича, инсон дунёни кадрлаши керак, ҳаётидаги қийинчиликларни енгиши зарур ва иложи бўлмаганида эса уларга бардош бериши кераклигини уқтиради. Кошифий юқоридаги асариди: «Юксак ахлоқий ва софдил киши ҳеч қачон меҳнатдан кўркмаслиги керак»³, деб меҳнатни унинг ижтимоий-сиёсий мавқеини улуглайди. У инсонни том маънодаги яхши яшаши, унинг меҳнати орқали вужудга келишини таъкидлаб, меҳнат юксак ахлоқлилик ва софдиллик белгиси сифатида кўрсатилади. Бундан ташқари, у касбли-хунармандларни энг софдил инсонлар деб, улар меҳнатини ҳурматлайди. Кишиларни меҳнат қилишга, ҳалол яшашга даъват этади. Кошифийнинг бу ибратли фикрлари нафақат XV аср, балки

¹ Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. ЎзЖ ФА ШИ. Инв. 3022 (форс тилида). 25–бет.

² Ўша асар. 41–бет.

³ Ўша асар. 46–бет

бугунги кун учун ҳам жуда аҳамиятлидир. Кошифий кишилардаги одоблиликни тўғрилик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, қатъиятлик, шифодорлик, камтарлик, софдиллик, мурувватлиликни ахлоқ меъшаридан деб билади. Бундай хислатли кишиларни у улуғлайди, аксинча, бахил, хасис, ишёқмас, жоҳил, хиёнаткор, фирибгар кишиларни эса қоралайди.

«Софдиллик, ростгўйлик ва мурувватлилик – бехатарлик ва инсонч гаровидир»⁴, – дейди Кошифий. Мутафаккирнинг фикрича, софдиллик, ростгўйлик инсон зийнати, бехатарлик ва бир-бирига инсонч гаровидир.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Ҳусайн Воиз Кошифий рӯш ҳаётни улуғлайди. Инсонни яхши яшаши учун керак бўлаган ҳаракати унинг ҳаётининг мазмунини белгилайди, деган фикрга келади. Кошифийнинг диний таълимоти алоҳида катта маънаlidir. Шунинг учун биз бу мавзуга мурожаат қилмадик.

Ҳусайн Воиз Кошифий фалсафий қарашлари ахлоққа, борликка, яъни ҳаракат, инсон ақлига, инсоннинг билиш қобилиятини унгаршига асосланади. Унинг фикрича, борлик, ҳаёт, яъни ҳаракат бирча мавжуд нарсаларнинг асосидир. Инсон барча яхши хусусиятларини, хатти-ҳаракатини, ақл-фаросати орқали вужудга келтирилади. Кошифийнинг таълимотича, ҳаёт – борлик, мавжудликни ҳеч ним вужудга келтирмаган, абадийдир. Унинг онгга бўлган муносибати ҳам илгор. У инсон билим олишга интилса, ўз устида ишласа, ақли кўп бўлади, – дейди.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий таълимотининг фалсафий асоси, демак, ҳаёт, давр, билим, ақлдир. Жамиятдаги талаб ва одатлар, қонунлар ахлоқий покликни шакллантирадиган асос ва меъёрлардир. Билишнинг вазифаси воқелик, табиат, борлик қандай бўлса, уни ўшандай ўрганиш, текшириш, унинг моҳиятини кўрсатиш бўлса, ахлоқнинг вазифаси инсон учун нима фойда-ю, нима зарарли эканлигини англаш, ёмонликни йўқотиш, яхшиликни вужудга келтиришдан иборатдир. Кошифий ахлоқ-одоб ҳақидаги ғояларини оддий меҳнаткашлар манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб илгори суради.

Табиат, инсон ва унинг ўзлиги, дин, тасаввуф, таълим-тарбия, адолатпарварлик, яхшилик, ёмонлик ва бошқа масалалар Воиз Кошифий фалсафий қарашлари доирасини ташкил этади. Шу

⁴ Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. ЎзЖ ФА ШИ. Инв. 3022 (форс тилида). 48–бет.

билан биргаликда унинг фалсафий қарашлари зиддиятли ва мураккаб: у объектив моддий дунёни эътироф этади ва айна пайтда уни маълум маънода илоҳийлаштиради. Шунга қарамай, Воиз Кошифий кўп масалаларни тушунишда замондошларидан илгарилар ҳам кетади.

«Бу даврнинг олими – ўша даврда мавжуд бўлган илмнинг барча соҳаларидан хабари бўлган ўзига хос энциклопедист эди. Аниқ фанлар соҳасида мутахассис бўлса ҳамда филолог, файласуф ва ҳатто диншунос бўлса, бундай олимлар Ҳаким деган ҳурматли унвонга сазовор бўлганлар. Шу билан бирга, бу даврда файласуф термини ҳам қўлланилар эди, лекин бу термин шу номни олган олимнинг расмий сунний исломдан узоқ турганини кўпинча, қадимги грек фалсафаси билан шуғулланишни кўрсатар эди»¹, – дейди машҳур шарқшунос олим Е.Бертельс. Ҳақиқатан ҳам Шарк заминига кўчган юнон маданияти, асарлари ҳам Шарқда илм, фалсафа ривожига муайян ҳисса қўшганлигини машҳур олимлар файласуфлар етишиб чиқишида муайян роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий–фалсафий қарашлари Ўрта ва Яқин Шарк мамлакатларида, хусусан, Марказий Осиё ва Хуросонда ўзининг гуллаб-яшнаш босқичига кирган феодал жамиятга хос бўлган барча ички зиддиятларни – жамиятни ривожлантиришдан объектив манфаатдор бўлган синфлар, табақалар, муҳолиф кайфиятдаги кишиларнинг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва бадиий эстетик манфаатлари, мақсадлари ва дунёқарашлари билан уларга қарама-қарши синфлар, табақалар, айниқса, оддий халқ манфаатлари, мақсадлари ва дунёқарашлари ўртасидаги қарама-қаршилик ва фарқларни ифодалар эди.

Ҳусайн Воиз Кошифий, котиб, фиких, давлат арбоби сифатида фаоллик кўрсатиб, илғор қарашларни ифодаловчи, ҳимоя қилувчи, уларнинг эркин ривожланишига йўл очувчи файласуф, адиб, табиатшунос олим ва ҳуқуқшунос – амалиётчи сифатида ҳам жуда катта из қолдирди. Энг муҳими, у ўзигача Яқин ва Ўрта Шарк мамлакатларида Форобий, Ибн Мискавайх, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Саъдий, Ҳофиз, Жалолиддин Давоний, Жомий ва Навоийлар асраб-авайлаб келган илғор ижтимоий-фалсафий, бадиий-ахлоқий ва илмий анъаналарни давом эттирди, янада ривожлантирди.

¹ Бертельс Е. История персидско-таджикской литературы. – М., 1960, 111–бет.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ДУНЁҚАРАШИ ТУЗИМИДА ИЖТИМОЙ, СИЁСИЙ ВА АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ТУЗУМИ ТЎҒРИСИДА

Ҳусайн Воиз Кошифий ижтимоий сиёсий қарашларида жамият ва давлат тузумига, уни қандай бошқариш кераклигига катта ўрин берилганлигига кўра. Мутафаккир ўзидан олдин ўтган олимларга ўхшаб жамият ёки давлатни бошқариш ҳақида алоҳида асар ёзмаган. Унинг “Ахлоқи Мухсиний”, “Китоби Хотамнома”, “Анвори Суҳайлий” асарларида жамият, давлатни, лашкарларни, кишиларни бошқариш ҳақидаги таълимотларини илгари суради.

Ҳусайн Воиз Кошифий XV асрда яшади. Бу давр феодал тизимининг сиёсий жиҳатдан бўшашуви, ота-бола, қариндош-уруғ, тахт ворислари ўртасидаги қонли жанжалларнинг авж олиши билан характерланади. Бу урушларнинг барча оғирлиги халқ бошига жабр-зулм бўлиб тушарди. Кошифий халқ ичида юриб, жабр-зулмларнинг айбдорларини қидиради ва топади ҳам. Шундай қилиб, Воиз Кошифийнинг ижтимоий-сиёсий дунёқараши ўсиб, давлатни оқилонга бошқариш ҳақида жуда ибратли фикрларни ўртага ташлади. У “Ахлоқи Мухсиний” асарининг бир бобини “Сиёсат” баёнига бағишлайди. Кошифий “Сиёсат”нинг (1. Жазо беришда шиддат кўрсатиш, дўк-пўписа қилиш. 2. Ҳукмронлик кўрсатиш, ҳукмдорнинг ўз қўли остидагиларни жазолаш ва кўрkitиш йўллари билан бўйсундириб, интизомда сақлаш – Р.М.) маъноси кишини ғамга солмоқ бўлур ва истилоҳ маъноси мамлакатни забт қилмоқ ва ҳар кимни ўзига муносиб ўрунга ўлтургузмоқ эрур ва сиёсат 2 қисмдур. Ўз нафсига сиёсат қилмоқдур ва яна бири ғайрига”¹ – (ўзгага – Р.М.) деб сиёсатни икки маънода тушуниб, катта баҳо беради. Воиз Кошифий сиёсатни фақат ижтимоий иш деб эмас, балки шахсий иш эканлигини ҳам алоҳида уқтиради. Ҳар бир жамиятнинг ўзига хос жиҳатлари борлигини доноларча кўра олади.

“Агар шоҳлар сиёсат тифин элиға қилмаса зоҳир,
Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким қодир”,²

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Кўлёмалар фонди. Инт. 13817. 32–боб. 150–бет.

² Ўша асар, 32–боб. 155–бет.

– деб сиёсатни мамлакатни бошқариш учун зарур восита деб ҳисоблайди. Шу билан биргаликда мутафаккир сиёсатни фақат шох амалга оширади дейдики, бу Воиз Кошифий дунёқарабини чеғараланган эканлигини кўрсатади. Лекин асосий гап у сиёсатни тўғри идрок этиб, унинг аҳамиятини тўғри тушуна билганида, буни кўрсата олганидадир.

*На хушдур шоҳким қилса тааммул,
Сиёсатни китоби ичра ҳар дам.
Ки тутқай тиз боғи салтанати,
Сиёсат суйи бирла сабзу хуррам*³.

Шу шеърий парчада Кошифийнинг ижтимоий қарашлари ўз аксини топган, дейиш мумкин. Чунки мамлакатни бошқаришдаги, ушлаб туришдаги асосий восита бу сиёсат, – дейди мутафаккир. Агар сиёсат бўлмаса, мамлакатда ҳеч қандай фойдали иш қилинмайди, – деб сиёсатни жамиятни давлатни бошқаришдаги восита деб тушунтирадики, бу Кошифийни ўзи яшаган даври ижтимоий ҳаётини жуда яхши билганлигини кўрсатади.

*Гар нур берса мулк юзига сиёсатни,
Ани жаҳон ёритқувчи қилгай чу офтоб.
Меъмордек сиёсат агар қилса мадад,
Бўлгай жаҳон биноси жафо селидан хароб*⁴.

Кошифий мамлакатни тараққиёти, халқ осойишталиги подшонинг олиб бораётган сиёсатига боғлиқлигини айта олади. Подшоҳ одамларига мамлакатни бошқаришда нималарга эътибор беришлари кераклигини ҳам айтиб беради. Мамлакатдаги мавжуд халқпарварлик сиёсати давлатни ҳар томонлама мустаҳкам эканлигини кўрсатади.

*Кўкламас давлат ниҳоли мулк боғи саҳнида,
Гар равон эрмас анинг сори шарият чашмаси.
Лек буқим шаръе миллат чашмаси жори эмас,
Турмаса гар онинг устида сиёсат сояси*¹,

деб мутафаккир давлат равнақини ҳам сиёсатга боғлайди. Бу ўринда биз Ҳусайн Кошифий дунёқараши жуда кенг эканлигини кўра-миз.

³ Ўша асар, 32–боб. 157–бет.

⁴ Ўша асар, 32–боб. 155–бет.

¹ Кошифий. Ахлоки Мухсиний. ЎзРФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Кўлёмалар фонди. Инт. 13817. 32–боб. 155–бет.

*Сиёсат масқилида зулм рангин,
Жаҳон кўзгусидин билкулл аритти.
Ки қаҳри биймидин вағши қочибон,
Адам саҳросига кетти ва етти*².

Ҳусайн Воиз Кошифий халқни хунрезлик, тиф билан эмас, балки одилона, оқилона сиёсат – тинчлик, яхши сўзлилик билан бошқариб, “зулмрангин” йўқотишга чақиради.

*Мамлакат тобқой сиёсатдин низом,
Гар сиёсат бўлмаса етгай халал,
Тобмагай олам иш асло тузут,
Бесиёсат ҳеч вақту ҳеч маҳал.*

Ёки: “Адл сиёсатсиз мавжуд бўлмас. Сиёсат йўқ бўлса сардорлик заиф бўлур демак бўлур. На учунким мулку миллат зийнати, дину давлат мусаллаҳи сиёсатдур”³, – деб мамлакат тараққиётини, адолат қарор топишини ҳам Кошифий сиёсатга боғлайди. Сиёсатни фақат мамлакатни бошқаришдаги ижтимоий рол билангина эмас, балки ижтимоий жихатидан ҳам катта аҳамиятга эгадир, деб таъкидлайди.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг жамият, давлат ҳақидаги қарашларини шартли равишда беш қисмга бўлиш мумкин:

- 1) мамлакатдаги реал аҳволни кўрсата олиш;
- 2) давлат раҳбарлари, подшоларнинг мақсад ва вазифаларини кўрсатилиши;
- 3) давлат раҳбарлари ва подшоларга насиҳатлар;
- 4) подшоҳларни танқид;
- 5) подшоҳларга ҳамду санолар.

Мутафаккирнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарида халқчиллик, инсонпарварлик, одоб-ахлоқ гоялари билан биргаликда ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам кенг ўрин эгаллайди. У халқнинг реал ҳаётини, халқ турмушининг ночорлигини тўғри кўра олди ва акс эттира олди. Бу ночорликнинг сабабини эса ўтказилаётган жабр-зулмдан, урушдандир, – дейди Кошифий. “Золим ҳокимиким, жавру-ситам бирла раиятга озор берур ва ўз қўли бирла дивлат илдизини кесмиш бўлғой ва бу иш бирла ўзини афтодаҳол ва паришон аҳвол қолмиш бўлғай”¹, – деб зулмнинг номақбул иш

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда, 154–бет.

¹ Ўша асар, 32–боб, 102–бет.

эканлигини кўрсатади. Халққа кўрсатилаётган зулм бу давлатга етказилаётган зулмдир, – деб халқ билан давлатни тенглаштиради. Бу Кошифийнинг давлат ҳақидаги энг илғор фикридир.

*Зулм иши оламни вайрон қилгуси,
Барча эл кўзини гирён қилгуси,
Эйки, қўйдунг зулм ёси ичра ўқ,
Санго ҳам тиги балодин чора йўқ².*

Кошифий халққа кўрсатилаётган жабр–зулм давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга барқарор бўлишга хизмат қилмайди, балки бу халқни давлатдан бездиради, халқ кўзини гирён қилади. Шу билан бирга бу жабр-зулм бир кунмас – бир кун ўша кишига (подшога) ҳам, давлатга ҳам зиён етказди, – дейди. Кошифийнинг бу фикри темурийлар давлатида бошбошдоқлик вужудга келиб, мамлакат майда таркоқ ҳокимликларга ажралиб кетаётган бир пайтда янада катта ижтимоий аҳамиятга эга эди. У ... “*ёмон сифатлар бирла мавсуф ва қабиҳ сийрат бирла маъруфким, улар мулоқоти ва мақолотини давлат аҳлига бисёр зиёни бордур ва уларни баъзиси суханчилар, яъни сўз элтувчилар эрурларким, ёлғону рост хабарлар бирла жамъни аросида фитна губорин барпо қилурлар ва дўстларни бир-бирлари бирла душман қилурлар*”¹, – деб давлатга зиён етказувчи бундай кишилардан жуда эҳтиёт бўлиш кераклигини айтади.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари билан танишар эканмиз, уни мамлакат ҳаёти давлат тузумини яхши билган сиёсатчи эканлигига амин бўламиз. У “*Мамлакат заволи неча нимарсададур?*” – деган саволга шундай жавоб беради: уч нимарсадир. 1 – подшоҳларга хабар пўшида (махфий, яширин – Р.М.) бўлмоқда; 2 – Азозил (шайтон) ва сифлат (тубан, пасткаш – Р.М.) тарбият тобмоқда; 3 – амалдорлар раиятларга зулм қилмоқда². Ҳақиқатан ҳам мамлакатдаги ҳар бир воқеа–ҳодиса ҳақидаги хабар подшоҳга махфий равишда етказиб терилса, подшоҳ уларга жазо бераверса, кишилар тарбиясиз, ахлоқсиз бўлса, подшоҳ одамлари халққа зулм ўтказаверса, албатта, мамлакат таназзулга учрайди, норозилик келиб чиқади. Шунинг учун ҳам Кошифий подшоҳларга насиҳат қилиб чақимчи кишининг гапига ишонма, халқни яхши

² Ўша асар, 105–бет.

¹ Ўша асар, 198–бет.

² Ўша асар, 202–бет.

хулқли қилиб тарбияла, амалдорларинг халққа жабр–зулм етказмасин, – дегандай бўлади. Мутафаккирнинг ҳар бир фикрини атрофлича таҳлил қилсак, уларга мос келувчи ўша даврнинг маълум ва машҳур “замона зўрлари” мавжудлигига амин бўламиз.

Зулм қилиш, зўрлик ва ҳақсизлик Хусайн Воиз Кошифий яшаб, ижод қилган муҳит, феодал жамияти учун характерлидир. Мутафаккир жамиятдаги ана шу тенгсизлик, ҳақсизлик билан келиша олмайди. Бу тенгсизликни бартараф этишнинг асосий воситаси сифатида инсонийлик ва ахлоқийликни илгари суради. Подшони, унинг одамларини тарбиялаш, адолатлиликка чақириш орқали яхшиликни ёймоқчи, одамларни бир хил хулқли, тенг ҳуқуқли қилмоқчи бўлади. Лекин бу ўша жамият учун амалга оширилиши мумкин бўлмаган ҳол эди.

Кошифий “Ахлоқи Муҳсиний” асарининг кириш қисмида “Мақбул афъолидин неча калима баён варақиға ёздим, токи ўзга подшоҳ авлодига ибратнома, дастуруламал бўлғай”¹, – дейди. Бизга маълумки, бу ахлоққа бағишланган асар Султон Хусайн Бойқаронинг ўғли Марв ҳокими Абулмуҳсин Мирзога бағишланганди. Бунинг бир неча сабаби бор. **Биринчидан**, бу асарда асосан аҳил ота-болалар, оилалар, зукко, ақли, ишбилармон подшолар ҳақида кўплаб ҳикоятлар келтириладики, бу Султон Хусайн Бойқаро ва унинг ўғли Абулмуҳсинга таъсир этсин, ўртадаги гинақудрат кўтарилсин, деган тарбиявий таъсирни кўзда тутди. **Иккинчидан**, Кошифий подшо ва унинг хизматкорлари вазифасини орасидаги ўзаро муносабат, уларнинг ўзларига тегишли бурч ва мажбуриятларни кўрсатишга ҳаракат қилади. **Учинчидан**, подшоларни ярамас одамларини танқид қилиш эди.

Хусайн Воиз Кошифий давлат, мамлакат бошлиқларининг вазифасини кўрсатиб беришни, уларга насиҳат қилишни ўзининг бурчи деб билади. У давлатни халқ манфаатларини кўзловчи, халқ орзуларини амалга оширувчи воситага айлантиришга, давлатнинг арбобларини халқ хизматчиларига айлантириш ғоясини илгари суради.

“Подшоҳлик шукри ҳама аҳли олам ва бани одамга адлу эҳсон қилмоқ бўлур. Мамлакат ва вилоят васиғлиғининг шукри раият мулкидан таъма қилмаслуқдур... Қудрату қувватнинг шукри ожиз-

¹ Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. ЎзРФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзмалар фонди. Инт. 13817. 4–боб. 24–бет.

лар ва заифларга алам еткурмоқдин кўл йиғмоқдур. Сихату—сало-матлик шукри ситам ранжидин бемор бўлгонларга адл доруси бир-ла шифо бермоқдур. Лашкар ва сипох тўлолигини шукри уларнинг зарар ва осебини мусулмонлардин йироқ тутмоқдур. Баланд имо-ратлар ва биҳиштойин боғларнинг шукри райийатлар маскани ва манзилига лашкар ва сипохлар тушуб хароб қилмоқларини ва лаш-карларнинг халосаси буким ғазаб ўти шуълаангез ўлгонда ва додраслиги ўз ризосидин ғаразомуз ўлгонда ҳақ жонибин кўй-маслик ва халқ осойишини ўз осойишидан илгари туткой.

*Агар сан тиларсан ўз осойишинг,
Диёрингда ором ололмас кишинг¹, —*

деб олим мамлакат ободлигини таъминлаш, тинчлигини саклаш, халқ ўртасидаги обрў-эътибор топишнинг йўлини кўрсатиб беради. Лашкар ва сипохлар учун керакли маблағларни, зарарларни мусул-монлардан ундириб олмасликни, — оддий халқни қийнамасликни талаб қилади. Мутафаккир подшоларга: одамларга адолатни эҳсон-совға қилишини, халқ мулкига кўз олайтириб таъма қилмасликни, оч-ночор, хор камбағал одамларга раҳм-шафқат қилишни, ожиз ва заиф, кучсиз кишиларга алам етказишдан воз кечишни, оддий халқ билан ҳол-аҳвол сўрашдан, гаплашишдан ор қилмаслик каби қатор вазифаларни кўрсатиб беради. Ҳатто, Навоий ҳам одил подшони орзу қилиш, ёмонларни танқид қилиш билан чекланган эди. Бу ўша даврдаги илғор ижтимоий-сиёсий фикр учун характерли бўлиб, Жомий, Навоий ва бошқалар ҳам ана шундай ғояларни илгари сур-ган эдилар. Асосий гап Кошифий бу фикрларини кўрган-кечирган, ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, айта олганида эди. Чунки XV аср-да подшолар, ота-бола ўртасида меҳр-муҳаббат йўқолган, мол-мулк талашилар давом этаётган давр эди. Шунинг учун ҳам Кошифий уларни тўғри йўлга солишга, насихат қилишга журъат этади.

“Адлнинг фазилати ва зулмнинг касофатида ушбу нуқта кифоядурким, одил подшоҳни ҳамаи халқ дўст туторлар”¹, — деб подшони халқ билан яқин бўлиш, уларни арз-додини тинглаш за-рурлигини таъкидлайди.

Мутафаккир подшоҳларни шафқатли ва марҳаматли бўлишга чакиради. Халқ ичидан яхшиларга марҳамат кўрсат, уларга шафқат

¹ Ўша асар, 24–25–бетлар.

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний, 15–боб, 62–63–бетлар.

кўрсат, деб насиҳат қилади. Агар сен ожизу мискинларга раҳм қилсанг, сенинг мартабанг ошади. Подшоҳни шафқатли эканлигининг маъноси шуки, халқни ўзига дўст тутса ота-ўғлини дўст тутгандай бўлади, – дейди, Кошифий.

*“Мулки маъни истасанг жамъ эт кўнгуллар лашкарин,
Йиғмайин лашкарни юрт олмоққа бўлмас эҳтимол”*², –

деб подшоҳни марҳаматли, шафқатли бўлишининг аҳамияти тўғрисида гапиради.

*Шоҳлик тахтида ўлтурмоглигинг осон эмас,
Ул мақом устида бисёр эҳтиёт этмак керак.
Ожизу мискину меҳнаткаш муродини бериб,
Фақр аҳлининг гамин еб ҳолига етмак керак*³.

Ёки:

*Ишонма ганч ила лашкарга зинҳор,
Кенгаш қилмоқни бил яхши мададкор.*

Ёки:

*Кенгашдин юз ўғирманг чунки айтибдур Ҳирад аҳли,
Ки давлат аҳлига йўқдур кенгашдин яхшироқ раҳбар*⁴.

Бу шеъринг парчаларни менимча изоҳлаш шарт эмас. Фикр тушунарли. У мамлакатнинг оқилона бошқаришнинг амалда бажарса бўладиган режасини кўрсатиб беради. Бу режа бўйича подшо ҳар бир давлат аҳамиятига молик ишини олиму фузалолар, ҳақимлар билан кенгашиб ҳал қилиш лозимлигини кўрсатиб беради. Бу кенгашни асл мақсади халқ манфаатини кўзлашдан, ахлоқийлик, адолатлилик асосида иш олиб боришдан иборатдир, – дейди мутафаккир.

Бундан ташқари Воиз Кошифий подшоҳ халқ ва қўшиннинг ишончини, муҳаббатини қозонмаса, уни ҳалокат кутишини айтади. Лекин лашкарларга бутунлай ишонмасликни тайинлайди. Чунки бугун сен ғолиб бўлсанг, лашкар сен билан, эртага мағлуб бўлсанг, лашкар душман томонидадир, – дейди. У феодал урушларининг даҳшати, ҳарбий юриш пайтидаги подшоҳларнинг вазифаларини ҳам кўрсатиб ўтади.

*Агар яқдил эмас аёни давлат,
Бузулғай шоҳ иши ва райият.*

² Уша асар. 19–боб. 92–бет.

³ Уша жойда.

⁴ Уша асар. 19–боб. 92–бет.

*Ярошмас давлат аҳлининг низоъи,
Ки андин бўлгуси мулк инқитоъи*¹.

Воиз Кошифий бу сатрларида сарой ичидаги жанжалларга, ҳамфикрлилик йўқлигига ишора қилади. Бу фикрлардан XV аср Ҳиротидаги воқеалар кишининг кўз олдига келади. Мутафаккир давлат аъёнларини ҳамфикрликка ундайди. Унинг мамлакат хизматчилари, мулозимлар тарбиялари ҳақндаги фикрлари ҳам жуда ибратлидир. Сўрадиларки: “Мулозимлар тарбиялари биносин на нимарсага қўймоқ керак? Икки нимарсага: **Бири** лутф (мулойимлик) ва **яна бири** қаҳр (ғазаб). Гоҳи қаҳрига олғай токим беадабликига далёл бўлғайлар ва гоҳ лутф кўргузгай то карамидин номид бўлмагайлар”². Демак, мамлакатни бошқаришда, барча ишларда Кошифий фикрича, меъёр бўлиши керак. У яна давом этиб, шундай дейди:

*Ҳамиша лутф йўлин тутмагайсан,
Юрутгил вақтида қаҳру ғазаб ҳам.
Жароҳатга ярашур ниш урмоқ,
Анго гар нафъ қилмоқ эрса марҳам*¹.

Арасту тарихчи билан ёзувчининг фарқи шундаки, биринчиси бўлиб ўтган нарсаларни, иккинчиси эса, бўлиши мумкин бўлган нарсани ёзди, деб тўғри айтган эди.

Воиз Кошифий ҳам тарихчи, ҳам воиз, ҳам шоир, ҳам ёзувчи эди. У подшоҳларнинг жамиятдаги ролига катта эътибор берди. Агар подшоҳ адолатли, билимдон, оддий, сахий, марҳаматли бўлса, мамлакат обод, халқ турмуши фаровон бўлади. Подшоҳ жаҳлдор, билимсиз, адолатсиз, қўпол, ақлсиз бўлса, халқнинг аҳволи хароб бўлишини тушуна олган. Мутафаккир сарой ахиллари, вазирлари ҳақида, қўшин сипоҳлари ва уларнинг вазифалари ҳақида подшоҳларга кимматли маслаҳатлар беради. Сипоҳларга ишониб қолмасликни, жангга кирганда эса ўн маслаҳатни эсда тутиш зарурлигини айтади. Жанг усулини олдиндан айтмасликни, уни (жангни) қачон бошлашни сир тутишни, душман қочса, охиригача қувиб боришни, лекин пистирмага тушмасликни, жангни ҳар доим ўзи бошлаб бериш каби маслаҳатлар беради. Лекин у жангни, урушни ҳеч қачон окламайди. Уруш жабр-зулмни кучайтиради, халқ турмушини

¹ Ўша асар. 32–боб. 211–бет.

² Ўша асар, 40–боб, 203–бет.

¹ Ўша асар, 40–боб, 203–бет.

огирлаштиради, – деб тушунтиради. Урушни адолатсиз подшолар олиб боради, – дейди. Уларни қоралайди.

“Подшоҳлигингизлар завол тобмоғига сабаб на эрди? Жавоб бердиким:

“Кечалар шароб ичгонимиз ва саҳар вақтларида ғафлат бирла уйқуда бўлгонимиз. Яна мулк ишига парво қилмай нафсимизни ғафлат йўлига бошладук ва суствлугимиздан шавкату салтанат расмини қўлдин ташладук”⁵.

Ёки:

*Ғазабнинг тавсанини тез қилма,
Ки қаҳринг тигини хунрез қилма*⁶, –

деб, подшоҳни, мамлакатни таназзулга тушишини кўрсатади. Подшога қон тўқувчи бўлма деб хитоб қилади.

*“Давлат биносини ул киши хароб айлар,
Кечалар ичиб майни субҳ етса хоб айлар”*⁷, –

деб айш-ишратга берилиб, халқ ҳаёти, мамлакат аҳволи билан қизиқмай қўйган подшоҳларни танқид қилади. Бу фикрлар Султон Ҳусайн Бойқаронинг 1502 йиллардаги аҳволини эслатади. Чунки у мамлакатни бошқариш иши билан шуғулланмай, фақат айш-ишратга берилиб кетган эди.

“Ҳукамо айтибдурларким, агар подшоҳ – золим амалдорни амалга буюрса ва раият муҳимларин андоғ ситамларга ҳавола қилса раоё ҳуқукида хиёнат кўргузмиш бўлғай. На учунким ситамкорни заифлар ва ожизларга мутасадди қилмоқ бўрини қўйларга қўйчи қилгандек бўлғай”⁸, – деб зулмкор бошлиқларга нисбатан нафратини яширмай, уларни ситамкор бўри деб айтади. Жохил, ақли норасо кишилар раҳбар қилиб тайинланмаслиги кераклигини айтади. Аммо, Воиз Кошифий яшаган давр эса асосий ҳукмдорларни ақли паст ахлоқсиз, мол-дунёга ўч, ичи қора, бахил, шафқатсиз кишилар эди. Навоийга ўхшаган доно кишиларни кўра олмасдилар, бахиллик қилардилар, суйқасд уюштирадилар.

Воиз Кошифий ҳукмронликнинг асосини Куръон ақидаларига биноан Оллоҳдан кўради ва буни тамомила қонуний ва табиий деб билади. “Подшоҳ Худонинг ердаги сояси”. “Агар подшоҳ бўлмаса,

⁵ Ўши асар, 13–боб, 57–бет.

⁶ Ўши асар, 27–боб, 126–бет.

⁷ Ўши асар, 13–боб, 57–бет.

⁸ Ўши асар, 13–боб, 57–бет.

⁹ Ўши асар, 15–боб, 65–бет.

халк бир-бири ер эди”, – деб уқтиради. Бу ҳол ўша даврдаги ҳар қандай расмий ёки муҳолиф ижтимоий–сиёсий қарашлар, таълимотларнинг негизида ётар эди. Демак, Кошифий подшоҳларни ҳукмрон синфларни мақташи, оқлаши, идеаллаштириши бир томондан, ўша давр тақозосига кўра бўлса, иккинчи томондан, дунёқарашининг чекланганининг белгиси эди.

Хулоса қилиб айтганда, Хусайн Воиз Кошифий XV асрдаги реал ҳаёт воқеаларидан келиб чиқиб, подшоҳларни иккига ажратади. “Яхши” – адолатли ва “ёмон” – адолатсиз, раҳмсиз подшоҳлар. Мамлакатга яхши подшоҳ раҳбарлик қилса, халқни турмуши, дарди билан қизиқса, мамлакатни обод қилса, камбағал, заифларга мурувват кўрсатса, улар билан суҳбатлашишни ор деб билмаса, ҳар бир масалани ҳал қилишда халқ кенгашидан фойдаланса, эл-юртнинг осойишталиги ортади, мамлакат боқий қолиши мумкин. Бу эса ҳукмдорнинг ўзига, хулқига, ақл–заковатига, шахсий хизматига боғлиқ, – дейди Кошифий. Унингча, одил подшоҳ ҳар доим халқ ҳурматига сазовор бўлади. “Подшоҳни тўғри йўлга солувчи олимлар ва вазирлардир”, – дейди олим.

“Бас, маълум бўлдимки, вазирлар салтанат биносини истехкоми ва мамлакат амварини интизомига сабаб эрурлар. Вақтики яхши ахлоқда жамъ ва покиза афъол ва комил бўлсалар”¹, – деб подшоҳ ҳам давлатни бошқаришда ахлоқлилик принципларидан келиб чиқиб масалаларни ҳал қилишини маслаҳат беради. Лекин Кошифий юкорида тилга олинганидек, феодал ҳукмдорларини танқид қилса-да, уларни ижтимоий-сиёсий, синфий қиёфасини кўрсатиб бера олмайди. Синфий тафовутни келиб чиқишини эса Кошифий кишиларни ахлоқини яхши ёки ёмонлигида кўради. Шунинг учун ҳам мутафаккир одил подшоҳларни орзу қилади. Одил подшоҳ мамлакатни адолатпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик асосида бошқаради, – деб ишонади ва инсонпарварликни биринчи ўринга қўяди.

Хусайн Воиз Кошифий жамият ва давлатни тушунишда унинг асосий жиҳатларини кўрсатиб беришда асосан устозлари Жомий, Навоий қарашларини изчил давом эттиради. Кошифий ҳам Жомий ва Навоий каби жамиятни пайдо бўлишидаги асосий ижтимоий муҳитни, ишлаб чиқариш кучларининг ролини тўла тушуна олмайди. Лекин жамиятни, давлатнинг асосий хусусиятларини эса ўзи

¹ Ўша асар. 40–60б. 205–бет.

яшаган давр нуқтаи назаридан кенг тушуна олади. Жамиятни давлатни бошқаришда сиёсатнинг роли катта эканлигини ҳис қилиб подшоларга кўп фойдали маслаҳатлар беради. Бу Кошифийнинг жамият ва давлатни ижтимоий мавқеини замондошларидан кам тушунмаганлигини кўрсатади. Шу билан бирга ислом илгари сурган жамият ва давлат тўғрисидаги қарашларга доимо ҳам эргаша бермаганлигини кўрсатади. Бизга маълумки, ислом жамият ва давлатни мутлоқ, доимий, мавжуд деб тушунтиради. Кошифий эса агар сиёсат, адолатлилик бўлмаса, жамият, давлат таназзулга юз тутиб хароб бўлади, – дейди. Мутафаккирнинг биргина бу фикридан ҳам билса бўладикки, жамият, давлат исломда илгари сурилганидек абадий эмас, у ривожланиб ўзгариб туради.

Демак, Хусайн Воиз Кошифий шоир, ёзувчи, олимгина эмас, балки доно сиёсатчи ҳамдир. Унинг жамият, давлат ҳақидаги, тинч-осойишталик тўғрисидаги баъзи фикрлари ҳозирги шароитда тинчлик муаммоси бутун инсониятни ташвишга солиб турган бир пайтда янада аҳамиятлидир. Чунки Кошифий ҳар қандай ихтилофни тинчлик, яъни, яхшилик билан бартараф этиш ғоясини илгари сурган эди. Бу ғоя ҳеч қачон эскирмайди. Балки Кошифийнинг жамият, давлатни бошқариш тўғрисидаги таълимотининг ҳамиша эскирмайдиганини билдиради.

ЖАМИЯТНИНГ ТАБАҚАЛАНИШИ ҲАҚИДА

Кошифийнинг жамият тўғрисидаги таълимотида табақаланиш, табақалар ўртасидаги поғонама-поғона аниқлаб қўйиладиган имтиёз ва нуфузлар, табақалар ўртасидаги таомилни (ахлоқий) муносабатларнинг мавжуд сиёсий ҳокимият, тузумни ва ижтимоий тартибларни мустаҳкамлаш ёки бўшаштиришдаги роли ҳақидаги қарашлар ташкил этади. Бу мавзу анъанавий характерга эгадир. Чунки, қадимдан Шарқ мамлакатларида Ҳиндистон, Эрон ва Марказий Осиёда синфий қарама-қаршилик эмас, балки айнан табақавий тафовутларга фавқулодда аҳамият берилган. Масалан, Ҳиндистондаги брахманлар, кшатрийлар, вейшешийлар, шудралар, қадимги Эрон ва Марказий Осиёда озодлар ва қоралар, қадимги Юнонистондаги полис фукоролари ва кулларнинг табақавий фарқларни қонулаштирилган.

Ўрта аср мусулмон Шарқида ва христиан Ғарбида табақавий фарқлар подшолар, қироллар, султонлар, саройдаги табақаларнинг

мавкеи кўринишида жуда катъий химоя қилинган ва уларга риоя этиш қонун йўли билан талаб этилган. Бу маънода Кошифий яшаган XV аср Марказий Осиё, Хуросонда феодал жамияти ҳамма табақавий тафовутлар ва карма-қаршилиқлар асосига қурилган эди. Шунинг учун ҳам Кошифий, асосан, ана шу феодал табақалар, уларнинг ички гуруҳлари тўғрисида чуқур ва атрофлича фикр юритган ва ўз хулосаларини берган.

У яшаган даврдаги асосий расмий табақалар қуйидагилардан иборат эди:

1) подшоҳ ва подшозодалар, вазир ва ноиблар, қозию куззоб, шайхул ислом;

2) уламолар, фақиҳлар, адибу шоирлар;

3) савдогарлар, саррофлар, судхўрлар, солиқ йиғувчилар;

4) косиб-хунармандлар, деҳқонлар, боғбонлар;

5) лашкарбошилар, ҳарбийлар;

6) хизматкорлар.

Табақалар жамиятдаги иқтисодий, ҳуқуқий мавқелари билан бир-бирларидан фарқ қиладиган кишиларнинг ижтимоий гуруҳидир. Табақаланиш асосан кулдорлик ва феодализм жамиятларидагина ўзига хос хусусият касб эта бошлайди. Воиз Кошифий ўзи яшаган даврда мавжуд бўлган табақалар ҳақида ҳам юқорида тилган олинган асарларида атрофлича баҳо бериб ўтади. У ижтимоий табақа ва гуруҳларга баҳо берар экан, уларни эл-юрт давлат манфаатига иқтисодий, маданий тараққиётга қўшаётган ҳиссаларига алоҳида эътибор беради. Гуруҳ, табақаларга, Кошифий тили билан айтганда, тоифаларга муносабат билдирганда, ахлоқийликни, адолатлиликни асосий мезон қилиб олади. Кошифий яхши хислатли, саҳий, адолатли кишиларни яхшилар табақасига, аксинча, ёлғончи, ғийбатчи кишиларни ёмонлар табақасига киритади. У, умуман, жамиятдаги кишиларни ахлоқийлик мезонидан келиб чиқиб, икки табақага ажратади. Яъни яхшилар ва ёмонлар табақаларига. Агар киши ростгўй, олижаноб, ҳалол, пок каби барча ижобий фазилатларга эга бўлса, у яхшилар табақасига киради. Аксинча, ёлғончи, гап ташувчи, чақимчилик каби ёмон хислатларга эга бўлган инсонни Кошифий ёмонлар табақасига киритади. Бу табақаларни эса яна ўз навбатида бир қатор гуруҳларга ажратади.

Алишер Навоий каби Кошифий кишилар ўртасидаги фарқ асосан 4 гуруҳ ўртасидадир, деб тўғри топади. Подшоҳ ва унинг одам-

лари, яъни сарой ахиллари, хунарманд ва ўзига тўқ дехқонлар ҳамда оддий халқ. Воиз Кошифий бу табақалар ўртасидаги фаркларни туб моҳиятини кўрсатиб бера олмайди. Лекин юкоридагидек, умуман, яхшилар ва ёмонлар ўртасидаги фаркларни жуда аниқ кўрсатиб беради.

Кошифий “Ахлоқи Мухсиний” асарида ўша даврда яхши деб баҳоланган подшоларга тобеъларни тўрт гуруҳга ажратади.

“Аввал аҳли шамшир, чунончи умаро ва лашкарким улар ўтга ўхшордурлар”. Бундай кишилар нима зарар, нима зиённинг фаркига бормайдилар. Уларга буйрук бўлса бас, ўз вазифасини бажарадилар. Бу қилич тутган лашкарни мутафаккир ўтга, оловга ўхшатади. Чунки олов ҳўл-қурукни баробар ёндиради. Фойда-зиённинг фаркига бормайди, адолатли-адолатсизликни билмайди. Демак, ҳарбийлар, лашкарлар жамиятда зўрликни сўзсиз амалга ошириш қуроллариدير.

“Иккинчи аҳли қалам, чунончи китобдорлар ва вазирларким, улар ҳаво ёнглиғ турурлар”¹. Подшоҳ саройидаги вазирлар, иш юритувчилар, муҳрдорлар, молиячи, барча аёнлар ҳукмдор мақсади ва нафсига бўйсуниб, уларни обрў-эътибори подшоҳ олдида ҳаво сингари енгил, яъни эътиборсиздир. Улар маълум бир ғояни подшога етказа олмайдиган кишилардир.

Саройдаги аёнлар, вазир ва амалдорлар подшоҳнинг кайфиятига қараб иш тутиб, тирикчилик ўтказганлар. Вазирлар ҳар доим эл ва адолат манфаатларини кўзда тутиб эмас, подшоҳнинг ҳар бир гапини маъқуллаб воқеа-ҳодисани мустақил идрок этмайдилар. Гап қайтарганлари эса подшонинг ғазабига учраган.

“Учинчи аҳли муомаладур, чунончи, савдогарлар ва хирфагарларким, улар сув масаллик турурлар”². Мутафаккир савдогар ва хунармандлар кишиларга сув каби кераклидир, сувсиз ҳаёт бўлмаганидек, хунармад ва савдогарларсиз ҳам ҳаёт кечириш анча мушкул демоқчи бўлади.

“Тўртинчи аҳли зироат, чунончи, дехқонларким, улар туфроқ сифатлик турарлар. Бас, вақтики тўрт аносирнинг бири-бирига ғолиб келса халқ миждози вайрон бўлгандек, ул тўрт гуруҳни ҳам, бириси ҳар бирига ғалаба қилса мулк миждози бузулур ва одам салоҳи ва бани одам маишати низоми узулур”³.

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. 15–боб. 62–бет.

² Уша асар. 15–боб, 63–бет.

³ Уша асар. 15–боб, 63–бет.

Кошифий ўз даврининг кишиси сифатида жамиятдаги табақаларнинг мавжудлигини табиий ва зарурий деб билади. Улар ўрта-сидаги кучлар ва ўзаро таъсир нисбати муайян уйғунликда бўлсагина, мамлакат ҳаётининг ижтимоий-сиёсий мўътадиллиги, кишиларнинг тинч яшаш, инсонларча яшаш қонуни таъминланган бўлади, – дейди.

Айни пайтда ҳар бир табақага Кошифий берган таъриф шу кадр аниқ ва тўғри эгасига йўналтирилганки, уларни тахлил қилиб, мутафаккирнинг “Аҳли муомала” ва “Аҳли зироат”га хайрихоҳлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Чунончи, вазир, китобдор ва аъёну амалдор, подшоҳ нафси ва иродасининг оддий, кўр-кўрона ижрочилари деб таърифланса, амир, садр ва лашкару навкарлар “салласи деса бошини олиб келадиган” қилиб, салбий маънода кўрсатилган. “Аҳли муомала” ва “Аҳли зироат” эса жамият ҳаётининг энг зарур асослари сифатида, улар бўлмаса, ҳеч қандай ижтимоий ҳаёт барпо бўлмайди, деб таърифланади. Энг қизиғи шундаки, мазкур тўрт табақа таърифи Кошифий томонидан шундай ўзаро тақозолик ҳолати ва муносибликка қўйилганки, бунда “Аҳли зироат”нинг жамият ҳаётининг асосий ролини ўйнаши яққол кўзга ташланиб қолган. Чунки амирлар, лашкарлар ҳам, вазиру вузаро, аъёнлар ҳам, “аҳли муомала” ҳам охир-оқибатда мамлакатда тартиб, осойишталик ва фаровонлик ўрнатилишига хизмат қилиб, деҳқон (зирот) аҳлини бугун жамият, барча табақаларни боқиш мақсадида ерга экин-текин экиб, юртни боқишга шароит яратиб берадилар.

Бу энди Кошифий ижтимоий-сиёсий қарашларининг замиридаги, анча ниқобланган, яширин ва ҳатто оппозицион, илғор майлларни ифодалайди. Чунки расмий сиёсатга, ислом ва шариатга кўра ҳам султонлар, ноиб ва амалдорлар Худонинг ердаги соялари бўлиб, улар бўлмаса жамият ҳаёти пароканда бўлади, уларга, айниқса, меҳнаткаш-деҳқон, боғбон, косиб-хунармандлар уларга сўзсиз бўйсунушлари, итоат этиши, улар нимани буюрса, уни сўзсиз бажаришлари шарт. Кошифийда эса, аксинча, аҳли зироат жамият ҳаётининг асоси, амири-амалдорлар, вазир, аъёнлар, савдо-муомала аҳли эса меҳнаткаш деҳқон, косиб-хунарманд, боғбоннинг тинч меҳнати учун шарт-шароит яратиб берувчилардир, холос. Яъни, давлатнинг, маҳкама ва муассасаларнинг функцияси халқни, меҳнаткашларни ўзига бўйсундириш, итоат эттириш, ўзига хизмат қилдириш эмас, балки унга ўзи хизмат қилишдан иборатдир.

Кошифийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари замирида зимдан ана шундай фавкуллода муҳим, ўз даври учун илғор, кескин хулоса илгари сурилади.

Кошифийнинг жамиятда юргизиладиган сиёсатининг асосий тамойиллари тўғрисидаги фикр ва хулосалари ҳам ўзининг илғорлиги, рационалистик ва инсонпарварлик майллари билан ажралиб туради.

Воиз Кошифий ўзининг “Ахлоқи Муҳсиний”нинг 32–бобида шундай дейди:

“Одамлар табақаларида сиёсат лойиқи кимлардур? Айдиким:

Эй малик, ҳалойиқ беш табақа бўлурлар.

Аввал тоифаким, зоти поклари яхшилик бирла барпо бўлган бўлса улардан ҳам, ўзларига ва ҳам ҳалойиқга яхшилик етар ва ёмонлик асло ҳосил бўлмас ва уларни қувватландурмоқ керак ва улар бирла суҳбат тутмоқ керак.

Иккинчи жамъиким улардин ҳам ҳаргиз ёмонлик содир бўлмас. Уларни ҳам азиз тутмоқ керак ва яхшиликга ҳарис қилмоқ.

Учинчи гуруҳиким миёна ҳол эрурлар, яъни улардан ҳам ўзларига ва ҳам ғайрига на хайр (яхшилик) ҳосил бўлур ва на шарр (ёмонлик). Уларга яхшилик йўлин кўргузмак керак ва ёмонлик таърифидин парҳез қилдирмоқ керак.

Тўртинчи фирқасидурким, яхшилик ҳам еткурурлар ва ёмонлик ҳам кўргузурлар. Уларнинг хор тутмоқ керак. То ёмонликни тарк айлағайлар.

Бешинчиким ёмонликдин ўзга нимарса зоҳир қилмаслар, бас сиёсатни улар борасида амалга келтурмакким бу равишдаким, ул аввал ваъда ва ваъйидо айламак керак анинг бирла иш битмаса, арбада ва хийбат кўргузмак керак. Анинг бирла ҳам бўлмаса урмоқ керак ва ҳануз танбеҳ етмаса, бандга солмоқ ва доғи тузолмаса охири ўлдурмак керак”¹.

Воиз Кошифий кишиларни аввало ахлоқ нуқгаи-назаридан келиб чиқиб табақага ажратган. Пок, ҳалол одамлар ҳеч кимга ёмонлик қилмайди. Чунки, уларнинг нияти фақат яхшилик, бундай кишиларни ҳар доим қўллаб-қувватламоқ даркор ва уларни суҳбатидан баҳраманд бўлиш керакки, фойдаси кўпдир. Кошифий ўзи яшаган давр тақозосидан, дунёқарашидан келиб чиқиб, фақатгина икки табакани яхшилар қаторига киритади. Учинчи табақа – ўрта

¹ Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. 32–боб. 142–144 бетлар.

табақа, яъни на яхшига, на ёмонга қўшилиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларни яхшилик йўлига солиш керак, ёмонлик қилишга йўл қўймаслик керак – дейди. Мутафаккир тўртинчи табақани эса берилувчи, ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам қилиши мумкин бўлган кишилар деб атайди. Уларни қаттиқ интизомда ушлаш керакки, мавжуд ёмонлик қилиш одатларини ташласинлар. Демак, кишиларни ёмонлик хислатларидан, тарбиялаш орқали маҳрум қилиш мумкин. Кошифийнинг ҳар бир фикри унинг тарбиячи, инсонпарвар эканлигидан далолат бериб туради. Энг ёмон, халққа, жамиятга зарар кўрсатишни истовчи кишиларни ҳам тарбиялаш керак. Уни сиёсат орқали, ваъда бериш билан, дўқ-пўписа қилиш орқали, агар бунда ҳам ўзгармаса “урмоқ”, зўрлик, куч ишлатиб тарбиялаш керак, шунда ҳам танбеҳ етиб бормай, ҳеч қандай таъсир қилмаса ундай кишини бандга солиш керак, – дейди. Агар бу одамдаги ёмонлик қилиш доғи тузалмаса, “охири ўлдурмак керак”, деб маслаҳат беради.

Воиз Кошифий кишиларни иш ҳаракатига қараб табақага ажратиш билан биргаликда уларни тарбиялаш, ўзгартириш йўл-йўриқларини ҳам ўргатади. Мутафаккирнинг бешинчи табақа вакилини ўзгармаса охирида “ўлдурмак керак” деган фикрлари мутафаккирнинг ўз даври, синфи ва табақасининг вакили эканлигини яна бир бор кўрсатади. Кошифий энг ёмон ахлоқсиз кишини ҳам ўлдиришдан олдин уни тарбиялашга бир неча бор ҳаракат қилиш лозимлигини айтади. Ҳусайн Воиз Кошифий сиёсатида оқиллик, мулоҳазалик ва инсонпарварлик, охиригача сабр-тоқат билан ўтказилиши зарурлигини таъкидлайди.

Ҳусайн Воиз Кошифий “Ахлоки Мухсиний” асарининг 38–бобини “Яхшилар бирла суҳбат тутмоқ” деб атаса, 39–бобини “Ёмон кишиларни йўқ этмак баёнида” деб атайди. Булардан кўринадикки, мутафаккир ҳар бир ёмон кишини ҳам тарбиялаш мумкин, тарбия орқали, яхши фазилатлар орқали табақаланиш йўқолиши мумкин, деб кишиларни яхши фазилатларни эгаллашга чақиради. Лекин, Воиз Кошифий халқнинг моддий аҳволи яхшиланса, иқтисодий тенглик, сиёсий тенглик, ҳуқуқий тенглик вужудга келсагина, табақа йўқолиши мумкинлигини тўла тушуна олмаган, албатта.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ

Марказий Осиё ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, кўланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Қайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Тулистон”, “Бўстон”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Китоби Хотамнома”, “Анвори Сухайлий”, Камолиддин Биноийнинг “Беҳруз ва Баҳром” каби асарлари халқ ўртасида жуда машҳур эди. Бу асарлар халқнинг дунёқарашини, онгини шакллантиришда, ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ижобий роль ўйнаган.

Марказий Осиё олимларининг ижтимоий-сиёсий, социал, фалсафий ва ахлоқий қарашлари Форобий, Ибн Сино, Низомий, Ибн Мисковайх, Насриддин Тусий² каби мутафаккирларнинг таъсири остида вужудга келиб, янги бир поғонага кўтарилди. Бу мутафаккирлар бир-бирлари билан ижодий ҳамкорлик қилганлар, натижада ўзига хос алоҳида-алоҳида таълимот яратганлар ва уларнинг ҳар бирини ўзига хос ахлоқий концепцияси шаклланди. Марказий Осиёда ахлоқий тафаккур тараккиётида, айниқса, Форобийнинг таъсири сезиларли бўлди. Мутафаккир 34-бобли “Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари” рисоласида ўзида ўн икки туғма хислатни бирлаштирган кишигина фазилатли бўлади, деб уларни бирма-бир санаб кўрсатади. “Инсон ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин; “руҳи ғурурли ва ўз виждонини кадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга интиладиган бўлсин”¹; “адолатли бўлсин”², – дейди Форобий. Бу келтирилган парчадан Форобийнинг асосий ахлоқий концепциясини тушуниб олиш қийин эмас. Форобий фикрича, инсоннинг яхшиликни қўлга киритиши бу инсонни ўз қўлида бўлади. Мутафаккирнинг бу фикрларига яқин фикрни Абу Райҳон

² Хайруллаев М. Культурное наследие и история философской мысли. – Т.: Узбекистан, 1985.

¹ Форобий. Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари. - Т., 1971. 303-бет.

² Форобий. Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари / М.Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. - Т., 1971, 303-бет.

Беруний, Ибн Синоларда ҳам учратиш мумкин. Беруний рост-гўйликни, адолатлиликни ахлоқнинг энг асосий хислати деб баҳолайди. Шунингдек, бу сингари фикрлар Саъдий, Хофиз, Жомий, Давоний, Навоий ижодида ҳам учрайди.

Жалолиддин Давоний, файласуф олим Ҳ.Аликуловнинг айтганидек, инсоний фазилатларни тўртга бўлади. 1. Донолик. 2. Адолат. 3. Шижоат. 4. Иффат. Давоний буларнинг ичида, айниқса, доноликка юқори баҳо беради. Умуман, инсонда бўлиши шарт бўлган фазилатларни эса 42 га ажратади.

XV асрнинг буюк мутафаккирлари Жомий ва Навоий ҳам “Баҳористон”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарларида инсоний хислатлар ҳақида ибратли фикрлар баён қилганлар. Айниқса, Алишер Навоийнинг ахлоқ ҳақидаги фикрлари Воиз Кошифийнинг ахлоқий қарашларига баъзи ўринларда оҳангдошлик қилади. “Одобли инсон барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишиларни гўзалроқ ва бадавлат одамлардан хурматлироқдир”. “Одоб – кишилар тарафидан қилиши мумкин бўлган хурматсизлик эшигини бекитади ва одамни ҳазил-мазаҳдан, камситишдан сақлайди”³, – деб Навоий одобни ҳар бир инсонда бўлиши шарт, – дейди. Навоий ҳам замондошлари каби адолатлиликни, ҳалолликни ҳимоя қилади. Навоий илгари сурган ахлоқий фикрлари кейинги даврда фалсафа тарихи тафаккурининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

XV асрда яшаган мутафаккирларнинг кўпчилиги юнон фалсафаси, унинг Шарқдаги издошлари Форобий, Ибн Сино таълимотлари билан қизиқишган, назарий ва амалий билимлар билан шуғулланишган. Ахлоқ масалалари билан шуғулланишни ўзларининг бурчлари ҳисоблаганлар. Лекин ҳаммалари ҳам ижтимоий ҳаётнинг қарама-қаршиликларини, жабр-зулмнинг сабабларини теран идрок эта олмаганлар. Шунинг учун уларнинг ҳар бирлари ўзи тунгганича, бу соҳада фикр баён қилганлар.

Хусайин Воиз Кошифий Ҳирот мадрасаларида талабаларга кўп вақт таълим-тарбия берган. Шу билан бирга у бутун Хуросон мамлакатада ахлоқ-одобдан ваъз айтган. Унинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолати Хотамийа” (“Китоби Хотамнома”), “Анвори Сухайлий”, “Ахлоқи Карим” ва бошқа асарларида одоб-ахлоқ ҳақидаги таълимотини илгари суради. Бу асарларда халқчиллик, инсонпарварлик гоялари, ижтимоий – ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баён этил-

³ Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. - Т., 1983. 48–бет.

ган. Айниқса, Ҳусайн Воиз Кошифий одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, умуман, инсонпарварлик ғояларини, мамлакатни бошқаришнинг йўл-йўриқлари, давлат, лашкарлар ҳақида кўп фойдали маслаҳатларни, доно фикрларини ўқимишли, қизиқарли ҳикоялар ёрдамида баён этади. Бу асарлар Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўз тили билан айтганда, “Ҳикмати амалий” (яъни анъанавий Шарқ фалсафаси талаблари) асосида ёзилганлигидан жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

“Ахлоқи Муҳсиний” асари 40 бобдан иборат бўлиб, унда қуйидаги ахлоқий муаммолар тадқиқ қилинган: “ихлос”, “ибодат”, “дуо”, “шукур”, “сабр”, “ризо”, “хаё”, “таваккал”, (“ибо”), “покизалик” (“ҳалоллик”), “адаб”, “баланд ҳимматлик” (“саҳийлик”), “қасд қилмоқ”, “жадду жадд” (“ҳаракат”), “собитқадамлик”, “адолат”, “авф” (“кечириш”), “ювошлик”, “хулқимулойимлик”, “шафқат ва марҳамат”, “хайрли ва яхши ишлар”, “жуд” (“инъом”) ва “саховат”, “эхсон”, “тавозе” (“ўзини камтарлик билан тутиш”), “амонат ва диёнат”, “вафо аҳди”, “ростгўйлик”, “ҳожатраво қилмоқ”, “оҳисталик ва шитоб”, “кенгаш қилиш”, “андеша қилмоқ ва ҳар ишнинг охирини кўзламоқ”, “шужоат” (“ботирлик”), “ғайрат”, “сиёсат”, “бедорлик ва огоҳлик”, “фаросат”, “асрор (“сир”) яширмак”, “фурсатни ғанимат билмоқ”, “ҳуқуқларга риоя қилиш”, “яхши (кишиллар) билан суҳбатлашиш”, “ёмон кишиларни йўқ этмак”, “тобелар ва хизматкорлар тарбияти” ва ҳ.к.

Ҳусайн Воиз Кошифий бу қирқ боб мазмунига мос келадиган ахлоққа оид эллиқдан ортиқ ҳикоя, хабар, турли хил жанрдаги (туяқ, маснавий, қитъа) шеърлардан мисол келтириб ўз фикрларини асослайди. Бу келтирилган ҳикоятларнинг барчаси ҳам ҳар бир бобда ифодаланган одоб-ахлоқ ҳақидаги ғояларига жуда мос келади.

Шу ўринда “Ахлоқи Муҳсиний” асарини ёзилиши ҳақидаги баҳога ўз муносабатимизни билдириб ўтайлик. “Ахлоқи Муҳсиний”нинг ёзилган санаси ҳақида бир неча фикрлар мавжуд. Академик Б.Ғафуров¹ бу асарни 1494 йилда, А.Таҳиржонов 1494–1496², М.Хайруллаев³, Ҳ.Аликулов⁴, О.Усмоновалар⁵ 1495 йилда

¹ Ғофуров Б. Тоҷикот китоб. 1–китоб. – Душанбе: Ифрон, 1983. 693–саҳ.

² Таҳиржанов А.Т. Описание таджикско-персидских рукописей. – Л.: Изд. ЛГУ, 1962. С.102.

³ Юкорида тилга олинган асарларида.

⁴ Аликулов Х. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. – Т.: Фан, 1979. 10–бет.

⁵ Усмонова О. Кандидатлик диссертацияси. ТошГУ Ф.Б.ин. 8587, 11–6.

ёзилган деган фикрни билдирадилар. Лекин Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги Кошифий асарлари каталогига “Ахлоқи Муҳсиний” 900 ҳижрий 1494 йилда ёзилгани қайд этилган. 1501 йилда кўчирилган (инт. № 2116) нусхасида эса бу асар Ҳиротда 900, 1494 йилда ёзилган деб кўрсатиб ўтилган. Биз бу фактга асосланиб асарни 1494 йилда ёзилган, деган фикрга кўшилаемиз.

“Ахлоқи Муҳсиний”нинг ҳар бир боби алоҳида бир асарга ўхшайди. Воиз Кошифий асарни янада ўқишли қилиш учун ўзидан олдин яшаб ўтган мутафаккирлар Арасту, Ҳақоний, Саъдий, Насриддин Тусий, Ал-Раки, Абу ал-Маоний, Рудакий, Ҳофиз, Жалолиддин Румий, Ғаззолий, Шайх Низомий, Фирдавсий, Саид Али Ҳамадонийларнинг “Заҳират ул-мулук”, “Жавом ул-ҳикоят”, “Сирож ул-мулук”, “Нигористон”, “Дастурнома”, “Ижорат”, “Ахбор”, “Иъжоз”, “Тажохул ал-Маъруф”, “Таъкиб ул-зам ба мойиш бо Алматх”¹ каби асарларидан ижодий фойдаланган. Лекин келтирилган баъзи ҳикоят, нақлларни, шеърларнинг асосий манбаларини эса кўрсатмайди. Бизнингча, бу шеърларнинг кўпини Воиз Кошифийнинг ўзи ёзган бўлиши ҳам мумкин (Хусайн Воиз Кошифийнинг 2 та девон тузганини эслайлик).

Асар форс тилида ёзилган. Лекин XV асрдаёқ бир неча марта хатгот²лар томонидан кўчирилиб, бир неча Ғарб, Шарқ тилларига таржима қилинган. “Ахлоқи Муҳсиний”нинг инглиз, немис, ҳинд, араб, турк, татарча ва тожикча ҳамда эски ўзбек тилларидаги нусхалари мавжуд.

Хусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, “Анвори Суҳайлий”, “Рисолати Хотамийа” асарлари ахлоққа бағишланган энг қимматбаҳо д қўлланмалар саналади. Маълумки, ўтмишда яшаб ўтган барча мутафаккирлар ҳам ахлоқ масалаларига катта қизиқиш билан қараганлар. Бу, айниқса, XIV–XV асрда Мувароуннаҳр ва Ҳуросон мамлакатларида нотинчлик ҳукм сурган бир пайтда бу янада кучайган эди. Ижобий ҳислатларни эгаллаш, ёмон ҳислатларни бартараф этиш адолатни таркиб топтириш, одил подшо каби ўнга яқин мавзулар Кошифий илгари сурган ахлоқ илмининг асосий мавзуларини ташкил этади. У инсонпарварликка,

¹ Кошифий. Бадое ал-афкор фи саное ул-ашъар. Сўз боши., изоҳ ва нашр қилувчи Р.Муслмонқулов. М.: 1977 (Форс тилида).

² Муродов А. Марказий Осиё хатготлик санъати тарихидан. Т.: Фан, 1971.

ҳалолликка, меҳнатсеварликка, босиқликка, ўйлаб иш тутишга чорлаган. Халкни норозиликларини, ғалаёнларини, Куръон, ҳадислардан парчалар айтиб, уларни тинчлантириб турган. Бу иш фақат Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Хусайн Воиз Кошифий каби катта маънавий–сиёсий, обрўли арбоблар қўлидан келарди, холос. Биз юкорида Кошифийнинг ижтимоий–сиёсий қарашлари ҳақида атрофлича фикр юритдик. Қуйида фақат уни ахлоқий қарашлари, таълимоти ва унинг принциплари ҳақида фикр юритамиз.

А. Ахлоқий тамойиллар муаммоси

Ахлоқий принцип нима? Маълумки, ахлоқ – ижтимоий онг шаклларида бири, жамият, оиладаги юриш–туриш принциплари ва нормаларининг йиғиндисидир. Ахлоқ жамоатчилик фикрига суянади, у кишининг хатти–ҳаракатида унинг жамиятга, оилага, меҳнатга, коллективга муносабатида намоён бўлади. Принциплар ахлоқнинг энг муҳим белгиларини инсон хатти–ҳаракатига қўйиладиган барча талабларни мужассам этиб шахслар фаолиятининг умумий йўналишини кўрсатиб хулқ нормасига асос бўлиб хизмат қилади.

Ўтмиш мутафаккирларининг ахлоқий қарашларини ўрганар эканмиз, биз биринчи навбатда, ахлоқ ҳақидаги илмийлик, аҳамиятлик принципларидан келиб чиқиб ёндашамиз, илмий анализ қиламиз.

Хусайн Воиз Кошифий ахлоқий қарашларида *1) инсонпарварлик, 2) халқлар дўстлиги, 3) ватанпарварлик, 4) меҳнатга онгли муносабат, 5) жамоатчилик принциплари* ўз аксини топганлигини кўради. Лекин Кошифий буларни ғоя деб эмас, балки ахлоқийликнинг асосий белгилари деб ўйлайди. Ҳар бир ҳалол, пок бошқаларга ёруғ юз билан қарайдиган инсон ватанпарвар, аввало бир-бирига жуда ғамхўр, ҳурмат қиладиган, яъни инсонпарвар бўлиши керак, халқлар ҳар доим бир-бирини қўллаб–қувватлайдиган, ёрдамни дариғ тутмаслиги керак. Инсон меҳнатдан кочмаслиги керак, – дейди мутафаккир. Кошифий ахлоқий қарашларини ўз даври ижтимоий ҳаёт моҳиятидан келиб чиқиб изоҳлайди, баҳо ва беради.

Мутафаккир “Ахлоқи Муҳсиний”, “Ахлоқи Карим”, “Анвори Суҳайлий” (“Калила ва Димна”), “Рисолати Хотамийа” асарларида ўз даври ижтимоий муҳитини тўлақонли акс эттиради. Мамлакатда ивж олган ҳақсизлик, адолатсизликни, ноинсоний хатти–ҳаракат-

ларни кўриб, улардан кутулиш, уларни ҳал этиш йўл воситаларини топа олмаган, иложсиз қолган мутафаккир ўртанди, азоб чекди. Зеро, бу асарларим – ўша жабр–зулмларни камайтиришга, адолатни таркиб топтиришга ҳисса бўлиб қўшилса, деб ўйлайди. Ўзидан бир неча аср илгари яшаб ўтган ва даврдош бўлган мутафаккирларнинг бу мавзулардаги кўпгина асарларини ўқиб ўрганади. Кошифий ахлоқ ҳақида асар ёзар экан, бу ёзганларим, эшитганларим, ўқиганларим, кўрганларим асосида ёзилди, деб алоҳида таъкидлайди.

Воиз Кошифий инсонни дунёдаги энг юксак олижаноб мавжудот деб билади. “Рисолати Хотамийа” асарида:

*Одам номи яхшилик билан эслаш туфайли боқийдир,
Ҳаётлик айёминг ҳосили яхши ном орттиришдир”¹,*

деб ёзади. Бу Воиз Кошифий ахлоқий таълимотининг асосий етакчи ғоясидир. Кошифий илгари сурган асосий ахлоқий ғоялар қуйидагилардир:

1. Мутафаккир етук ахлоқий инсон (инсони комил) ҳақидаги фикрларини, қарашларини Сукрот, Афлотун, Фаридун, Нуширавон, Арасту, Искандар, Маъмун, Аъробий, Рум саркардаси, Миср подшоҳи, ҳакимлар тилидан баён қилади. Чунки Воиз Кошифий подшони етук, одил, доно, ақлли, камтар, олим, инсон сифатида кўришни орзу қилади. Шунинг учун уларни доимо яхши инсон қилиб тасвирлайди. Бу умуман Шаркнинг ахлоқий–фалсафий анъанаси бўлганлиги учун Кошифий ҳам комил инсон концепциясини янада ривожлантирди.

2. Мутафаккир фақат подшоҳни эмас, балки оддий инсоннинг ҳам дили, нияти пок, хайр-саховатли, камтар ва мулойим, доно олим, дунё сир-асрорларини билишга қизиқувчи ақл-заковат эгаси сифатида кўришни орзу қилади. У ўзининг эзгу мақсадини, яъни жамиятни ҳикмат, адолат, инсонийлик асосида бошқариш керак, деган ғояни илгари суради.

3. Воиз Кошифий ижтимоий-ахлоқий идеалини юзага чиқаришнинг асосий воситаси деб илм-маърифат ва ахлоқий тарбияни тушунади. У яхши ном олишни, айниқса, Куръондан, ҳадислардан, нужум, ал-кимё, математика, мусикадан огоҳ бўлишни, дунёни

¹ Кошифий. Рисолати Хотамийа, форс тилида. ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёзмалар фонди, инв. 4388 (бу асардан келтирилган мисолларнинг барчаси Р.Махмудов таржимасида берилди). 10–бет.

билиш, оламни таниш, яхши-ёмонни тўғри англашдир деса, ахлоқ, инсонийликни эса ҳаёт кечиришдаги энг зарур, ҳаво каби керакли восита деб тушунади. Воиз Кошифий инсоннинг, кадр-қиммати, унинг мол-мулки ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади, – дейди. “Ахлоқи Мухсиний”нинг учинчи “Адаб баёнида” бобида шундай ёзади: “Адабнинг маънисини ёмон сўздин ва забун ишдин нафснинг тиймоқ, ҳам ўзинг ва ҳам у кишини иззатин сақламоқ, обрўйин тўқмаслик бўлур”, – деб бир маснавий келтиради:

*Истоли, ҳақдин адаб тавфиқини,
Беадаб топмади, анинг фазлини.
Бас, адабдин нур тобти, бу фалак,
Ҳам адабдин пок бўлдилар малак¹.*

Одобни Худодан тилайлик чунки, беадаб одам ундан фазилат топмади. Фалак одоб туфайли, маликалар одобин билан пок бўлдилар. Яъни, адабдан фалак нур олди шунинг учун жаҳонда гўзаллар ҳам етишиб чикди, деб одобни куёшга тенглаштиради.

Кошифий Рум Султони ва Миср подшоҳлари ўртасидаги нома орқали бўлиб ўтган бир суҳбатни келтиради. Миср подшоҳи айтганидек, биздан кейинги “ному нишонимиз” бўлган ўғлонларимизга нима қолдирамиз. Ман ўғлим учун “бисёр нафис матолар ва бешумор яхши отлар, теваляру ўзга мавошилар ва бурдалару кўнгу иморатлар, тегирмон ва мулклар захира қилдим”, – дейди.

Нома Рум султонига етиб боради. У бу гапдан кулади. Айтадики, “мол бевафо ёр ва бебаҳо дилдор эрур. Анинг ҳисобин қилмоқ керак ва бу дунё ва фони матоларга фирифта бўлгулик эрмас. Ман адаб хулласини бирла ораста қилдим ва яхши сифат ва одобнинг анинг учун захира қўйдим. Молга завол етар, аммо адаб тўғри ва тадбир тобмас”. Бу хабар Миср подшоҳига етиб борибди:

– У рост сўз айтибдур. “Адаб – олтиндин қиммат демак бўлур”¹, – деб хулоса чиқаради. Мутафаккир адабнинг баҳосини йўқ, нисол тобмайдиган яхшилик, деб уқтиради.

4. Воиз Кошифий адабнинг маъносини жуда кенг тушунади. У одобни инсонни ахлоқли деб билади. Мол-мулк, бойлик киши ахлоқини белгиламайди, балки одоблилик, саховат, тўғрилиқ, ҳалол-

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. Форс тилида. ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарҳношуслик институти, қўлёзмалар фонди. Инв. 3022. 10–боб. 40–41–бетлар.

² Уни исар, 10–боб. 42–бет.

лик, поклик каби ўндан ортик хислатга эга бўлганларнигина том маънодаги инсон деб тушунади мутафаккир.

5. Кошифий буюк инсонпарвар эди. Унинг ахлоқ ҳақидаги қарашларини кузатар эканмиз, инсонга меҳр-муҳаббатни, унга ҳурмат ва эътиқодни, эъзозлашни, инсонни севишни, борлиқдаги барча яхши нарсалар инсонга деган ғояни кўришимиз мумкин.

“Тафаккурнинг бирор соҳасида йўқки, у янги фикр айтмаган бўлсин... Навоий эркин фикрнинг жонланишига таъсир кўрсатади... қонли қиргинлар оддий бир иш бўлган, ҳукмдорлар ҳеч сесканмай юз минглаб кишиларни қийноқларга маҳкум қилаётган чоғда у ҳақиқий гуманизм ғояларини баралла қуйлади”¹, – деган эди машҳур шарқшунос олим Е.Бертельс. Бу фикрни Алишер Навоийнинг замондоши Хусайн Воиз Кошифийга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Чунки, Воиз Кошифий ҳам халқ аҳволини яхшилашга, барчани баробар қилишга, очлик, қашшокликни, исрофгарчиликни, тенгсизликни йўқотиш йўлларини излайди. Мутафаккирнинг ахлоқ ҳақидаги фикрлари ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Биринчидан, воиз сифатида меҳнаткаш халқ аҳволини яхши билгани, улар ҳаётининг кучли таъсири натижаси бўлса, иккинчи томондан, ўтмиш мутафаккирлари Арасту, Форобий, Ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Жомий, Навоий ва бошқа мутафаккирлар илгари сурган инсонпарварлик ғояларининг таъсири эди. Воиз Кошифий илғор, инсонпарварлик ғояларининг етакчи бўлишига, айниқса, устози Алишер Навоийнинг таъсири катта бўлгани шубҳасиздир.

6. Хусайн Воиз Кошифий ижодида биз халқчиллик, инсонпарварлик ғояларини инсонлар тенглиги, инсон бахти учун курашиш, халқни эзувчиларни тартибга чақариш, подшоҳларни адолатлиликка чорлаш каби фазилатларни кўрамыз. У кишиларни покликка, инсонпарварликка, дўстликка чақирди, феодал даври тубанликларига қарши инсоний юксакликни тарғиб ва ташвиқ қилди.

“Азиз (инсон) бўлишни истасангиз, олтинни хор деб ҳисобланг, зеро кимнингки, назарида олтин хор бўлса, ҳамма одамлар уни азиз ва табаррук ҳисоблайдилар ва ҳар кимки, олтинни азиз деб билса, халойиқ назарида хор ва беобрў бўлади”¹, – деб киши-

¹ Бертельс Е. Избранные труды. Навои и Джами. - М., 1965. С.203–204.

¹ Кошифий. Рисолати Хотамйа. Форс тилида. ЎзССР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. № 4388, 40–бет.

ларни мол-мулкка ҳирс қўймасликка чақиради ва дунёдаги энг азиз мавжудот инсон эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Кимки мол-дунёга, бойликка ўч бўлса, инсонийликни унутади, эл-халқ олдида обрўсизланади, деб кишиларни инсонийликка доғ туширмаслик керак, деб насиҳат қилади.

Мукамал, гўзал феъл–атворли инсон бўлиш учун ўн қоидага амал қилиш керак, – дейди мутафаккир. “**Биринчи** – элга муҳолифат (тескари) иш қилмаслик; **иккинчи** – ўз нафсига инсоф тилаш; **учинчи** – киши айбини очмаслик; **тўртинчи** – ҳар кишида учрайдиган (номуносиб, ёмон) хулқ–одат бўлса, уни авф этмоқ **бешинчи** – уни яхшилик томонига буриш; **олтинчи** – оч–юпунларни ҳожатидин чиқармоқ; **еттинчи** – инсон учун машаққат тортиш; **саккизинчи** – ўз нафсини тийиш; **тўққизинчи** – киши халққа тоза юз билан кўриниш; **ўнинчи** – кишига яхши сўз айтмоқ”².

Кошифийнинг бу ҳикматларини алоҳида изоҳлаш шарт эмас. Чунки бу ҳикматлар фақат XV аср учун эмас, балки айни ҳозирги кун учун ҳам жуда аҳамиятлидир. Негаки, бу ўн қоидага амал қилган кишини том маънодаги, маданиятли, олижаноб, раҳимдил, доно, очиққўнгил, инсон деб айтса бўлади. Кошифийнинг донолиги шундаки, унинг бу пурҳикмат, мақолга айланиб кетган гаплари ҳеч қачон эскирмайди, балки ёшларни тарбиялашга хизмат қилаверади. Шу билан бирга бу ўн қоидани кишилар учун уларнинг турмуш тарзи, ҳаётининг режаси, андозаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кошифий, умуман, инсонпарварликни жуда кенг маънода тушунади. Унинг фикрича, баъзи хислатлар инсонга зиён етказади. Яъни, “молу дунё йиғишга ҳарислик, синаб кўрмасдан биров билан дўст бўлишлик, амалсиз илм, беният садақа, соғ–саломатликсиз тирклик”³. Мутафаккир молу-мулкка иштиёқлиликини, енгилтаклик қилиб биров билан синашмай дўст бўлишни, илми бор бўлса–ю, уни амалиётда қўллай олмасликни, ниятсиз қилинган хайр–эҳсонни, фойдасиз мақсадсиз ҳаётни, яъни касалванд умрни қоралайди. Кишиларни бундай “хислатлардан” узоқ бўлишга чақиради. Унингчи, кишининг яхши, ахлокли бўлиши соғ–саломатлигини ҳам таъминлайди.

² Кошифий. Ахлоки Мухсиний. Форс тилида. ЎзРФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. Инв. 3022, 11–қаб. 70–бет.

³ Юқоридаги асар. 156–бет.

7. Воиз Кошифий инсонпарварлигининг яна бир кирраси шундаки, у кишиларни иноқликка, тинч-тотувликка, оға-иниликка чақиради. XV асрлардаги очарчилик, камбағалчилик, уруш, қон тўкишларга норозилик муносабатини билдиради.

8. Кошифийнинг ахлоқий концепциясида халқлар дўстлиги кенг ўрин эгаллайди. Мутафаккир “Ахлоқи Мухсиний”нинг 38–бобида Миср подшоҳи ва Рум саркардасининг дўстлиги, қариндош бўлиши ҳақида ўғил-қизларининг дўстлиги тўғрисида гапиради. У турли миллат вакилларининг дўстлигини кенг қамроқда тасвирлайди. Дўстлик тушунчасини мавҳум тушунмайди. Дўстликни – хулқ-одоби бир-бирига мос, бир-бирига ҳар доим ёрдам қўлини чўза олиши мумкин бўлган олижаноб кишилар ўртасидаги муносабат, – деб тушунади. Уни инсонларни олий туйғуларидан бири, деб билади.

“Бу бўстонда дўстларнинг ёрдამисиз биронта ҳам мақсад гули терилмаган. Дўстлик этагига қўлинг илашса, хотиржам ва озод юра оласан. Дўстлар туфайли ишинг мукамал бўлади ва ҳамдардлар туфайли мушкулларинг ҳал бўлади”¹, – деб Кошифий кишилар ўртасидаги инсоний яқинликни, иноқликни тўғри тушунади. Дўстликда, иноқликда ҳикмат кўп. Дўстлик, оға-инилик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш эса мамлакат равнақини оширади, ободлигини таъминлайди. Кошифийнинг дўстлик ҳақидаги фикрлари беихтиёр XV асрдаги Улуғбек ва Абдулатифни, Ҳусайн Бойқаро ва ўғиллари Абул Мухсин, Бадиуззамон, Мухаммад Ҳусайнлар ўртасидаги адоватлиликни, душманликни тож-тахт учун курашларини ёдга туширади. Мутафаккирнинг ота-болалар ўртасида ҳам меҳр-оқибат кўтарилган бир пайтда дўстликни тарғиб қилишнинг сабабини тушунгандай бўламиз.

“Меҳру шафқат ва лутф-карам эшигини дўстлари юзига очиб қўйган, уларнинг ҳожатларини чиқарган дўст – энг самимий дўстлардан саналади. Дўстидан биронта нарчасини аяган одам дўстликка ярамайди”¹, – деб унга хиёнат қилувчиларни ёки фақат бирон нарса керак бўлгандагина дўст санашни Кошифий қоралайди. Шу билан бирга яхши дўстни ота-она каби яқин маслаҳатчи, кўмакчи деб билади: “Ота-она ва дўстларининг панд-насихатларига

¹ Кошифий. Рисолати Хотамийа. Форс тилида. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди, инв. 4388. 28–бет.

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. 37–боб. 174–175–бетлар.

қулоқ солмай беҳуда йўлларга юрган фарзанд ўзини ўзи расво қилади, ниҳоят фалокат ва ҳалокат дарёсида гарқ бўлади”², – дейди.

9. Воиз Кошифий инсонпарварлигининг яна бир қирраси кишиларни касб-ҳунар, илм-маърифатни эгаллашга чақиришидир.

*Хунар саҳоват эрур андин ўзгаси ҳама ҳеч,
Агарчи ҳар иликинг юз хунар қилур изҳор*³, –

деб жамиятдаги ҳар бир киши маълум бир ҳунарга эга бўлиши кераклигини айтади. Хунар инсоннинг саховати ҳисобланади. Хунарли киши эса хазина эгаси демакдир, – дейди.

10. Шунингдек, Кошифий илмдор кишиларни жамият ҳаётидаги роли катта эканлигини таъкидлаб олимни, устозни эъзозлаш шартлигини айтади:

*Фаромуш қилмагил сан ҳаққи устод,
Ки онингдин дурур илмингга бунёд.
Агар устодингга меҳринг йўқ ўлди,
Дегилким, илмим мани маҳв ўлди.
Кишиким қилди устодига хизмат,
Замоне ўтмади тобти ул иззат*¹.

Воиз Кошифийнинг бу фикрлари автобиографик характерга эгадир. Чунки XV асрда Хусайн Бойқаро то 1497 йилларгача ҳам илм аҳилларига марҳамат кўрсатган бўлсада, кейинчалик устозлар, яъни шоиру фозиллар, олимларнинг яшаш аҳволи мактагудек бўлмаганлигини бу шеърий парчадан билиб олиш кийин эмас. Бундан ташқари, Воиз Кошифий ёшларни устозига хизмат қилишни энг одоблилик намунаси деб баҳолайди. “Устоз отангдан улуғ” деган пурҳикмат гап ўша замондан қолган бўлса ажаб эмас. Чунки, кишилар ўртасида меҳр-окибат кўтарилса ота-бола, ака-ука, бир-бирига душман бўлиб қолади. Мутафаккир устозни ҳар доим эъзозлаш керак, деб насиҳат қилади.

Воиз Кошифийнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари ҳам янада эътиборлидир. У инсонни билим орқали қайта тарбиялаш ақлий қобилиятини ўстириш мумкин деб, инсон хулқини, яхшилашда ижобий ҳислатли қилишда тарбиянинг роли катта эканлигини алоҳида таъкидлайди. У боланинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришда ота-она, мактаб, муаллимларнинг ролига юксак баҳо бе-

² Ўша асар. Ш.Зуннунов таржимаси. 182–бет.

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. 21–боб. 82–бет.

¹ Ўша асар. 37–боб. 167–бет.

ради. “Ахлоқи Муҳсиний” асарида: “Имкони борича (болага) яхши таълим тарбия беришга интилиш лозим – токи у ижобий хусусиятларни ўзлаштирсин ва ярамас хатти-ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин”². Мутафаккир, айниқса, муаллимлар, ота-оналар олдига маъсулиятли вазифалар қўяди. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялашга жиддий ёндошиб, ижобий хислатларни сингдириши кераклигини уқтиради. Чунки, болада ижобий, салбий хислатлар ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Балки теварак-атрофдаги кишиларнинг, оиладаги муҳитнинг таъсирида бола тарбияланиб боришини уқтиради.

Хусайн Воиз Кошифий бола тарбиясида мактаб ва муаллимнинг алоҳида алоҳида роли борлиги ҳақида ҳам ибратли фикрлар баён қилган. Муаллимлар, доно, билимли, ширинсухан, адолатли бўлиши зарур, деб ҳисоблайди. Болага ҳар доим бир муаллим эмас, балки ёш хусусиятига қараб бир неча муаллим сабоқ бериши кераклигини гапиради. Мутафаккир мураббийлар тўғрисида шундай дейди: “Мураббий (болага) насиҳат ва таълим беришда лутф ва одоб қоидаларига риоя қилиши даркор. Жамоатчилик жойларида унга панд бериш ярамайди, балки хилват жойда болага гапириш зарур. Агар (мураббий) насиҳат беришнинг фурсати келганини билса, унга мулойимлик билан мурожаат қилиши лозим, чунки бизнинг замонамизда мулойим ва хушфەъл бўлиш мақсадга мувофиқдир”¹.

Воиз Кошифийнинг XV асрда айтган муаллим ҳақидаги бу доно фикрлари айни кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Юқоридаги фикрлардан Кошифий таълим-тарбияни теран тушунганлиги кўринади.

Хусайн Воиз Кошифий инсонпарварлик ғоясини, таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали амалга оширилади, деган доно фикрни илгари суради. Бу даврда, умуман, Марказий Осиёда инсонпарварлик ғоялари кенг кўламда тарғиб қилинаётган, айрим пайтда, ниҳоятда мураккаб ижтимоий шароит мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги М.Хайруллаев “Уйғониш даври ва шарқ мутафаккирлари” номли монографиясида Хусайн Воиз Кошифий яшаган уйғониш давридаги мафкуравий кураш ҳақида шундай ёзади: “...Бу даврда энг

² Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. 168–бет (форс тилидан Х.Алиқулов таржимаси).

¹ Ўша асар. 144–бет.

муҳим ва асосий муаммо инсон муаммоси, уни диний акидалар сиртмоғидан, диний тасаввурларга кўр-кўрона ишонишдан озод қилиш, эркин фикр юритишнинг кенг йўлига олиб чиқиш муаммоси бўлди. Бир томондан, ўрта аср акидачилиги, диний қоидалар, одатлар, тасаввурлар эътиқодларнинг инсон устидан тўла ҳукмронлигини, Оллохнинг моддий ва маънавий ҳаёт устидан ягона ҳокимлигини сақлаш учун кураш; иккинчи томондан, инсоннинг ҳаётда маълум мавқега, мустақил фикрга, руҳий ва маънавий эркинликка, ўз турмуш, ақл-идроқи, ҳис-туйғуси, реал орзу-умиди, бахт-саодати, мақсади, кўзда тутилган, режаси, иродаси, идеалига эга эканлигини кўрсатиш, исботлаш, намоён этиш ва кураш, уйғониш даври ғоявий ҳаётида асосий, бир-бирини инкор этувчи қарама-қарши тенденцияни ташкил этади. Ғоявий кураш, асосан шу масалалар атрофида уйғунлашади”¹. Лекин Воиз Кошифий инсонпарварлик ғоясини динга боғламади, балки яхшилик орқали амалга оширилишини айтиб ўтди. Умуман, инсонпарварлик барча даврларда ҳам асосий, етакчи йўналиш эди, дейиш мумкин.

Б. Ахлоқ категориялари

Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқнинг асосий тушунчаларини жуда кенг маънода тушуниб, уларнинг аҳамиятини тушунишга яқин келади. Шунинг учун ҳам мутафаккир яхшилик ва ёмонлик, адолат, бурч, виждон, ҳаётнинг маъноси, ор-номус, бахт ҳақида жуда кенг фикр юритади.

Албатта, Воиз Кошифий буларни категория деб атаган эмас, балки юқорида айтганимиздек яхши инсонларда бўлиши шарт бўлган хислатлар, яъни инсоний фазилатлар сифатида қарайди ва уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида изоҳлайди. Бу тушунчаларни бир-бирига боғлашга интилади. У бу ахлоқий тушунчаларни ўзидан олдин яшаб ўтган мутафаккирлардан ўрганган бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга Воиз Кошифий бу тушунчаларни янги фикрлар билан бойитган. Ҳусайн Воиз Кошифий XV асрнинг ахлоқшуноси, илоҳиётчиси – олими, воизи, подшоҳнинг доно маслаҳатчиси ҳисобланган. Негаки, у кўп ахлоққа оид фикрларини ҳаётдан, ўтмиш маданияти ёдгорликлари ҳисобланган муқаддас китоблардан мисоллар келтириб изоҳлайди. Ахлоқ масалалаларини ту-

¹ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. – Т.: Ўзбекистон, 1971. 34-бет.

шунишда кўп ўринларда Воиз Кошифий Куръон, ҳадисларда илгари сурилган ахлоқ қоидалардан унумли фойдаланган. Алишер Навоий Воиз Кошифийдан бу ўринда маслаҳатлар олиб турган. У Алишер Навоийга ўхшаб ижтимоий-сиёсий фикрларни мажозий тасвирларда эмас, балки очиқдан-очиқ доно файласуфлар, подшоҳлар номидан айтаверади. Шунинг учун ҳам Кошифий илғор фикрлари билан ўз даврининг буюк сиймолари Жомий, Мирхонд, Хондамир, Навоий эътиборини қозонган.

1. Яхшилик ва ёмонлик

Бизга маълумки, барча давр, барча халқлар учун бир хил бўлган ахлоқ бўлиши мумкин эмас. У давр, жамият тараққиётига қараб ўзгариб, янги маъно касб эта боради. Худди шундай яхшилик ва ёмонлик тушунчалари ҳам ўзгариб боради. Бир пайтлар яхшилик маъносини билдирган ҳодиса вақт ўтиши билан ёмонликка айланиши ёки тескариси бўлиши ҳам мумкин. Олимлар айтганларидек, инсон тафаккурининг бошқа соҳаларида бўлгани каби ахлоқ ҳам, умуман ва бутунлай прогресс содир бўлиб туради. Натижада, яхшилик ва ёмонлик ҳар бир жамиятда ўзига хос характер касб этади.

Яхшилик – инсоний идеалга мос келадиган хатти-ҳаракатлар йиғиндисиدير, яъни инсоний қадр-қиммат, одамгарчилик, бирдамлик каби хислатларни ўзида акс эттиради. Воиз Кошифийдан олдин яшаб ўтган мутафаккирларнинг яхшилик ҳақидаги фикрлари билан танишиб чиқсак, уларни, маъно жиҳатидан аксарияти бир-бирига яқин эканлигини кўраимиз.

Улуғ мутафаккир Форобий “Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар” асарида яхшилик ва ёмонлик ҳақида шундай дейди: “У айтди: инсонга унинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишга халакит берувчи кучлари, қобилиятлари ва ўрганган ихтиёрлий ҳаракатлари инсон ёмонлигидир ва аксинча, инсонга унинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишига ёрдам берувчи кучлари, қобилиятлари ва ўрганган ҳаракатлари инсон яхшилигидир. Ёмонлик ва яхшиликнинг фарқи шу билан белгиланади. Бу таъриф Арастунинг “Риторика” асарида айтилган таърифга тўғри келади”¹.

¹ Хайруллаев М. Форобий. - Т., 1963. 210-бет.

Профессор Й.Жумабоев “Марказий Осиё этикаси тарихи очерклари” монографиясида “Алишер Навоийнинг этик концепцияси” тўғрисида гапириб, яхшилик ва ёмонлик масаласида мутафаккирнинг қарашлари ҳақида шундай дейди: “Навоий яхшиликни ўзича мавжуд бўлган бир нарса деб эмас, балки олижаноб ишнинг, ахлокий ҳаракатнинг натижаси деб тушунади, яхшилик фақат ҳаётда ва ҳаёт воситаси билан кечиши мумкин; ёмонликнинг намоён бўлишидаги тафовутларнинг сарчашмалари ҳам ана шундан бошланади... Навоийнинг айтишича, нимаки яхшиликка ва бахт-саодатга зид бўлса, шуларнинг ҳаммаси ёмонликдир”². Биз юқорида икки даврда яшаган мутафаккирларнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги фикрлари билан танишдик. Бундан кўринадики, ҳар икки фикр ҳам бир-бирига маънодош.

Хусайн Воиз Кошифий яхшилик ва ёмонликни қандай тушунган?

Воиз Кошифий “Ахлоқи Муҳсиний” асарининг уч бобини ахлоқдаги “**Яхшилик**” тушунчасини тушунтиришга бағишлаган. Йигирманчи боб “Ҳайрат ва яхши ишлар баёнида”, ўттиз саккизинчи боб – “Яхши бирла суҳбат тутмоқ баёнида”, қирқинчи боб “Тобелар ва хизматкорлар тарбияти баёнида”. Ёмонликка эса ўттиз тўққизинчи “Ёмон кишиларни йўқ этмак баёнида” бобини бағишлаган. Бу дегани қолган бобларида яхшилик ва ёмонлик ҳақида гап йўқ дегани эмас. Барча қолган бобларда ҳам бу масалага ўрни келганда муносабат билдириб ўтган.

Воиз Кошифий яхшиликни ўтмишдош ва замондошларига нисбатан ҳам кенгроқ тушунади. “Ахлоқи Муҳсиний” асарининг кириш қисмида гапни тўғридан-тўғри яхшиликдан эмас, балки яхши хулқдан бошлайди. Яхши хулқ мамлакатни тузи – яъни мазмунини белгиловчи нарсадир. Чунки ҳар бир таом тузсиз бемаза бўлгани каби ахлоқсиз, жамият ахлоқсизлик асосида ўтаётган умр ҳам мазмунсиздир. Мутафаккир яхшиликни, жамият, халқ учун қилинган иш билан баҳоланади, – дейди. Инсон ҳаёти равон дарёдек ўтиб кетаверади. Гап уни фойдали, мазмунли, яхши ишларга сирф қилишидадир. Инсон дунёда учта яхшилик қилиши шарт. **Биринчи** одамлар учун уй, кўприк, йўл қуриши, **иккинчи** мевали

² Жумабоев Й. Марказий Осиё этикаси тарихи очерклари. - Т.: Ўзбекистон, 1980. 197-198-бетлар.

дарахт ўтказиши, **учинчи** фарзанд қолдириши керак. Чунки булар оламда собит қолур, – дейди Воиз Кошифий.

*Чунки қолмас бу жаҳонда барқарор,
Яхши иш қилгилки, қолгай ёдгор*¹, –

деб кишиларни яхшилик қилишга чорлайди. Яхшилик бу мамлакат ҳуснига зийнат, давлатга қувватдир, деган хулоса чиқаради. Яхшилик қилишнинг аҳамияти ҳақида кўплаб мисоллар келтириб, фикрини тўлдиради.

Ҳусайн Воиз Кошифий яхшилик – фақат яхши инсонлардагина бўлади деган, замондошларига нисбатан илғор фикрни илғари суради. Бу хислат жамиятдаги айрим, алоҳида одамлардагина эмас, барча кишиларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Мутафаккир ўттиз саккизинчи “Яхшилар билан суҳбат тутмоқ баёнида” бобида шундай ёзади: Яхшилар бирла ҳам суҳбат ва донолар бирла ҳамнишин бўлмоқ саодат абадий кимёси ва давлат саромади раҳнамосидур”, яъни яхши (инсон)лар ва донолар билан ҳамсуҳбат бўлмоқ абадий бахтлилик ҳамда давлат раҳнамоси эътиборига мушарраф бўлмоқдур, – дейди.

*“Яхшиларнинг зиёлигига ўзунгни ол,
Покларнинг меҳрини кўнглунгга сол.
Ҳар сифатким, яхши ул кишини қилур,
Яхшиларнинг суҳбатидин то билур”*¹.

Кошифий яхшиликни осмондан, йўқ жойдан изламайди. Балки у инсонда тарбия, билим, турмуш тажрибалари орқали яхшилик таркиб топади, – деб тушунади. Бировнинг барра қабобига кўз тикма, ўзунгнинг нон ва пиёзингга каноат қил, ўз нонинг ва дастурхонингни қўйиб, фалакка кўз тикма, осмондаги қуёшдан кўра, ердаги бир зарра сенга яхшидир². Мутафаккирнинг бу фикри дин ҳукмрон мафкурага айланган XV асрда, айниқса, прогрессив роль ўйнайди.

“Яхшиликнинг мутлоқлиги бу ахлоқдаги шундай умуминсоний томонларки, улар ахлоқий тараққиёт давомида кейинги даврларга мерос бўлиб ўтиб, замонларнинг алоқасини таъминлайди”³ – деган эди ахлоқшунос олим Л.Архангельский. Ҳақиқатан ҳам яхшилик

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний, 20–боб. 77–бет.

¹ Ўша асар. 38–боб. 176–бет.

² Кошифий. Рисолати Хотамийа. Форс тилида. ЎзССР ФА ШИ кулёзмалар фонди. Инв. № 4388. 50–бет.

³ Архангельский Л. Курс лекций по марксистско-ленинской этике. М., 1974. стр. 186.

фазилатлари жамият тараққиётига қараб мукаммаллашиб боради. Демак, Кошифийнинг фикрича яхшилик бу – жамият, халқ учун ишлаш, иморатлар қуриш, яхшилик – бу ҳалоллик, меҳнатсеварлик, одамларга фойдаси тегиш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш, жамият тараққиётига ҳисса қўшишдир.

Кошифий бутун ер юзида яхшилик ғалаба қилган эмас, – дейди. У яхшиликни барқарор қилиш учун эса ёмонликни йўқотиш керак, – деб маслаҳат беради. Мутафаккир “Ахлоқи Муҳсиний”-нинг ўттиз тўққизинчи бобини “Ёмон кишиларни йўқ этмак баёнида” деб номлайди. Унинг фикрича, яхши (инсонлар) суҳбатини эшитиш мажбурийдир ва ёмонлар билан алоқа қилмаслик янада мажбурийдир. Чунки инсонга ҳар бир суҳбат ўз таъсирини ўтказади. Яхши билан яқин бўлса, бахтиёрликка эришади, ёмонлар билан яқин бўлган киши надоматга қолади.

Кошифий ёмонликни икки қисмга бўлади. 1. Вожибул дафъим, уларни вилоятдин дафъ қилмоқ керак. 2. Вожибул манъиким¹, уларни суҳбатидин манъ қилмоқ керак, аммо уларни нафълари бордур. Булар мутафаккирнинг фикрича, дўздар (ўғрилар) ва қароқчилардир. Улар халққа ва мамлакатга зиён етказишади. Йўлда юрувчиларни, қаровонларни алоқачиларни шаҳарлар ўртасида қатновчиларни талайдик, шунинг учун ҳам булардан халқ нафратланади. Кошифий ёмонларни яна учга бўлади: фосиқлар (ёмон ишлар қилувчи, ёмон йўлга кирувчи), бадкирдорлар (ёмон табиатли, ёмон киликли), фасодлар (бузуклик, бузукчилик) буларни ҳар доим “хору забун” тутиш керак, – дейди. Кошифий ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган барча ёмонликларни йўқотиш тарафдори. У ёмонликни йўқотиш йўл-йўриқларини ҳам кўрсатиб бера олди. Инсонлар олдига бу ёмонликларни йўқотиш шартини қўйди. Хусайн Воиз Кошифий халққа бахтсизлик ва давлатга зарар келтирувчи кишиларни етти тоифага ажратади:

1. Дилозорлар.

2. Ножоиш ва номуносиб фазилатлар билан таниқли кишилар: яъни ҳасад қилувчи, бахиллар ва мумсик (хасис)лар.

3. Дун ҳиммат (1. Дун – наст; 2. Разил, нокас, ҳимматсиз, тасткаш, ҳасис), яъни насткаш ва разил кишилар.

4. Тухматчилар, зийбатчилар.

5. Хоин ва сотқинлар.

¹ Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. 39–боб. 180–бет.

6. Ёлгончи ва ахмоқлар.

7. Туло сўзлук (*сергаплик*), *паришонгўйлар*, яъни *лақмалар*².

Кошифий ёмонликни яна хунрезлар (қон тўкувчи, раҳмсиз), фитнаангезлар (фитна қўзговчи, ғовға солувчилар), хункор (қонхўр), айёрпеша (айёрликни хунар қилиб олганлар), мавсуф (мақтанчоқ) қабих сийрат (ёмон хулқли) кабиларни дилозорлар, деб атайди. Буларни Кошифий бадфеъл, яъни вожиб ул-манъса деб шундай маслаҳат беради. “Бадфеъл элни вилоятдин йўқ этмак хубдур. Ҳар дарахтким ёмондур кесмаги марғубдур”¹, – деб буларни давлат аҳлига бисёр зиёни бор эҳтиёт бўлиш керак, – дейди. Булардан ташқари, мутафаккир суҳанчилар – сўз элгувчилар ҳақида маълумот бериб, подшони олти насиҳатга амал қилишни вожиб деб айтади. 1. Уни (суҳанчиларни) ростгўй деб билмагайсан. Чунки буларни худо бадбахт фосиқ деган. 2. Уни сўз элтишдан ман қиласан. Негаки, бу ёмон ишдир, ёмон ишни манъ қилиш эса мажбурийдир. 3. Уларни, суҳанчиларни душман деб биласан. Негаки, улар дўстлар ўртасига совуқчилик тушуриб бир–бирини душманга айлантиради. 4. Суҳанчиларнинг сўзидан баъзи кишиларни гумон қиласан, бу эса сени гуноҳга элтади. 5. Уларнинг сўзини хушламайсан. 6. Уларни айтганига қулоқ солмайсан ва амал қилмайсан.

Суҳанчинга қошингда бермагил жой,

Ки бир дамда қилур юз фитна барпой², –

деб сўз элгувчиларни давлатга, жамиятга зарар етказувчи, кишиларга озор берувчилар деб улардан эҳтиёт бўлиш кераклигини таъкидлайди. Бу фикрини исботлаш учун эса бир ҳикоят келтиради. Бир Хожа суҳанчин қул сотиб олади. Қулнинг эгаси буни бир айби бор суҳанчиндир, – дейди. Лекин Хожа парво қилмайди. Бир куни қул Хожанинг хотинига айтадики: Хожайиним сени дўст тутмайди, у сенга жавоб бериб, бошқа хотин олишни хоҳлайди, – дейди. Хотин қайғу ичида қолади. Бундан фойдаланган қул-суҳанчин айтадики, Хожам муҳаббатини сенга зиёда бўлишини хоҳлайсанми? – Албатта-да. Мен бир тилсим-афсунни биламан. Сен менга Хожанинг соқоли остидан икки тук кесиб келтурсанг афсун ўқиб берман, кейин Хожа сен билан яна роҳатда яшайди, – дейди. Хожанинг хотини бу ишни бугуноқ бажараман, – дейди. Суҳанчин

² Ўша асар. 39–боб. 180–196–бетлар.

¹ Ўша асар. 39–боб. 184–бет.

² Ўша асар. 39–боб. 185–бет.

Хожага – нон-туз ҳурмати бир хабарни сизга айтмасам бўлмас. – Хотунинг бир дўст топибди, унинг касдида сени ўлдирмоқчи. Агар гапимга ишонмасанг синаб кўр, – дейди. Хожа уйга кириб ўзини ухлаганга солиб ётади. Хожани ухлади деб ўйлаган хотини устара олиб келиб соқолидан олмоқчи бўлади. Шу пайт Хожа кўзини очса, хотинининг кўлида устара. Хожа хотини кўлидан устарани тортиб олади ва унинг бошини кесади. Бу хабарни эшитган хотинининг қариндошлари касос ўтида Хожани уриб ўлдирадилар. Суханчининг шумлиги оқибатида бир оила хонавайрон бўлади. Кошифий бу ҳикоясини бир қитъа билан якунлайди:

*Халойиқ аро жанг чун, ўт турур,
Суханчин ул ўтга ўтин еткурур.
Ўтинг ойу йил банду зиндон аро,
Вале сўз тошиманг анингдин мунго¹.*

Демак, сўз ташиш кишиларни бир-бирига душман қилиб қўйиш ёмонликдир. Воиз Кошифий кишиларни ойналаб-ёйллаб зиндонда азоб чексангиз ҳам суханчин бўлманг деб насиҳат қилади.

Мутафаккир ёмонликнинг яна бири ғаммозлар, яъни чақимчилардир, улар кишилар аҳволини ошкор қилувчилардир, – дейди.

*Бўлгуси ғаммоздин олам хароб,
Ўтгай андин барча элга печу тоб.
Шумлигидин сарнигун ўлгай жаҳон,
Чунки бадсийрат дурур нопок жон.
Ғар киши ғаммозликдин урса дам,
Қудратинг етса тилин қилгил қалам¹.*

Буларни юзини кўрмаслик, сўзини эшитмаслик керак. Ғаммоз ҳалол одам эмас. Лекин уларни тарбиялаш мумкин, – дейди ва бир ҳикоят келтиради. Подшоҳ бир кишини тарбиялаш иши билан машғул бўлди. Агар сен ишим унсин, мартабам соат, кун сайин орғиб борсин десанг, уч ишни қилмайсан, – деб насиҳат қилади. 1. Ҳеч қачон ёлгон гапирмайсан шунда хору ўлчовсиз бўлмайсан. Кимки ёлгончидир у халқ олдида забун нотавондир. 2. Мен олдимда ўпимни ситойиш–мақтамайсан. Мен ўз аҳволимни сандан яхшироқ биламан. 3. Саъйгирлик қилмагил ва ғаммозликдин узоқ бўлиб оддий халқни менга ёмонламагин. Мен сенинг фикрингни эшитиб халққа

¹ Ушш асар. 39–боб. 186–бет.

¹ Ушш асар. 39–боб. 187–бет.

зулм қилсам, улар норизо бўлиб бошқа подшо истаб қоладилар², – дейди подшоҳ.

Ҳусайн Воиз Кошифий бу ҳикоятда подшони одил мулоҳазали, тарбия иши билан шуғулланувчи инсон қиёфасида тасвирлайди. Шу билан бирга у ёмонликни уч хил турини ҳам қоралайди. Агар биз XV асрдаги Ҳусайн Бойқаро саройидаги ҳаётни кўз олдимизга келтирсак, Кошифийнинг бу фикрлари фақат орзу эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Негаки, Ҳусайн Бойқаро мақтовни яхши кўрадиган, чақимчиларни, сўз етказувчиларнинг гапига ишонадиган, халққа зулм қиладиган инсон эди. Кошифийнинг олға сурган фикрлари эса ўзи яшаган даврга нисбатан исёни эди. Кошифий давлатни, халқни бу ёмон, ман қилинган хислатлардан вориф қилишга ҳаракат қилади. У соҳибғаразлик (ёмон ниятлилик), ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, бахил, мумсик, дунҳиммат (паст, нопок, разил), сифла (пасткаш, хасис), ғийбатчи, ёлғончи, лақмаларни ҳам ёмонликка киритади. Бу сифатларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида таъриф беради, мисоллар, ҳикоятлар келтиради. Бу ҳикоятлар эса подшолар тилидан баён қилинади. Кошифий барча кишиларга қарата: *Сен чақимчи бўлмагил, эй беҳабар, беғуноҳлар оҳидан қилгил ҳазар*, – деб нола қилади¹.

Соҳибғаразлик ҳақида: мутафаккир бундай кишиларни ўзингга яқин йўлатма, чунки, улар бемаъни нарсаларни даво қилиб сени алдаб кетадилар. Кўринишидан дўстга ўхшасада аслида душман-дур, деб байт келтиради:

*Бўлмагил соҳиб ғаразга ошно,
Оқибат жонингга еткургай жафо.
Иш анга ҳар лаҳза макру панд эрур,
Зоҳири дўсту ичи душман эрур².*

Мутафаккирнинг бу доно маслаҳатларига амал қилган инсон ҳаётда алданмайди, хор бўлмайди.

Ғаразгўйлар ҳақида: Улар ёмонликни яхшилик деб кўрсатсалар, яхшиликни ёмонлик қилиб кўрсатадилар. Бундай кишилар сўзига кириб ишга киришмаслик керак. Уларнинг сўзларига берилмаслик керак.

*Очса оғзин ғараз гавҳар замон,
Дегусидур яхши ишларни ёмон.*

² Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. 39–боб. 186–188–бетлар.

¹ Ўша асар. 187–бет.

² Ўша асар. 39–боб. 188–бет.

*Қилмагил онинг сўзига эътимод,
То ҳақиқат пардадин бўлмай кушод³.*

Ғаразгўйлик баъзи инсонларда мавжуд бўлган энг ёмон хислатдир. Кишилар улардан қочади. Уларнинг гапини рост, тўғри деб билмаслик керак, – дейди Кошифий.

Ҳасадчилар ҳақида: (бошқаларнинг устунлигини кўролмаслик туйғуси, гайирлик баҳиллик) Бу хислатни ҳеч қандай тайёқ билан уриб бўлса ҳам йўқотиш иложини қилиб бўлмас. Бу дард шифо топмасдир.

*Ҳалойиқга ҳасад ўтдурким, анинг бирла жон куйгай,
Не жонким, ҳосид элни шарридин барча жаҳон куйгай.*

Ҳасадни фосиқлик пайдо қилади. Бу халққа жуда зарар етказадиган ёмонликдир. Ҳасад инсонни, ўт–ўтинни куйдургандек куйдиради. Ҳасад асли пастҳимматлик, ичиқоралик, яъни табъ ҳасисликдан вужудга келган жаҳолат натижасидир. У акли калталикининг далили, меваси, – деб баҳо беради, Ҳусайн Воиз Кошифий.

*Ҳасад олам аро ҳосидга басдур,
Ки доим гусса бирла ҳамнафасдур.
Кишини гарчи ўт ёндурғусидур,
Вале ул ўтга ўзни урғусидур.*

Ҳасадгўйлик – одамнинг юзини қора қилувчи ёмон хислатдир. Шунинг учун мутафаккир бундай кишиларни қоралайди. Бу тўғрида Кошифий бир ҳикоят келтиради. Искандар замонида бир жонивор пайдо бўлибди. Унга нима рўпарў келса ҳалок бўларкан. Искандар олимларни йиғиб чора топишни буюрибди. Лекин ҳеч қандай чора топишга олишмабди. Охири Арасту унга чора топибди. Унинг буйруғига кўра ойна ясадилар. Ойнанинг орқасига бир одам яшириниб турди. У ҳайвон одамнинг исини олиб у ойна томонга юрди ва ойнада ўз аксини кўриб йиқилди ва ўлди. Бу ҳолдан Искандар таажжубга тушиб сабабини сўради.

Эй малик, бу жонивор неча йил ер остида банд бўлган бадбўй назоратдин қудрати илоҳий махлук бўлиб эрди ва ҳоло ер юзига чиқди ва ани кўзида заҳри қотил бор эрдик, назари ҳар кишига тушса филхол ул киши ўлар эрди ва ман анинг олдига ойна олиб бордим акси ондо пайдо бўлди, назари тушди ва ул назар бу акс носитаси бирла ўзига ёнди ва ўз назари асари ўзига сироят қилиб ҳалок бўлди.

³ Ўша асар. 186–бет (Кейинги келтирилган парчалар ҳам ўша асардан олинган).

Ҳикоятдан Хусайн Воиз Кошифий шундай хулоса чиқаради. Ҳасад ўти шундай ёмонки, у куйдиргали ҳеч нарса топа олмаса ўзини-ўзи куйдиради. Бундай кишилар подшоҳлар хизматига сазовор эмас, – дейди.

Ҳасад, бошқаларнинг роҳатини кўра олмаслик ҳамма сифатларнинг пастроғидир. Ҳасад ҳиммат пастлиги ва кўнгил хасислигидан ҳосил бўлади. Булар эса жаҳолат натижаларидир. Ҳасадчи ўз ҳасади таъсиридан бир кун ўзи ҳалоқат чуқурига йиқилади, – деган хулоса чиқаради Воиз Кошифий.

Бахиллар ва мумсиқлар ҳақида: (бировга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган, кизганчиқ, хасис, нокас) Бахиллик оддий меҳнаткаш халқнинг душмани ҳисобланади, чунки у саховатлиликни кўра олмайди. Балки саховатни йўққа чиқаради:

*Мард кўшиши қилиб ҳунар тобқой,
Лек бахили ани юзин ётқой.
Чўстроқ сан лаимлардин қоч,
Қарам аҳли сори йўлингни оч.*

Бахиллик ва хасислик, очкўзлик инсонга ётдир деб кишиларни бу одатлардан йироқ бўлишга чақиради. Подшоҳ бундайларни ҳеч қачон ўзларига мулозим тутмаслиги керак, деб насиҳат қилади.

Дунҳиммат ва сифлалар, яъни пасткаш ва нокаслар ҳақида: Пасткаш ва разиллар бахил ва хасисликдан ўн чондон ёмонроқдир. Чунки бахил кишидан бирон киши баҳра элтмас, аммо мол-дунёсидан ўзи наф кўрар, ҳасис ўзи ҳам эмас бировга ҳам бермас. Сифла, нокас – шундайки, у кўлидаги нонини бировга бермас, ўзи эмас ва яна кишини кишига олижаноблик, эҳсон қилишга ҳам йўл қўймайди. У бировни бошқа бировга саховат қилишига ҳам йўл бермайди.

*Сифла еткурмас кишини комига,
Ҳас юрутмайдур чибинни жомига.
Икки оламда қаро юз сифладур,
Они кўрсанг қора туфроқ бирла ур.*

Хусайн Воиз Кошифий пасткашликни, нокасликни қоралайди. Бундай кишиларни юзи қоралар, деб атайди. Юзи қоралик жуда ёмон ном. Устозлар қадимдан бошлаб ҳозир ҳам юзи қора бўлма, деб насиҳат қилишади. Юзи қора одам жамиятдаги энг ёмон одам ҳисобланади. Хусайн Воиз Кошифий бу фикрлари билан янада илғор дунёқарашга эга эканлигини намоён қилади. Кўп мутафак-

кирлар ёмонликни фақат санаб кўрсатар эдилар. Мутафаккир эса уларнинг белгиларини ҳам кўрсатиб беради.

Гийбатчилар ҳақида: (ғийбат қилувчи) Олим бундай кишиларни ёмон жамоа деб атайди. У бўлиб ўтган воқеаларни ростдир, ёлғондир ёки бўхтондир гапирмаслик керак, – дейди. Гийбатчилик энг ёмон хислат деб бир неча хабар, хикоят келтиради. Хабарда айтилишича, ғийбатчининг иши зино ишидан қаттиқроқдир, азоблироқдир. Қуръонда келтирилишича, “ғийбат қилувчилар – мурдор сгувчи қуртлардир ва ҳар кишидаки одамийлик бўйи бордур мурдор гўштин пархез қилур”, – деб шундай маслаҳат беради:

*Қилма зинҳор кишини сан гийбат,
Тутма гийбатчилар билан суҳбат.*

Гийбатчи, бўхтончининг гапини эшитувчи киши – гап айтгувчи билан баробардир, – дейди.

*То иложинг бор эса, қилма кишини гийбат,
Чунки, гийбатчи эрур, эл кўзида беиззат.
Гар киши айласа гийбат, сан анга солма қулоқ,
То гуноҳига анинг, қилма ўзингни ўртоқ.*

Гийбатчидан ақлли-хушли одам ўзини олиб кочиши керак, чунки унга шерик бўлган, яъни ғийбат гапини эшитган одам халк ўртасида обрўсиз бўлиб қолади.

Ҳақ ношинослар (ҳақиқатни тан олмайдиганлар, қадрламовчи, бировнинг яхшилигини билмовчи, ношукур кишилар) ҳақида: Мавжуд неъматларнинг кадрини билмовчи эл назарида барча ёмонликларни ҳам номақбули кўнгиллардан узоқ кишилардир. Уларни ҳеч қачон бахтлари мукамал, давлатлари пойдор бўлган эмас.

*Улки, нону намак ҳаққин унутур,
Оқибат бошу гардага ушатур.
Вале неъматга, гар ёмондурсан,
Йиқилурсан, гар осмондурсан.
Тобқойсан бахт, ҳақиунос ўлсанг,
Бўлгайсан хор, носепос ўлсанг.*

Мутафаккир нонкўр кишиларни тил тиғи билан сазойи қилиш, яъни айбларини юзига солиб уялтириш керак, – деб маслаҳат беради.

Ёлғончилик ҳақида: (ёлгон, қалбаки) Мутафаккир ёлғончи кишининг сўзи таъсирсиз, аммо ўзи эса подшоҳлар олдида обрўсиз бўлади, – деб қитъа келтиради:

*То иложинг бордур ёндурма ёлгондин чароғ,
Сўнгра ҳаргиз қилмагай обрўйунгдин сўроқ.
Чунки ёлгонни чироғи ичра ҳеч йўқтур ёғ,
Ҳар замоники агар ёлгондин урдунг бир нафас.*

Ёлгончилик жамиятдаги энг ёмон иллатдан биридир. Ақлли киши ҳеч қачон бу иш билан шуғулланмайди. Ёлгончидан ҳамма жирканади, гапига ҳеч ким ишонмайди. У кишилар наздидан қолади. Ҳеч қачон ёлгончилик қилмаслик керак, деган хулоса чиқаради. Шу билан бирга у ёлгончиликни ёмон хислатларини бошловчиси деб билади. Бирон марта ёлгон гапирган киши кейин бемалол ёлгончилик қила олади, – дейди Воиз Кошифий. У ёлгон хиёнатнинг онаси деб хулоса чиқаради.

Тўло сўзлук¹ ва паришонгўйлар, яъни лақмалар ҳақида: Ҳусайн Кошифий бундай кишиларни ҳеч бир сўзида кадр-қиммати йўқ, оғзидан нима чиқаётганини билмайдиган кишилардир, деб баҳолади. Улар эътиборсиз сўз сўзловчилардир. Бу кишилар жунунга, шерга, иттифоқчи саналади. Ҳамма уларни девона деб атайдилар, – дейди. Кўп гапирувчи йўлда сўзлаб юрувчи кишилардан халқ безор, – деб кўп сўзламаслик тўғрисида насиҳат қилади. “Ҳар вақтики сўзлар айтурсизлар яхши сўздин бўлакни айтмонгизлар ва кўп сўзламак кўнгилни қаро қилур, хор айлар” деб шундай хулоса чиқаради:

*Мумкин эрса яхши сўз қил ошкор,
Яхши сўздин хуб йўқдур ёдгор.*

Бу фикрдан Ҳусайн Воиз Кошифий нафақат ахлоқшунос, балки, адабиётшунос, тилшунос эканлигини ҳам кўришимиз мумкин. Лекин олим қайси мавзудан гапирмасин у ахлоқ нуқтаи назардан келиб чиқиб фикр билдиради.

Кўп гапирмаслик, сўзни менсимаслик, қолаверса фақат яхши гапни айтиб ёдгорлик қолдириш кераклигини кўп бор таъкидлайди.

Агар яхшилик билан ёмонлик аралаштириб юборилса, ҳар қандай ахлоқ йўқолади ва ҳар кимнинг юриш туриши ва қилмиши ўз истаганича бўлади, – деган эди мутафаккирлар. Ҳақиқатан ҳам бу икки тушунча кутбий характерга эгадир. Инсон ҳаётининг барча ижобий томонлари яхшилик ҳисобланса, ижтимоий-тараққиёт, инсоний кадр-қимматларнинг ўсишига тўсқинлик қиладиган ва юкорида кўриб ўтган барча хатти-ҳаракатлар эса ёмонликка киради. Ҳусайн Воиз Кошифий кўп ҳолларда бу ёмонликнинг йўқотиш йўллари ҳақида ҳам гапириб ўтади. Ёмонликка – яхшиликни қарши

кўяди. Албатта, Кошифий яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги қарама-қаршиликни ўз даври анъаналарига биноан мутлак, яъни кутбий қарама-қаршилик деб билади, улар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг нисбий, диалектик характерини илғамайди.

Ҳусайн Воиз Кошифий яхшилик, ҳам ёмонлик, ҳам инсонни ўзига, теварак-атрофидаги одамларга боғлиқ деб тўғри хулоса чиқаради. Яхшиликни таркиб топтириш билимга боғлиқдир. Ёмонликни йўқотиш эса кўп ҳолларда подшога боғлиқ, – деган хулосага келади. Мутафаккирнинг ўз замондошларидан фарқи шундаки, у ёмонликнинг белгиларини аниқ кўрсатиб, йўқотиш йўллари кўрсатиб беради. Бу олимнинг XV асрда яшаган бошқа мутафаккирларга нисбатан дунёқараши кенг, ахлоқшунос эканлигини кўрсатади.

А до л а т

“Адолат”нинг луғавий маъноси шуки, у ахлоқни ҳосил қиладиган энг муҳим алоқа ва муносабатлар йиғиндиси бўлиб, тенгликнинг тўғри, ҳақиқий ва тақдирлашнинг зарурий ўлчовидир. Бошқача қилиб айтганда, у тақдирлаш ва талаб қилишнинг маълум ўлчовидир. Адолат категориясининг бошқалардан фарқи шундаки, у жамиятдаги мавжуд ахлоқий муносабатларни назорат қилиб туради. Шунинг учун ҳам у баҳоловчи ахлоқий категория ҳисобланади. Биз унинг ёрдамида одамларнинг фаолиятига баҳо берамиз.

Адолатни ҳуқуқий-сиёсий маъноси ҳам мавжуд. Адолат – ижтимоий ва ахлоқий зулмга қарши курашда ҳосил бўладиган талабларни: шахсий дахлсизлик, инсоний қадр-қимматни ҳимоя қилади ёки кўриклайди.

Адолат ҳуқуқнинг энг абстракт ифодасидир. Адолат ҳуқуқдан анча олдин пайдо бўлган. Бу пайтда адолат фақат шахсни ахлоқий жиҳатдан кўрсатар эди. Кейинчалик давлат пайдо бўлганидан кейин унинг ҳуқуқий маъноси пайдо бўлди. Адолат ҳуқуқи муносабатлар соҳасида катта аҳамият касб этади. У жамиятдаги ҳар бир ижтимоий-сиёсий воқеаларга ўз мезонидан келиб чиқиб баҳо бериши.

Адолатга манбаларда қандай баҳо берилган?

“Навоний асарлари луғатида” адл (адолат – Р.М.)га шундай таъриф берилади: 1. Қадр-қимматда бир-бири билан баробар бўлган икки нарса ёки икки одамнинг ҳар бири; 2. Туя устида икки каж-

вада ўтирган икки одамнинг ҳар бири; 3. Монанд, ўхшаш, тенг. Адл-адолат, тўғрилиқ, инсоф. Адлу-дод – адолат-инсоф”¹. Одил – адолатли, инсофли², деб кўрсатилган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: Адл – адолат, одиллик, ҳаққоний иш тутмоқ. Адолат – адилона ва холисона иш тутиш, ҳаққонийлик, ҳаққоният, одиллик³, – деб адолатга атрофлича баҳо берилган.

Илмий адабиётларда адолатга ҳар хил таъриф берилади. “Фалсафа. Қосусий луғат”да адолатга шундай таъриф берилади: “Адолат инсон моҳияти ва унинг даҳлсиз ҳуқуқларини муайян даражадан тушунишга мувофиқ келадиган бурч тўғрисидаги тушунчадир. Адолат – ахлоқий ҳуқуқий шунингдек, социал-сиёсий онг категориясидир, чунки у бурчлилик нуқтаи назаридан саклаб қолиниши ёки ўзгартирилиши лозим бўлган ижтимоий воқеликни баҳолайди”⁴. Аммо “Катта Совет энциклопедиясида эса: “Адолат ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча деб қаралади”⁵. Машҳур луғатшунос олим В.Далнинг луғатида: Адолатли – тўғри, қонуний, ростан виждонан, ҳаққоний, қилинган иш”, – деб таърифланган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, адолатнинг, маъноси жуда кенг. У ҳақиқатга элтувчи йўл, у баҳо берувчи категориядир.

Адолат ҳар доим ҳам ғалаба қилаверган эмас. Айниқса, шахсга сиғиниш, турғунлик йилларида жуда кўп адолатсизликлар бўлди. Қисқа вақт ичида имломиз уч марта ўзгарди. Ота-боболаримиз яратиб кетган маънавий мулкларимиз бўлган қимматли китоблар араб имлосида битилгани учун ваҳшиёна ёндирилди. Миллий урф-одатларимиз, кадриятларимизни йўқотишга ҳаракат қилинди. Буюк мутафаккирларнинг асарлари чўлтоқ қилиб, маълум “қолип”га солиниб нашр қилинди. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси бир сўз билан айтганда адолатсизлик эди. Адолат узоқ йиллар топталиб келинди.

Хўш, ўтмишда адолат тушунчаси қандай тушунилган эди?

Ўтмишда Форобий, Ибн Сино ва бошқа мутафаккирлар адолатни, яхшилиқни амалга оширишидаги восита деб ҳам тушунганлар. XV асрда адолатсизлик ҳукм сураётган бир пайтда Хусайн

¹ Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчи П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. 30-бет.

² Ўша асар. 478-бет.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-томлик. 1-жилд. – М., 1981. 27-бет.

⁴ Философская энциклопедия. – М., 1970. 5-том. 119-стр.

⁵ Катта Совет энциклопедияси. – М., 1957. 40-жилд. 339-бет.

Воиз Кошифий адолатни кандай тушунди? Кошифий дунёқарашида бу муаммо қайси шаклда ҳал этилди?

Хусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи Мухсиний” асарининг ўн бешинчи бобини “Адолат баёнида” деб атади. Чунки ўша давр олим ва шоирлари адолат масаласига катта қизиқиш билан қараганлар. Улар адолатни фақат ахлоқий тушунча деб эмас, балки ҳуқуқий ва социал¹–сиёсий мазмунга ҳам эга деб тушунганлар.

Мутафаккир ҳам адолатни инсоний фазилат, зийнат деб билади. “Адолатнинг маъноси раият ҳақида баробарлик кўзламоқ бўлурким то раоё йўл тобмағай адл айбидурким мулкка оройиш берур ва шуойидурким анинг нури бирла қоронғулик ёрур ва ҳақ субҳонаҳу таоло бандаларини адл сифатига буюрур”², яъни адолатнинг маъноси шуки, у халқни тенгликда кўришдан иборатдир. Натижада адолат нури ёруғида бутун қоронғулик ёритилиб, инсонлар ниятларига етишади, – дейди. У адолатни инсоннинг энг яхши хислати, адолатсизлик эса энг ярамас ва разил одамлардаги хислат, – деб баҳолайди. Кошифий дунёқарашининг илгор томони шундаки, у адолатни инсон ақли-қобилияти билан боғлайди. Адолат – бу инсонларни бир-бирига яхшилик кўрсатишларидир. Адолатнинг фойдасидан барча баробар баҳра олади. Дин–диёнатнинг тараққиёти ва ривожланиши ҳам бу адолатдандир, – деган мутафаккир уни, социал иллатни бартараф этишдаги аҳамиятини тўғри тушунади. Адолатни ёмонликка, яъни адолатсизликка қарши қўяди.

“Адл (адолат) натижаси мулк бошқа-ю мамлакат васиғ ва жазона маъмур кентлар-у шаҳарлар обод бўлмоқдир. Ва зулм самараси мамлакат завол топмоғи эрур”, – деб Хусайн Воиз Кошифий уни одиллик, тўғрилиқдир, – дейди. Чунки Хусайн Воиз Кошифий айтганидек, адолат, мавжуд бўлса ҳамма яхши яшайди, норозилик бўлмайди, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлади. Мамлакатда зулм мавжуд экан, демак, бу ерда адолатсизлик ҳукмрондир. Адолатнинг таркиб топиши мавжуд ижтимоий тузумга боғлиқдир.

“Агар (жамиятда) адолат сақланмаса, кучлилар ҳам, заифлар ҳам, соғлом ва беморлар ҳам қирилиб кетади. Модомики, кишиларнинг ҳаёти бир-бири билан чамбарчас боғланган. Демак, кишиларнинг турмуш тарзини адолатсиз тасаввур қилиш қийин”¹. Худди

¹ Аликулов Ҳ. Шарҳ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Т.: Фан, 1979. 33–бет.

² Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. 15–боб. 60–бет.

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний (форс тилидан Ҳ.Аликулов таржимаси), 30–бет.

шунингдек адолатсиз жамият ривожланмайди. Шунинг учун ҳам Кошифий адолатга жуда катта баҳо беради:

Адл нуридурки, мулк андин мунаввар бўлгуси,

Жумлаи олам насимидин муаттар бўлгуси.

Адлни пеш айла мискинларни ҳождатдин чиқор,

То санинг ҳам жумла мақсудунг муяссар бўлгуси², –

деб адолатнинг аҳамиятини тушунтириб беради. Адолат ва эҳсон мавжуд мамлакат боқий туради, – дейди мутафаккир. Инсон номини эса адолат машҳур қилади. Адолат – инсонни бахтлиликка ва саодатликка етказadi. Адолатли подшонинг улуғ иши шундаки, у “зулмрасида”лар, азоб тортаётганлар арзга келсалар сўзларига қулоқ солиб уларни муҳимларини тузатишга ҳаракат қилади. Агар арз қилувчининг сўзи узоқ, кўп бўлса ҳам қулоқ солади. Чунки беморни ҳамма гапини эшитган табибгина уни даволай олади, – деб адолатли инсонни (подшони) табибга ўхшатади.

Ҳусайн Воиз Кошифий бир ҳикоят келтиради: Яман мамлакатининг подшоси адолатли деган ном билан юзи ёруғ, машҳур экан, халқи инсофли, тўқ яшаркан. Ногоҳ подшонинг қулоғи эпитмас, қар бўлиб қолибди. Подшо мамлакат бошлиқлари олдида шундай кўп йиғладики, халқ ҳам қўшилиб йиглаб тадбир излайдилар. Подшо айтдики, гумон қиларсизларки, мен қулоғим қар бўлганлиги учун йиғлайман. Йўқ, мен зулм тортган кишиларнинг даргоҳимга келганида уларнинг додларини эшита олмаслигим учун йиғламоқдаман. Ўйладимки, мамлакатимизда фақат арз-додга келувчиларгина қизил тўн кийсинлар. Мен шундан таниб олиб уларни мушкулини осон қилай³. Мутафаккир бу ҳикоятни келтириш билан ўша даврдаги подшоҳларни адолатли бўлишга чақиради.

Умуман олганда, мутафаккир адолатнинг туб моҳиятини тўғри тушунади, адолатлиликни тарғиб қилади. Адолатни феодал жамиятида мавжуд бўлган жабр-зулмга қарши қўяди. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг адолат тўғрисидаги фикрлари ўрта асрдаги мавжуд тартиб-қоидаларга, пассивликка қарши норозилик эди. Адолатсизлик эса қораланади. Яхшилик ва ёмонлик сингари адолатлилик ва адолатсизлик ҳам кишилар гуруҳига, мансуб синфига қараб турлича маъно билдиради. Олмон файласуфи Гегель айтганидек, қайси хатти-ҳаракатлар адолатли, яхши, қайсилари адолатсиз, ёмон

² Ўша асар. 15–боб. 62–бет.

³ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний, 15–боб. 58–бет.

эканлигини билиш учун олдиндан адолат ва яхшилик ҳақида тушунчага эга бўлиш зарур¹. Мутафаккир эса юқорида келтирилган мисоллардан кўрдикки, бу тушунчаларга эга эканлигини намоён қилади.

Бурч

Бурч тушунчасини ахлоқий нормаларга биринчи бўлиб юнон мутафаккири Демокрит олиб кирган. У бурчни инсон ҳаракатининг ички мотиви билан боғлайди ва эътиқод қилинган хатти-ҳаракатларни ахлоқий ҳисоблаб, киши ўзини кўркиш туфайли эмас, балки бурч ҳисси туфайли ножўя ҳаракатлар қилишдан тийиши керак, – деб тушунтиради.

“Бурч кишининг бирор шахс, оила, жамоа, жамият, Ватан, олдидаги ахлоқий мажбуриятини англатадиган ахлоқ категориясидир, – дейилади Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да. Бурч ҳам яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик каби ҳар бир даврда ўзгача маънога эга бўлган ва турли вазифаларни бажарган.

Хусайн Воиз Кошифий яшаган XV асрда эса бурч биринчи галда худо олдидаги масъулият деб қаралди. Худо олдидаги ишлар: номоз ўқиш, сиғиниш, фарзларни бажариш, хайр-эҳсон қилиш қабиларни ўз вақтида бажарилишини бурч деб тушунилди.

“Худо олдидаги бурчни ўтаб бўлгандан сўнг, албатта, ота-она олдидаги бурчни бажармоқ керак, чунки парвардигори олам уларнинг хурсандчилигини ўзининг хурсандчилиги деб билади”², – дейди Кошифий “Ахлоқи Мухсиний”нинг 37–бобида. Кошифий ахлоқ ҳақидаги бутун таълимотида ислом динида мавжуд бўлган инсонийликка оид фикрлардан унумли фойдаланади. Шу билан биргаликда ахлоқни диндан бутунлай ажратмайди ҳам.

“Бурчни бажармоқлик бу инсоннинг олижаноблигидан ва юксак даражада билимдонлигидан далолат беради”³, – деган Хусайн Воиз Кошифий уни билимдонлик орқали таркиб топиб боришини кўрсатиб ўтади. Бурчни осмондан тушмайди, балки у турмуш, жамият тараққиёти орқали пайдо бўлади, – деган ғояни илгари сурадики, бу ўз даврига нисбатан илмий-назарий асосланган илғор фикр эди.

¹ Гегель Г.Ф. Работы разных лет, в двух томах. 2. - М.: Мысль, 1976, 483–бет.

² Кошифий. Ахлоқи Мухсиний, 37–боб, 179–бет.

³ Ўша асар, 17–бет.

Виждон, ор-номус, бахт

Хусайн Воиз Кошифий асарларида виждон, ор-номус, бахт тушунчалари ҳақида алоҳида тўхталган эмас ёки асарларида боб бағишланган эмас. Лекин у бу тушунчаларга йўл-йўлакай ўз муносабатини билдириб ўтган. Виждонлиликни тўғридан-тўғри яхшилик, – деб айтади. Виждонни – инсонни назорат қилувчи ички туйғу, – деб қабул қилади. Шу билан бирга у виждонни давринг ижтимоий-сиёсий хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим-тарбия воситасида пайдо бўлади, – дейди. Виждон – виждонсизликка қарама-қаршидир, – деган хулосага келади. Бундан ташқари виждонсизлик кўп қабихликларни келтириб чиқаради – бу ёмонликдир, – деб баҳо беради. Бу мутафаккирнинг виждонсизлик ҳақидаги содда хулосаси эди.

“Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир”¹, – дейди олим. Ёмонлик қилмаган, яъни яхши одам виждонлидир. Мутафаккирнинг фикрича виждони бўлмаган инсон ҳар қандай ёмон ишни қилиши мумкин. У виждон билан, ор-номусни, диёнатни тенглаштиради. Демак, виждон инсонни ёмон иш қилишдан сақлаб туради.

Хусайн Воиз Кошифий биринчи галда кишиларни одил, ҳалол бўлишга чақириб, ҳар бир иш виждонлилик асосида амалга оширилиши керак, деб насиҳат қилди. Кошифий виждонни адолатга яқин деб тушунади. Инсон ёмонлик қилмаса, бахил, нокас бўлмаса, меҳр-шафқатли, диёнатли бўлса, у ўз мақсадига эришади, – дейди:

*Тобқуси ҳар иш диёнатдин низом,
Ҳам амонатдин киши комил бўлур.
Ҳар киши бўлса диёнатлик анго,
Икки олам давлати ҳосил бўлур¹.*

Ёки:

*Гар улугликни тилар эрсанг диёнат бирла бўл,
Ким будур мулки саодат сорига бормоқга йўл².*

Хусайн Воиз Кошифий ҳар бир ишни амалга ошиши диёнат (инсоф)дандир, агар инсон диёнатли бўлса, уни мақсади ҳосил бўлади, – дейди.

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний, 99–бет.

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний, 99–бет.

² Ўша асар, 23–боб, 100–бет.

Бизнингча, Хусайн Воиз Кошифийнинг бу ерда диёнат деб атагани, мазмуни жҳатидан виждон тушунчасига мос келади. У виждон сўзи ўрнига диёнатни ишлатган ёки ҳар икки сўзнинг мазмунини бир хил шаклда тушунган бўлиши ҳам мумкин.

Мутафаккир ор-номус ҳақида ҳам аниқ бир фикр билдирмаган. Инсонни ўз обрўсини сақлаши кераклигини таъкидлаган, холос. Инсон мард, адолатли, шижоатли бўлса – у яхши ахлокли, яъни ор-номусли, виждонли, бир сўз билан айтганда эса, яхшидир.

Кошифий бахтни ҳам умумий шаклда тушунади:

*Шукр айлагуси бахт-саодат йўлин кушод,
Ҳар кимки шукр қилса бўлур неъматни зиёд¹.*

Ёки:

*Яхши бахтни асло хушламас киши йўқдур,
Мамлакат арусининг шаҳри тиг ила ўқдур².*

Инсон ҳаётидан рози бўлиб, шукур қилиб яшаса, унинг мақсади, нияти амалга ошади. Лекин бахт-саодатни хоҳламайдиган инсон йўқдир. Мамлакатни бахтли-саодатли қилиш унинг (подшоҳнинг) сиёсатига, лашкарларига боғлиқдир, – дейди мутафаккир. Бизнингча, Воиз Кошифий бахтлилик деб, тинч-осойишта, тўқчиликда яшашни тушунган бўлса керак.

Мутафаккир ахлоқнинг яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, ор-номус категориялари ҳақида атрофлича фикр юритади. Бу категорияларнинг ҳар бирини асосий мезонларини ҳам олим ўзи яшаган давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб кўрсатиб беради. У ахлоқ категорияларидаги асосий мезони инсонийлик, адолатлилик, инсоний муносабатлар, хатти-ҳаракатлардир. Кошифий категорияларга баҳо беришда биринчи галда инсонийликка суянади. Инсонга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлар, ёлғончилик, чақимчилик, ғаразчи, ҳасадчиларни, бахил, мумсиқ, ҳимматсиз, пасткаш, ғийбатчиларни ёмон, яъни ахлоқсиз кишилар деб кўрсатади. Бу ёмон хислатларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида изоҳлайди, уларни баргараф утиш йўллари ҳам кўрсатиб беради. Кошифий ахлоқий таълимотини ўз давридаги бошқа олимлардан устунлиги шунда эдики, улар бу камчиликларни санаб кўрсатиш, танқид қилиш билан чегараланар эдилар. Кошифий эса бу ёмон хислатларни йўқотиш усулларини ҳам кўрсатиб ўтади. Бу мутафаккир ахлоқий таълимо-

¹ Ўша асар, 4–боб, 22–бет.

² Ўша асар, 11–боб, 53–бет.

тининг замондошлари фикрларига нисбатан ҳам илғор эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқ категориялари ҳақидаги фикрларини ҳар бир инсон ўз ҳаётида тўлиқ қўллаши мумкин. У юқорида санаб ўтган ёмон хислатлардан халос бўлган кишиларни юксак ахлоқли деб баҳо беради. Кошифийнинг ахлоқ ҳақидаги бу таълимотини таълим тизимлари ўртасида кенг тарғиб қилиш керак. Айниқса, ўсмирлар ўртасида жиноят кўпайиб бораётган ҳозирги даврда вужудга келаётган қатор ахлоқсизликларни, оммавий маданиятни йўқотишда Кошифийнинг ахлоқий фикрлари тарбиячилар, ота-оналар учун асосий қўлланма вазифасини бажаради.

Ҳусайн Воиз Кошифий кишиларни адолатлиликка, виждонлиликка, бурчлиликка чақириши жуда катта маърифий–тарбиявий аҳамиятга эга эди.

В. Оддий ахлоқ нормалари

Ахлоқ нормаси – инсонларнинг хулқи, феъл–атворларини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Ахлоқ нормалари инсонга жамият томонидан қўйилади. Ахлоқ нормалари ижтимоий мазмунига кўра умуминсоний характерга эга бўлади. Оддий ахлоқий норма ижтимоий норманинг бир тури ҳисобланади. У инсоннинг хатти-ҳаракатини бошқаради. Ахлоқли киши бу нормаларни бажариши шарт, у мажбурийдир. Лекин ахлоқий фазилатни эса бажариши шарт эмас. Унинг мажбурийлик жиҳати йўқ.

Оддий ахлоқ нормалари жамиятнинг инсонга бўлган муносабатини ҳам ифодалайди. Ахлоқнинг хушмуомалалик ва одоблилик, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, очик кўнгиллик, саҳийлик ва мурувватлилик, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат, самимийлик, сиполик, катталарни ҳурмат қилиш, беморларга ҳамдард бўлишларни оддий ахлоқ нормалари деб ўргатади.

Арасту, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа мутафаккирлар оддий ахлоқий нормалар билан ахлоқий фазилатларни ажратиб кўрсатганлар. Масалан, Форобий ахлоқли инсон илм–маърифатга интилувчи, ҳақиқат, адолатни севувчи, ёлғончининг душмани, жасур, мардларни тушунади. Ахлоқий фазилатни эса ақллилик ва донолиликдан иборат, – дейди. Ибн Сино камтарлик, иззат–ҳурмат, жасурлик, тўғрилиқ, софдилликни инсоний фазилатга киритган.

Бундай фикрларни Жомий, Навоий, Давонийларда ҳам кўришимиз мумкин. Бу мутафаккирлар диний ахлоқнигина эмас, балки унга қарама-қарши, дунёвий, илгор ахлоқ ҳақидаги ўз қарашларини ҳам баён қилиб Марказий Осиё фалсафий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшганлар.

Ахлоқ нормалари, ахлоқ талабларини бир кўриниши бўлиб, маълум хулқни насихат, танбеҳ бериш, амр-фармон, мажбурият шаклида ифодалайди. Ахлоқ нормалари кишилар хатти-ҳаракатининг ахлоқи, тараққиётини белгилайди ёки назорат қилади. Ахлоқ нормалари инсон хатти-ҳаракатининг ички томонини, шахс томонидан англанган муайян мажбуриятларни ифодалайди, ҳамда жамоатчилик фикрига асосланади ҳамда умумий характерга эга бўлади.

Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқни юқорида айтганимиздек, иккига: яхши ва ёмонга бўлади. Лекин биз бу яхшилик ва ёмонлик деб берилган фазилатларни шартли равишда яна иккига: ахлоқ нормалари ва ахлоқий фазилатларга ажратамиз.

Ҳусайн Воиз Кошифий яхши фазилатларни эгаллаган кишиларни, ахлоқли, яъни яхши кишилар гуруҳига киритади. Биз бу ахлоқ нормалари ва фазилатларни Воиз Кошифий “Ахлоқи Муҳсиний” да баён қилган тартиб бўйича кўриб чиқамиз.

Кошифий “Ахлоқи Муҳсиний”нинг биринчи бобида ибодат, иккинчи бобида ихлос, учинчи бобида дуо, тўртинчи бобида шукур ҳақида гапиради. Бу тушунчаларни ахлоқ нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, кишиларни тарбиялаш воситаси деб билади, тушунади. Масалан, “Ихлоснинг маъниси қилғон яхши риё ва ғараздин халқаро обид ва порсо атониб мақбул бўлмоқидин поку йироқ тутмоқ ва ниятни худойи азаважаллага рост бўлмоқ бўлур”¹, – дейди. Бу ерда Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқ нормаларини ҳам кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб қараб, уларни тахминан ўттизга бўлади. Бу инсоний фазилатлардан биринчиси сабрдир, яъни тоқатлилик, қаноатдир.

“Сабрнинг маъноси ҳақ таолодин келган балога тоқат қилмоқ ва анго ўзни тўхтатмоқ бўлур. Сабр – бағоят хубу марғуб сифатдур”¹. Яъни худодан келган бало, дард-захматга тоқат қилиш учун ўзини бошқаришдир. Сабр энг яхши, ёқимли хислатдир. У инсонни

¹ Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний, 2-боб, 17-бет.

¹ Ҷиш асар, 5-боб, 25-бет.

сабр қилишга чорлаш билан, ўз навбатида, енгилтакликка қарши курашади. Инсон ҳар бир нарсага токатли бўлса, у охир-оқибатда шодликка эришади, – дейди. Лекин у ҳамма нарсага – зулмга, огирчиликка тоқат қилиш керак, – деган фикрни илгари сурмайди. Сабрликни инсоннинг фазилати деб тушунади.

*Сабр қилмоқ эргадур яхши сифат,
Токи тобқай ўз муродин оқибат.*

Ёки:

Сабр шодмонлик калидидур ва роҳат адабининг эшики мундин ўзга калид бирла очилмас², – деб Кошифий сабрни мақсадга етишдаги бир юмуш шаклида тушунади. Унингча, тоқатлилик ҳам инсоний фазилат. Чунки, сабр-бардошли инсон ҳеч кимга мухтожлик сезмайди. Сабрли, қаноатли бўлиш ҳам бир салтанат. Бу салтанатга эришиш учун эса инсон очкўз, таъмагир, енгилтак бўлмаслиги керак.

“Ахлоқи Муҳсиний”нинг саккизинчи боби **Ҳаё**, яъни **Иффат**га бағишланган. “Ҳаёнинг маъниси ёмон иш қилмоқдин уятмоқлик бўлур. Одамайга ҳаё шариф хислат ва мақбул сийрат эрур.

– Ҳаё шоҳидур имон дарахтидин ва ҳаё олам барқарор турмоғининг шартидур. Агар шарм сифати ародин кетса, ҳеч кишидин уятмаса олам низоми ҳалал топар ва халқ аро яхши расм итиб майшатларига футур етар ва бири-бирлари ҳақида диёнат сакламаслар”¹. Мутафаккир ҳаёни, иффатни ёмон иш қилишдан уялиш, тортиниш деб, уни ажойиб, энг зарур хислат деб тушунади. Ҳаёни, иффатни оддий инсоннигина эмас, балки у оламни доимо мавжуд бўлиши шартидир. Инсонлар ўртасидан ҳаё, иффат кўтарилса, йўқолса, одамлар ўртасидаги турмуш тартиби, виждонлилик йўқолади. Халқ ўртасида ҳозиргача мавжуд бўлиб келган мазмунли турмушга путур кетиб, инсоф йўқолади. Бардам-бақувватлар заифларга зулм ўтказадилар, – дейди. Ҳаё – иффат ҳаммани нима ишни хоҳласа қилишга йўл қўймайди. Мутафаккир ҳаёни, иффатни ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга, жамиятнинг тартибини сақловчи кўриқчи – хислат деб тушунадик, бу ерда унинг муаммони чуқур илмий-назарий даражада тушунганлигини кўрамиз. Олимнинг фикрича, яхши хулқилик ҳаё, иффат суви ва офтоби орқалигина мавжуддир. Демак, яхши хулқли инсонда албатта ҳаё, иффат бўлиши

² Ўша асар, 26–бет.

¹ Ўша асар, 8–боб, 32–бет.

шартдир. У ҳаёни уч қисмга бўлади: “1 – ҳаёи ато, яъни гуноҳкор бовужуди ҳақ таоло атосидин баҳраманд бўлуб туруб, анинг даргоҳида исён варзиш қилғонидин шарм тутқой”, “2 – ҳаёи карам, яъни карим шарм тутғойким, даргоҳидин сойилни маҳрум юбормагай ва Ҳадисда келибдурким, ҳақ субхонаҳу таоло ҳаё ва карам сифатига мавсуф эрур. Вақтики бандаларидин бири даргоҳида ҳожат тилаб, қўл кўтариб турса, анинг қўлини фазли ва раҳмати бирла тўлдурмай ҳоли қайтармоқдин шарт тутор. Балки орзуси кафига муроди нақдин қўёр”². “3 – ҳаёи адабдур ва бовужуд қиладурғон амали шариатда ҳаё ақл расмида раво бўлса ҳам, адаб ҳаёси анга машғул бўлмоғига монне бўлур”³. Кошифий бу гапларининг исботи сифатида одил подшо Нуширавон ҳақида ҳикоят келтиради: Нуширавон наргис гули турган уйда ҳеч қачон хотинлари ва канизаклари билан бирга бўлмас экан. Чунки у: “Наргиз қараб турган кўзга ўхшар, ундан ибo қиламан”, деяр экан. “Ҳақиқатан ҳаё имондан пайдо бўлади. Буни ҳаё адаби деса бўлади”, – дейди мутафаккир.

Покизалик, яъни **тозалик**, **софлик** инсонни маънавий жиҳатини кўрсатадиган хислатлардир. Покизаликнинг мақсади барча харом саналган нарсалардан ўзини сақлашдир. Покизалик инсонни энг яхши хислатларидан биридир. Донолар айтибдурларки, инсонни икки нисбати бор. Бири инсон фариштага ўхшайдик, шу сабабидан у илму-амалга ихлосманд, яъни ишқибоз, иштиёқманд бўлади. Яна бири эса ҳайвонга яқинроқдурки, у билан овқат ейишгача рози бўладиган очкўздир. Хусайн Воиз Кошифий покизаликни ҳалоллик деб талқин қилади. Агар одамларда овқат ейиш, шахват иштиёқи кучли бўлса ҳам нафсни тийиб, ўзини пок тутиши керак, – дейди. Мутафаккир шундай насиҳат қилади: “Подшоҳи покизалик бирла ўзин ораста қилса, албатта, зулм ва фиску фужур мамлакатдин ариб соф бўлур. Ҳеч кишининг зан ва фарзандига бўхтон бадном етмас”¹. У покизаликни шахсий иш деб эмас, давлат аҳамиятига эга иш деб қарайди. Чунки халқ покизаликни раҳбарлардан ўрганади. Мутафаккирнинг бу фикрлари мазкур ахлоқий нормага XV асрда қандай аҳамият берилганлигини кўрсатади. Покишлик, ҳалоллик, софлик талабларига султонлар ва ҳукмдорлар са-

¹ Ўша асар, 8–боб, 33–34–бетлар.

² Ўша асар, 8–боб, 38–бет.

³ Ўша асар, 9–боб, 39–бет.

ройидаги ҳаёт тарзи жавоб бермасди. Хусусан, Ҳусайн Бойқаро ҳам бундан истисно бўлмай, саройда амалдорлари орасида ҳам давлат ишлари билан шуғулланиш эмас, майхўрлик, айш-ишратга муккасидан кетиш ҳолати авж олган ва Воиз Кошифий эса бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, юқоридаги покизалик ҳақидаги фикрини илгари сурган эди.

*Поклик андаким алам кўтарур,
Дину дунё ишига зеб берур.
Нафс анинг бирла хору-зор бўлур,
Руҳи мақбул кирдикор бўлур¹.*

Ҳусайн Воиз Кошифий **Собитқадамликни** ахлоқий норма деб тушунади. Собитқадамлик – ният қилинган ишга жиддий киришиш ва охирига етмагунча ундан қадам олмаслиқдир. “Нажоту хуррамлик фойдасининг натижасидур ва ҳар маҳлукким қадамин сабот ичра солур андин бисёр хусул ва манфаатлар олур ва подшоҳнинг раият ва фармонбардорларига нафъ еткурмакидин ва саркашлару бадкирдорларни мамлакатдин сурмакида собитқадамликни хосу ом аро ошқора бўлмаса ҳадаму хашам итоати хатига бош қўймаслар.

*Сабот гавҳаридин бошким кийубдур тож,
Саботсиз фалак узра бўлур анча меърож².*

Собитқадамликнинг ўзига хос жиҳати шундаки, киши бир ишга киришса, уни охиригача етказиш талаб қилинади. Инсон аввало оғзига келган сўзни айтмайди. Агар сўзладими, шу сўзнинг уддасидан чиқиши керак, яъни бажариши шарт. Чунки инсон саботматонатли, ҳар қандай қийинчиликлардан, машаққатлардан кўркмаслиги керак, – дейди.

Инсон собитқадам бўлиши керак. Бундай кишилар инсонни ахлоқди эканлигини билдиради. Саботлилиқ – мардликдир. Унга амал қилган инсон тож кийгандек обрўга эга бўлади. Саботсизлик эса олам ичра обрўсизланишдир, – дейди.

Ҳусайн Воиз Кошифий **Афвни** – кечиришни, кечира билишни ҳам фазилат деб қарайди. “Ахлоқи Муҳсиний”нинг ўн олтинчи бобини эса афвга бағишлайди. Афвнинг маъноси шуки – у гуноҳкорга жазо, укубат беришдан воз кечиш, яъни кечиришдир.

*Биз одатимизни ҳеч тарк этмасмиз,
Яхшилик эшикидин йироқ кетмасмиз.*

¹ Ўша асар, 9–боб, 40–бет.

² Ўша асар, 14–боб, 52–бет.

*Гар аҳли жаҳон бизга ёмонлик қилса,
Зинхор мукофотини кўрсатмасмиз¹.*

Мутафаккирнинг фикрича, афв қила олиш тоза, қалбли, ақл-фаросатлиликдан далолатдир. Чунки инсон, кечиримли бўлиши даркор. Гуноҳкорни афв этиш раҳбарларга ва афв қилган кишиларга обрў-эътибор келтиради.

*Афв қилмоқ, яхшироқ хислатдур,
Афв қилгон соҳиби давлатдур.
Афв нуридин кўнгил равшан бўлур,
Бўйидин эл сийнаси гулшан бўлур.
Афвни Ҳақ дўст тутмиш, эй сани,
Дўст тут, Ҳақ дўст тутқон нарсани².*

Бу сатрларни шархлаш шарт эмас. Чунки бу ўз-ўзидан тушунарлидир.

Демак, гуноҳкор агар ўша камчилигини, гуноҳини, айбини тан олса, кечирим сўраса, кечириб мутафаккирнинг фикрича, ахлоқий фазилатдир. Чунки ҳар қандай айб, гуноҳ учун оғир жазолаш расм бўлган, подшолар калондимоғ, худбинлик, шафқатсизлик ботқоғига ботган бир пайтда афв қилишни тарғиб қилинишининг амалий фойдаси катта эди. У биринчи галда раҳбарларни очикқўнгил, кенг юракли, кечиримли бўлишга чақиради.

Ахлоқий фикр тарихидан маълумки, мутафаккирлар **Сахийлик**, яъни саховат ва эҳсон муаммосига катта эътибор берганлар. Жамият тараққиётининг барча босқичларида, айниқса, ўрта асрларда очарчилик, камбағалчилик мавжуд бўлган, халқ оддий деҳқончилик, хунармандчилик билан оғир ҳаёт кечираётган бир пайтда мутафаккирлар бойларни, подшоларни, камбағал, оч-яланғочларга ёрдам беришга, сахий бўлишга чақирганлар. Сахийлик бу инсонийликдир, деб баҳоладилар. Кишиларни ҳимматли, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этдиларки, бу ўша даврда оддий инсонпарварликкина эмас, балки ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик улуғ иш эди.

Сахийлик ҳақида сўз борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказий Осиёда яшаган барча олимлар – Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мажид Ҳавофий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Воиз Кошифийларнинг ўзлари сахий, саховатлилик билан ном чиқарганлар, ўз даврларининг “хотамтойлари” сифатида ном колдирганлар.

¹ Ушш асар, 16–боб, 62–бет.

² Ушш асар, 16–боб, 64–бет.

“Ҳотам олий ҳиммат ва саҳийликнинг намунасидир, унинг номи мақолга айланиб кетган ва подшоҳнинг саҳийлиги мақталадиган сарой қасидаларида доимо тилга олинган”¹, – деган машҳур шарқшунос олим Е.Бертельс ҳақ эди. Ҳатто, Ҳусайн Воиз Кошифий – Ҳотамнинг саҳийлиги ҳақида махсус “Китоби Ҳотамнома”, яъни “Рисолаи Ҳотамия”² асарини ёзган. “Ахлоқи Мухсиний” асарининг ўн иккинчи “Баландҳимматлик”, йигирма биринчи “Жуд (саҳийлик) ва саховат ва эҳсон баёнида” бобларида ҳам саҳийликка кенг тўхталиб ўтади.

“Жуду саховат ҳалойиққа манфаат еткурмак бўлур ва эҳсон яхшилик кўргузмак эрур”, яъни кишиларга саҳийлик, саховатлилик қилиш ҳалойиққа фойда келтириш, эҳсон бермоқ эса яхшилик кўрсатмоқликдир. Саховат қилиш яхши ном чиқаришнинг сабабидир. Эҳсон эса дўст бўлмоқнинг сабабидир³.

Мутафаккирнинг айтишича, Искандар Арастудан сўрайдики, дунёни саодати нимададир?

Саховат ва эҳсондан. Кишилар саховат ва эҳсоннинг қулидир. Саховатлилик бу олийҳимматликдир.

Мутафаккир “Китоби Ҳотамнома” асарида шундай ёзади: “Олийҳиммат одам ростини айтганда, саҳий кишиларнинг подшоҳидир”¹. У олий ҳимматлиликни юксалтиради. Чунки саҳийлик, саховат ва эҳсон олийҳимматлик мевасидир. Саҳийлик инсоннинг энг юксак фазилатидир. “Саҳийлик қайтаришни талаб қилмайдиган эҳсондир. У риёкорлик ва таъмағирликдан узоқ”² дир. Саҳийлик қилган одам ҳеч қачон бирон мақсадни кўзламаслиги керак, акс ҳолда унинг саховати, эҳсони ўз мазмунини, қимматини йўқотади. Саҳийлик берилган нарса билан ҳам ўлчанмайди³. “Ҳеч бир дарахт саҳийлик ниҳолидек мева бермаган. Саҳийлик шоҳи мол-дунё мевасини безайди”⁴. “Зарни хор билган ҳар бир саҳийни замонаси азиз деб билади”⁵. Мутафаккирнинг бу фикрлари XV асрда, ота–

¹ Бертельс Е. Очерк истории персидской литературы. - Л., 1928. С.68.

² Кошифий. Рисолаи Ҳотомия, форс тилида, - Техрон, 1320, хижрий йил.

³ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний, 21–боб, 81–бет.

¹ Кошифий, Рисолати Ҳотамия, форс тилида, ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлэзмалар фонди, инт. № 4388, 44–бет.

² Ўша жойда, 49–бет.

³ Ўша асар, 39–бет

⁴ Ўша асар, 40–бет.

⁵ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний, 22–боб, 87–бет.

болани танимай мол-дунё, тож-тахт учун кураш олиб бораётган бир пайтда жуда катта амалий аҳамиятга эга эди.

Хусайн Воиз Кошифий Саҳоватни кенг маънода тушунди. Унинг фикрича, саҳоватлилик ёрдамида кўп огир юмушлар бажарилади. Инсонни шижоаткорлик сари етаклайди, – деб талкин қилади. Олим саҳоватни, эҳсонни юкорида айтганимиздек, очкўзлик, таъмагирлик, нокасликка қарши кўяди. Ўғирлик, нокаслик, кўра олмаслик каби ғайриинсоний хислатларни бартараф этишда саҳийликни фойдаси катта деб билади. Мутафаккир саҳийликни, саҳоватлиликни гапириш орқали ўзи яшаган жамиятнинг чиркин томонларини очиб беради. Чунки, халқ тўқ бўлса, жабр-зулм бўлмаса, ўз-ўзидан саҳоватлиликка эҳтиёж ҳам қолмайди. Мутафаккир саҳийликни гапириши орқали ижтимоий масалани жамиятдаги карама-қаршиликларини очиб ташлайди. Раҳбарларни, амалдорларни, бойларни Ҳотамтойдан ўрнак олишга чақиради.

*Деса бўлгайким бани одам аро,
Келмади андоғ яна соҳиб саҳо.
Билдилар они мусаллам хосу ом,
Жуд иши онинг била бўлди тамом¹.*

Мутафаккир ҳикоят келтиради: Яман мулки подшоши саҳийликда, эҳсон беришда, фақир-камбағалларга ёрдам беришга ҳар доим тайёр эди. Шунинг учун саҳийликда олам аро машҳур бўлишини, халқ унинг тўғрисида саҳоватли деб гапиришини хоҳлайди. Лекин одамлар унинг олдида Ҳотам Тойни саҳийлигини мактаб гапиришади. Бундан подшонинг ғазаби келарди. Подшо айтардики, Ҳотам бир саҳрои кишидир, унинг на тожи, на тахти, на оламгирлик қуввати бор, унинг бир неча оти, туяси, қўйлари бор, холос. Шу аҳволда у қандай қилиб саҳийлик қилсин. Мен эса Ҳотамнинг бир йиллик ҳосилини бир кунда бир гадойга бераман, унинг юз меҳмондорчилигини бир меҳмоннинг эрталабки нонуштасига сарфлайман. Қисқаси, мен отда бўлсам, у пиёдадир.

Яман мулкининг подшоши бир куни мамлакатда оммавий базм ташкил этди. Бутун халқ йиғилди. Ҳамма озиқ-овқат кун буйи оқшомгача сув каби сероб бўлди. Лекин бир киши Ҳотамнинг саҳоватлилиги ҳақида яна мактаб гапирди. Бундан подшонинг рашқи келди ва ҳасад ўтида ёниб ўйладики, Ҳотам тирик экан, унинг саҳийлиги халқ тилидан тушмайди. Ҳеч ким мени саҳий деб мактамайди.

¹ Кошифий. Ахлоқи Мухсиний, 22–боб, 87–бет.

*Ки то бордур жаҳон сахнида Ҳотам,
Мани яхши демаслар аҳли олам...*

– деб ўйлайди.

Мамлакат пойтахтида ўғриликда машҳур бир айёр киши бор эди. У озгина чойчақа учун ҳам юз кишининг қонини тўкишга тайёр эди. Шуининг учун у халқнинг кўнглини қолдирганди. Подшо уни чақириб, Ҳотамнинг қабиласига бориб, уни ҳар хил хийла билан ўлдириб келгин. Агар бу ишни бажарсанг, кўп инъомлар бериб, ҳурмат кўрсатаман, – дейди. Айёр ўғри Ҳотамни ўлдириш нияти билан Той қабиласига жўнайди. Ўғри илгари Той қабиласига бормаган эди. Йўлда чехраси очик, иссиқ юзли, давлатмандлиги чехрасидан билиниб турган бир киши учрайди. Бу бегона кишининг меҳмон эканини билиб, меҳрибонлик ва ширинсўзлик билан ҳол-аҳвол сўрайди. Қаердан келаяпсиз, қаерга борасиз?

– Ямандан келяпман, Шомга бораман. У киши илтимос қилдики, бу кеча мени кулбамга ташриф буюрсангиз, сизнинг хизматингизни қилсам, уйимнинг сахнини ёритсангиз. Мен жону–дилим билан миннатдор бўлардим.

Унинг кўнгли очиклигига ўғри қойил қолиб, уйига борди. У киши ўғрини меҳмон қилди. Ўғри умрида ҳеч қачон бундай тўкин меҳмондорчиликни кўрмаган эди. Ўғри бу меҳмондорчилик учун ҳар соатда миннатдорчилик билдирарди. Зиёфат охирига етди. У киши айтдики, 2-3 кун менинг уйимда бўлинг, суҳбатингиз билан хурсанд қилинг. Йўқ, менинг бошимда мушкул иш бор, – деб жавоб берди ўғри. У киши бу ишингдан мени хабардор қил, кўлимдан келганича ёрдам бераман, – деди. Ўғри ўйладики, бу одам жуда очикқўнғил, яхши хулқли, олийҳиммат одам кўринади. Буюрилган ишни мадақкорсиз бажариб бўлмас. Бу кишидан яхши маслаҳат чиқар, уни ўзимга шерик қиламан, деб ўйлаб, бу сирни ҳеч кимга айтмасликни кўп бор таъкидлаб, мақсадини айта бошлайди. Яман подшоси эшитибдики, шу ўлкада Ҳотам отлиғ бир киши бор эмиш. Саховатлиликда, муруватлиликда машҳур экан. Бу хабарни эшитган подшо ҳасад ва рашқ ўтида ёниб: уни топиб, ўлдириб, бошини олиб келсанг, жуда катта инъом бераман, деганини айтади. Мен Ҳотамнинг қаерда яшашини, қандай киши эканлигини билмайман, танимайман. Сен менга ёрдам берсанг, сен туфайли подшо олдидаги сўзимни бажарсам ва кўп мол-мулкка эга бўлсам, – дейди.

У киши айтадики, мен Ҳотамман, мана, вақтни ўтказмай бошимни кесгилу, хотиним ва хизматкорим хабардор бўлмасидан жўнаб қол. Яман подшосининг муроди ҳосил бўлсин.

Ўғри бу киши Ҳотам эканлигини билиб, йиғлаб, унинг оёгига йиқилади. Ҳотамнинг қадам изларини ўпиб, тавба қилади. Сендек саховатли, олижаноб одамни ўлдирмасман, деб Яман томон кетади.

Ўғри подшо олдига бориб, Ҳотамни, бўлган воқеани ҳаммасини гапириб беради. Подшо ҳам Ҳотамнинг сахийлигига икром бўлади. Одамзод орасида бундай саховатли инсон йўқ, – деб бир байт айтади:

*Юз минг ўлгай, бу жаҳонда бергучи кишига дирам,
Лек кимдур ул кишиким жонини қилгай карам¹.*

Хусайн Воиз Кошифий сахийликни, саховатлиликни инсонийлик белгиси деб тушунади. Очик қалбли, очик юзли инсон сахий бўлади, – деб, бу хислатни одамзод учун зарурлигини ҳам алоҳида қайд этади.

Хусайн Воиз Кошифий Тавозени ахлоқий фазилатларнинг энг муҳимларидан бири деб билади. Тавозенинг маъноси ўзини паст, камтар тутмоқдир. Тавозели, камтар бўлиш баланд мартабага эришмоқнинг сабабидир, – дейди мутафаккир. Сомоний подшоси Нафр Ибни Аҳмаднинг ўглига насиҳатини келтиради:

Кўп машаққат билан қўлга киритган мамлакатим узоқ сақланиши учун сен аввало ҳазинага эътиқод қўймайсан. Лашкарга ишонмайсан, тавозени зиёда қиласан. Агар ўзингни паст тутиб, тавозе билан муомала қилсанг, инсонларнинг кўнгул қуши сенинг тузоқингга илинади ва ҳеч қачон фармонингдан ташқари чикмайди.

Тавозеъдур кўнгулга рўшнолик,

Топар бегона андин ошнолик.

Тавозеъ кишини давлатманд этгай,

Тавозеълуқ киши иззатга этгай.

Тавозели киши ўзини паст олиб, бошқаларни иззат-ҳурмат қилса, бу унинг “улуғлуқ”, яъни камтарлигидан, улуғ инсон эканлигидан дарак беради. Улуғ инсонларни зийнатидир – бу тавозе, гадоларнинг одатидир тавозе¹, – дейди Хусайн Воиз Кошифий.

Мутафаккир тавозени ахлоқ фазилатларининг энг асосийларидан бири деб кўрсатган эди.

¹ Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний, 21–боб, 90–91–бетлар.

¹ Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний, 22–боб, 93–бет.

Камтар, содда, камсуқум, тавозели бўлиш учун аввало кишида юксак маънавий олам, билим бўлиши керак.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бу каби ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар барҳам топа бошлади. Ошкоралик, адолат таркиб топади. Инсонларда Кошифий айтганидек, камтарлик, тавозе ўз маъносига эга бўла бошлади.

Мутафаккир тавозега – **Такаббурлик**ни қарши қўяди. Такаббурлик бу нокаслар (камчилиги бор), одамлик тариқатидан чиққан кишилардир. Одам ўз айбини ёпиш учун такаббур бўлади. Улар билмайдиларки, такаббурлик сифати эса бу кишининг кабиҳлигини ошкор, хор қилиб, обрўсизлантиради. Кибрлик, такаббурлик бу шайтонга хос сифатдир. Тавозе эса кишида яхши хислат сифатида кўринади.

*Яқин билмак керакким ҳеч они,
Киши кўрмас тавозеъдин зиёни.
Тавозе қилгусидур кишини комил,
Тавозедин бўлур мақсуди ҳосил.
Тавозе пеша қилгон сарвар ўлмиш,
Худо лутфига бешак мазҳар ўлмиш¹.*

Тавозелик, олий табақа, шараф ва эътибор эгаларида, бошлик, пайғамбар авлодларида, олимлар, шайхларда жуда яхшидир. Чунки бу тоифадаги кишиларнинг тавозели бўлиши давлатнинг обрўси ва куч-қудрати ва шавкати-шони учун жуда зарурдир, – дейди Кошифий. Мутафаккир бир воқеани келтиради. Ҳасан Шайбоний Раҳматуллоху алайҳи Рашид олдиға борди. Рашид унга кўп ҳурмат-эҳтиром кўрсатди, олдиға югуриб чиқиб ўзини ўрниға ўтказди. Меҳмон кетганидан кейин хосларидан бири (яқинларидан) айтдики, эй, халифа, нима учун бу даражада ҳурмат-эҳтиром кўрсатдинг, бу билан подшоҳлигининг хайбати ва қадри синди. Рашид айтдики, бу қадр-қиммат тавозе учун йўқ бўлгани, сингани яхшироқдир. Бу қадр (подшоҳлик обрў) улуғларға эҳтиром қилишдан кам бўлади ва улар учун йўқ бўлиши яхшидир, – деб байт келтиради.

*Қадрики тавозе сабабидин бўлур ул кам,
Бўлмас, киши ул қадр ила ҳаргиз мукаррам¹.*

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фикрича, ўзини паст тутиш, яъни Тавозеликнинг олдида раҳбарлик обрўси ҳеч қандай қийматға эга

¹ Ўша асар, 22–боб, 94–бет.

¹ Ўша асар, 22–боб, 95–бет.

эмас. Тавозеликни, камтарликни раҳбарлардан, раҳбарликдан ҳам юқори кўяди. Бу мутафаккирнинг ўз замондошларига нисбатан янада прогрессив фикр юритганини кўрсатади.

Мутафаккирнинг ахлоқ нормаларидан бири бўлган **Ростгўйлик** ҳақидаги фикрлари ҳам жуда ибратлидир. Ростгўйлик одатда яхши инсонларда бўладиган ижобий хислат саналади. Аммо бу тушунча баъзи ҳолларда ёмонлик ҳам олиб келиши мумкинлигига тарих гувоҳ. Ўзбек халқининг ажойиб сўз усталари, олим, шоирлари Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Отажон Хошим каби ўнлаб талантли кишилари дилидаги сўзини баралла гапирганлари, яъни ростгўйлик қилганлари учун қатағон қилинганлар. Чунки улар билган, тушунган нарсасини одамига қараб эмас, балки ҳақиқат деб билганлари учун фикрларини бемалол баён қилган эдилар. Аммо қатоғон сиёсати туфайли уларнинг умрлари хазон бўлди. “Халқ душмани” деган “ёрлик” ёпиштирилди. Фақат бугина эмас, 80-йилларнинг ўрталарида ростгўйликлари учун ҳибсхоналарда юзлаб кишилар азоб тортдилар. Кўп ҳолларда инсоний фазилат ҳисобланган ростгўйлик ўрнини ёлғон, қабихлик эгаллади. Мустақиллик туфайли ростгўйлик яна галаба қилди.

Хусайн Воиз Кошифий ростгўйликни ахлоқий фазилат деб тушунади. Ростгўйлик барча инсонларда бўлиши зарур, у кишини бахтга етакловчи восита деб билади.

Ростгўйлар бўлгуси, тонгла уқубатдин халос,

Жаҳд қилгил, умрунг ичра то улардин бўлгайсен¹.

Ростгўйлик инсонни ахлоқий хатти-ҳаракатини намоён қилади. Ростгўйлик, содиқликни, кўнгли очикликни, изчиликни, чапаниликни ҳам кўрсатади. Ростгўйлик ҳалолликнинг бир хусусиятидир. Ростгўйликни мутафаккир бор ҳақиқатни айта олиш, ўз кадр-кимматини тўғри тушуниш, нуқсонларни тўғри кўрсата олиш, эҳтиёж туфайли юзага келган ахлоқий фазилат деб билади. Шунинг учун ҳам ростгўй одам тонг каби беғубордир, деб таъкидлайди.

Ростлик сори айласанг кўшиши,

Бўлгунг осуда, ўнгланиб санга иш.

Ҳар кишидур жаҳонда кажрафтор,

Қул бўлур ростлиқга охири кор.

Бўлгач ўқ, ростлиқ ила қойим,

Анго таъзим ёй қилур доим.

¹ Ҷина исар, 25–боб. 192–бет.

Ростгўй бўлишга ҳаракат қилсанг ишинг ўнгланиб, юришиб жонинг осуда бўлади. Жаҳонда тескари юрувчи, хийлагар киши бордир, охир-оқибатда ростликка бўйин эгади.

*Ростлиқ қайдаким, кўтарди алам,
Ҳақнинг имдоди бўлгай анда ҳам.
Қолмагай ростлар иши пинҳон,
Қилмагай рост сўз кишига зиён.*

Ёлгон сўзлаш кишини обрўсин тўкади. Ҳазил, ўйин ҳам кишини беиззат қилур. Агар раҳбар хазил-мутойибага мойил бўлсалар хурмат ва эҳтиромига нуқсон етади. Чунки ҳазил ўйинлардан кўнгли оғрийди. Қачондир имконият туғилса кин сақлаб ўч олади. Натижада мамлакатда фитналар пайдо бўлади. Воиз Кошифий ростгўйликни ёлгончиликка қарши қўяди. Ростгўйлик бор жойда ҳеч қачон ёлгончиликка ўрин қолмайди. Лекин шароит тақозоси билан ёлгон ҳам гапириш мумкинлигини таъкидлайди. Қачонки, бу ёлгон яхшилик учун, кўпчилик манфаати учун хизмат қилаётган бўлса.

Хуллас, мутафаккир барча кишиларни ростгўй бўлишга чақириб бу инсондаги энг муҳим хислат, ахлоқий норма эканлигини уқтиради. Мутафаккирнинг ростгўйлик ҳақидаги фикрлари ёш авлод тарбияси учун ҳам жуда кераклидир. Чунки ҳозирги кунда ўқувчилар, талабалар, баъзи раҳбарлар ўртасида ҳам ёлгончилик мавжуд. Ростгўйлик ғалаба қилса ёлгончилик барҳам топади.

Хусайн Воиз Кошифий “Ахлоқи Муҳсиний”нинг ўттинччи бобини **Шижоатга** бағишлайди. “Шижоат фазилат аноларидиндур, яъни улук яхши сифатлардан эрур ва шижоат тавсифида келибдурким” инналлоҳ муҳиббин шужоаъ”, яъни ҳақ субхонаҳу таоло дўст тутор шижоатлик кишиларни демак бўлур”. Шажоат – ботирлик, жасорат, юраклилик маъноларини англатади. Шижоатли одамни ҳамма ўзига дўст санайди. Бу фазилат анг қийин (ано) машаққатли фазилатлардан биридир:

*Керак бизга шужоат бирла шуҳрат,
Ки анингдин киши тобгой шарофат.
Эл улдурким, ўзин машхур этгай,
Ки шуҳрат топилиб жон кетса етгай¹.*

Мутафаккир шижоатга довураклик, камтарлик, донолик, чидамлилик каби хусусиятларни ҳам киритади. Шижоат ҳам инсонпарварлик асосида бўлишини таъкидлайди. Кошифий ҳам Алишер

¹ Ўша асар. 30-боб. 122-бет.

Навоий каби шижоатни қаҳрамонлик, жасурлик, мардлик тушунчаларини ижтимоий иллатлар билан боғлаган ҳолда, жамият ва давлат манфаати нуқтаи-назаридан туриб ҳал қилади¹. Кошифий Навоий каби ҳар қандай давлат ва жамиятга хизмат қилишни, қаҳрамонлик кўрсатишни шижоаткорлик деб тушунмайди, балки, адолат қонунларига асосланган, жамият манфаатини назарда тутган хатти-ҳаракатларинигина фазилат деб ҳисоблайди.

Кошифий жасурликни, ботирликни кўрқоқлик, заифлик, дангасаликларга қарши кўяди. У жангда аскарларни олдинга (жанг майдонига) эмас, балки бир-бири орқасига яшираётганини гапириб, уларни кўрқоқлар деб атайди. Кўрқоқ одам биринчи навбатда ўзини эҳтиёт қилишга ҳаракат қилади: “– Эй амир, на ажиб журъат кўргузурсиз. Ўзингнинг аҳволинг сакламоқдин тағофул (билиб билмасликка) қилурсиз?” Жанг майдонининг ботири, жасури айдики, “– Таъйин билурманким, агар ажал етгон бўлса хазар сўз бермас. Агар ўлум ҳукми қазо ҳокимидин содир бўлмагон бўлса манго бу журъат зиён қилмас”². Воиз Кошифий кишиларнинг заифлигини, кўрқоқлигини танқид қилиб жасур, ботир бўлишга чақиради, мутафаккир шижоатнинг ижтимоий–сиёсий жиҳатларини тўлиқ тушунган. Унинг халқни шижоаткорликка чорлаши прогрессив аҳамиятга эга эди.

Мутафаккир Бедорлик ва огоҳлик, хушёрлик ҳақида жуда ибратли фикрларни баён қилади. Бедорлик ва огоҳлик, яъни хушёрлик инсоний фазилатдир. Бу фазилат биринчи галда подшоларга хосдир. У мамлакат ишини бошқаришида “ғафлат уйқусидин уйғонғай” халқнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиши керак. Машхур, одил подшолар доимо хушёр бўлганлар, – дейди. Мамлакатни осойишталигини сақлаш учун халқ ўртасида подшонинг ишончли, ростгўй одамлари (айғоқчилари) бўлиши керак. Халқ ўз дард-умидларини подшога айта олмайди. Воиз Кошифий айғоқчиларни – халқнинг вакили, – деб яхши маънода қабул қилади. Лекин ҳаётда айғоқчилар Кошифий орзу қилганидек эмас эди. Подшо ўз мамлакатига ҳар бир кўчани, қишлоқни, бозорни, қисқаси, халқнинг аҳволини билиши вожибдур, – деб подшога насиҳат қилади.

Маст бўлмоқлик жаҳонда роҳили расмидин эмас,

Салтанат ичра ярошур шоҳига хушёрлик.

¹ Аликулов Х. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. - Т.: Фан, 1979. 31–бет.

² Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. 30–боб. 122–бет.

*Шоҳ жаҳонга посбон мастлик уйқудадур,
Посбонга лойиқ ўлмиш уйқудин бедорлик¹.*

Мутафаккирнинг бу фикрлари, XV аср учунгина эмас, балки ҳозирги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Ҳаётга, турмушга, теварак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга хушёрлик билан қарашни тарғиб қилмоқда. Огоҳлик бизни ҳозирги XXI асрда ҳам теварак-атрофимизга хушёр қарашимизни тақоза этади.

“Ахлоқи Муҳсиний”нинг ўттиз тўртинчи боби инсонни энг муҳим фазилати ҳисобланган **Фаросатга** бағишланган. “Фаросатнинг луғавий маъноси отни яхши ва ёмонни кўруб танимоқ бўлур. Фаросат ҳукумат ишини улук шартидур”. Агар ҳақиқат махфий бўлса билиб бўлмаса уни фаросат орқали билиш мумкин. Шунинг учун ҳам унинг аҳамияти каттадир, – дейди мутафаккир.

Кошифий бир хабар келтиради. Унда айтилишича Ҳазрат Сулаймоннинг олдига келган икки аёл бир чақалоқни таллашиб, даъво қилиб, ҳар бири бу меним фарзандим, – дейдилар. Буни исбот қилиш мумкин эмас эди. Сулаймон алайҳиссалом буюрадики, бу гўдакни қилич билан иккига бўлинглар. Бир қисмини буниси, бир қисмини эса мана буниси олсин, – дейди. Қилич келтирдилар. Бу икки аёлдан бириси бетоқат бўлиб кўп йиғлади ва айтдики, “Мен ўз ҳақимдин кечдим, бу гўдакни ўлдурманглар”, – дейди. Лекин иккинчи аёлда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. “Сулаймон пайғамбар буюрадики, гўдакни бу бетоқат бўлган аёлга беринглар, чунки фаросат тақоза қилурки, аноси ул бўлғайким шафқати жўш қилди ва ўлдирмоқга ризоси бўлмади”.

Кошифий фаросатни икки қисмга бўлади. 1. **Фаросати шаръий**. “Фаросати шаръий улдурким ботин поку кўнгул соф бўлмоқ бирла ғафлат хижоби басират кўзидин кўтарилгай токи мўмин яқин нури бирла бийно бўлгай ва ҳар ким қараса ул воситаси бирла аҳволи ҳақиқатига вукуф тобқой балки. Байт:

*Ғар йироқдин анго иш тегса отинг,
Қилгуси маълум барча ҳолатинг¹.*

2. **Фаросати ҳукмий**. “Андоғдурким ҳукамо ани тажриба бирла топибдурлар ва далилларин кишини шакли ва ҳайбатида мушоҳада қилибдурлар ва ани аксари рост келибдур”. Яъни донолар фаросатни тажриба орқали аниқлайдилар. Воқеа-ҳодисани, далилларни

¹ Ўша асар. 33–боб. 149–бет.

¹ Ўша асар. 151–бет.

мушоҳада қилиб ҳақиқатни биладилар. Кошифийнинг уқтиришича, Анушервон замонида донолар фаросат ҳақида китоб ёзганлар. Унда айтилишича, бир куни Анушервон олдига гавдали одам арз қилиб келади. Менга фалон киши зулм қилди. Анушервон: Ёлғон айтасан, чунки фаросатим айтиб турибдики, гавдали одамни ўзи ситамкор, зулмкор бўлади. Сен зулм тортувчи эмас балки зулм қилувчисан. Кейин аниқланса ҳақиқатан ҳам бу арзга келган одам зулм қилган экан.

Фаросатдин кўнгулга кўз очилгай,

Ҳама ҳолатни ул маълум қилгай.

Фаросат инсон кўнглидан кечган ўй-фикрни илғаб олади. Демак, фаросатлилик инсонни энг муҳим фазилатидир. У орқали ёлғончилик, таъмагирлик, лақмалик аниқланади. Ҳусайн Воиз Кошифий фаросатлиликни фақат подшоҳга, доноларгагина эмас, балки барча кишиларга хос хусусият деб тушунтиради.

Воиз Кошифий фаросатнинг аҳамиятини, доноларни, инсоннинг кўринишларига, юз белгиларига қараб чиқарган хулосалари билан исботлайди. “Оғизнинг кенг бўлиши шижоатлилик белгисидир. Лаб қалин бўлса бу аҳмоқлик белгиси. Тишнинг эгри бўлмоқи макру хийла, хиёнат белгисидир. Тишининг ораси очик ва силлик бўлса адолатлилик ва тадбиркорлик белгисидир. Овознинг баланд ва йўғонлиги шижоат нишонасидир. Овози ингичкалиги гумондор, ваҳимачилик далилидур. Овози ёқимли бўлса тадбиркор, ҳар ишга яхши тартиб берувчилик белгисидир. Гаплашаётган вақтида қўл тибратиш зийраклик ва тадбиркорлик нишонасидир”¹.

Мутафаккир бунга ўхшаган мисолларнинг юзга яқинини келтиради. Бу мутафаккирнинг ниҳоятда зийрак, дид, фаросатли инсон бўлганлигидан далолат беради. У барча кишиларни ҳам фаросатли бўлишга чорлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида инсонпарварликни, халқлар дўстлигини, адолатпарварликни, ватанпарварлик ғояларини илгари сурди. У кишиларни ўзи яшаган феодал жамияти муҳитидан келиб чиқиб яхши ва ёмонга ажратади. Яхшилар гуруҳига асосан халқнинг манфаатини ўйлаган, ҳимоя қилган, ҳақиқий инсонпарварлик хислатларини ўзида мужассамлаштирган кишиларни киритади. Уларни биринчи галда инсонпарвар, яъни бир-бирига ғамхўрлик қилувчи, қўллаб-қувватловчи,

¹ Ҷами асар. 34–60б. 154–бет.

ғайратли, олижаноб ҳаракатчан, камтар, очик қалблик, ақлли кишилар деб билади.

Шу билан бирга яхшиларга қарама-қарши равишда ёмонлар гуруҳи ҳақида ҳам кенг маълумот беради. Айниқса, юқорида кўриб ўтганимиздек, чақимчи, сўз ташувчи, ғийбатчи, соткин кишиларни ёмонлар гуруҳига киритиб, уларни қоралайди.

Хусайн Воиз Кошифий булардан ташқари ризолик, таваккалчилик, баланд-ҳимматлик, ҳаракатчанлик, собитқадамлик, ювошлик, мулойимлик, омонат ва диёнат, вафо-ю аҳд, ҳожатраволик, охисталик ва ошуқмаслик, яъни шошма-шошарлик қилмаслик, кенгаш ўтказиш, андишали бўлиш, сир яшира олиш, вақтни ғанимат билиш тўғрисида ҳам жуда ибратли фикрларни билдиради. Биз монографиямизда бу одат, фазилат, ахлоқий нормаларга алоҳида-алоҳида тўхталмадик. Мутафаккир буларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида фасллар ажратган.

Воиз Кошифий халқни, подшоларни, шаҳзодаларни, ҳукумат аҳлини халқпарвар, тўғри, ҳалол, ростгўй, саховатли, ҳимматли, марҳаматли, оқил-адобли, вафоли, садоқатли бўлишларини истайди. Бу фазилат ва ҳислатлар, ахлоқий баҳоларнинг ҳаёт учун жуда зарур эканлигини кўп бор таъкидлайди.

Демак, Хусайн Воиз Кошифий ахлоқли инсон деганда илм-маърифатга интилувчи, ҳақиқат ва адолатни севувчи, унинг учун курашувчи, мард, жасур, ҳаракатчан, шу билан бирга олижаноб, саҳий, очик қалб инсонни тушунган. Шу билан бирга у инсонни табиатнинг неъматини деб улуғлади. Кишиларни юқорида санаган барча ҳислатларни эгаллашга чақирибгина қолмасдан, балки инсонга ўз меҳр-муҳаббатини ҳам намоён қилди. У инсоннинг ҳислатларини, билимини ҳисобга олиб мамлакатни, жамиятни манфаатидан келиб чиқиб юксак баҳолади.

Хусайн Воиз Кошифий диний ахлоқ қоидаларини ўзининг илғор қарашлари орқали ногўғри эканлигини кўрсатиб берди. Унинг ахлоқ ҳақидаги фикрлари бугунги кун учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

“Кошифийнинг ахлоқ таълимоти”ни таҳлил қилишни яқунлар эканмиз, қуйидаги хулосага келдик.

Биринчидан, Кошифий ўзининг ахлоқий таълимотида, айниқса, “ахлоқ категориялар”, “ахлоқий принциплар” ва “умуминсоний ахлоқ нормалари”ни тушуниши ва талқин қилишда асосан анъана-

вий Шарқ ахлоқ илми, Ҳусусан Форобий, Ибн Мискавайх, Ибн Сино ва уларнинг издошлари мавқеъида турди.

Иккинчидан, У мазкур Шарқ ахлоқ илми салафларидан фарқли ўлароқ, ахлоқий категориялар ва нормаларни назарий-методологик тадқиқ қилишни салафлар томонидан ҳал этилган деб ҳисоблаган ҳолда, уларни қисқа, ихчам ва лўнда, содда баён этишга, ахлоқнинг дидактик ва тарбиявий таъсири самарадорлигини оширишга асосий диққат-эътиборини қаратган кўринади.

Учинчидан, ахлоқий категориялар, норма ва тамойиллар қисқа, лўнда ва эътирозларга ўрин қолдирмайдиган қилиб баён этилгандан сўнг Кошифий диққат-эътиборни кўпроқ ибратли мисоллар орқали кенгрок, соддароқ ва яққол тушунтиришга, ахлоқий талабларни бажариш, уларга риоя қилишнинг кишилар учун обрў ва шаън келтиришини кўрсатган.

Умуман, Кошифий ахлоқий тарбиянинг жозибалилигини ортиришга алоҳида эътиборини қаратган. Шунинг учун ҳам ҳар бир категория, нормани тушунтириш учун уч тўрттадан то юзтагача қизиқарли мисоллар келтиради.

Бундан ташқари Кошифийнинг ахлоқ категориялари, тамойили ва нормаларини бевосита ижтимоий ҳаёт, сиёсий воқеалар кишиларнинг шахсий ҳаёти билан боғлаб тушунтириши, яъни амалий мақсадга қараб йўналтирилганлиги ҳам жуда катта маърифий аҳамиятга эгадир.

Кошифий таҳлил қилиб берган ахлоқий категориялар, тамойил ва нормалар ҳозирги кун учун жуда асқотади. Кошифийнинг юқорида санаб ўтилган барча умуминсоний хислатлар ҳақидаги ибратли, доно фикрлари барча зиёлилар учун ҳаётий қўлланма, кўрсатма вазифасини ўтайди.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ – НОТИК

Маълумки, VII–VIII асрларда халифалар ҳар жума кунлари халқ олдида давлат, дин қонун-қоидалари, итоаткорлик, одоб-ахлоқ тўғрисида ваъз қилардилар. VII–VIII асрларда айтилган ваъзлар фавқулодда аҳамиятга эга эди, чунки бундай ваъзни халифанинг ўзи – бутун мусулмон дунёсидаги олий дунёвий ва диний ҳокимиятни ўз қўлида бирлаштирган, ислом ва шариат масалалари бўйича фатво бера оладиган – мусулмон жамоаси олдида – имомликка ўта оладиган кишигина ўқиши мумкин эди, холос. Бу одатда айтиладиган ваъзхонликдан тамомила фарқ қиларди. IX асрга келиб эса бу одат бошқача тус олди. Энди халифалар эмас, балки уларнинг махсус тайёргарлик кўрган одамлари уларнинг номларидан ваъз айта бошладилар.

Қадимда сўз айтувчи нотик – воиз, нутки эса ваъз деб аталган. Минг-минглаб халқ олдида ваъз айтиш жуда оғир юмуш эди. Бу ишни ҳамма ҳам уддалай олмасди. Чунки воизлик бой сўзликни, билимдонликни, салоҳиятни, сўз айта олиш истеъдодни талаб этарди. Бирон гапни халққа маъқул қилиш, уларга оддий, содда қилиб тушунтириб бериш учун нотиклар сўзга уста, сўзамол, ширинзабон, шу билан биргаликда давлат қонун-қоидаларидан, мамлакат ҳаётидан тўла хабардор бўлишини тақозо қиларди. Ўз ғоясини халққа манзур қилиб, тушунтириб бера олмаган нотик иккинчи марта минбарга чиқа олмасди. Шунинг учун нотиклар сўзга чиқишга ҳар доим пухта тайёргарлик кўрардилар. Сўз айтиш турлитуман хилларини, воситаларини ўйлаб топардилар. Натижада нотиклик санъати, айниқса, ўрта асрларда Марказий Осиёда кенг ривожланди.

XII асрда Баҳовуддин Вадал, XIII асрда Жалолоддин Румий, XV асрда Ҳусайн Кошифий, Муъинуддин Воъиз, Воиз Ҳаравий, Зайниддик Восифий каби нотиклик санъатини пухта эгаллаган сўз усталари етишиб чиқдилар¹. XVI асрларга келиб нотиклик санъати турлари, қонун-қоидаларини акс эттирувчи бир неча илмий-методик қўлланмалар вужудга келди. Айниқса, Муҳаммад Рафиъ Воизнинг “Авбаб ул-жинон”, Воиз Қазвинийнинг “Зилолу мақол”, Воиз Ширвонийнинг “Аҳсан ул-аҳодис”, Муҳаммад Бобур бинни Воизнинг “Ҳидоят ут-тақдим”, Қурайш Синдийнинг “Анис ул-воизин”,

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3-жилд. – Т., 1998.

Мулло Калон Воиз Самаркандийнинг “Равзат ул-воизин”, Кози Ушийнинг “Мирмоҳ ун-нажот” каби асарлари ёш воизлар учун қўлланма вазифаларини бажарган. Бундан ташқари тарихчи олим Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Зайниддин Восифийнинг “Бадое ул-вакоъ”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” каби асарларида ҳам нотиклик, яъни воизлик санъати ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Тарихдан маълумки, кўплаб саркардалар, олимлар Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобурларда нотиклик истеъдоди мавжуд бўлган. Улар ҳар қандай шароитда, турли дунёқарашдаги минг-минглаб кишиларни оддий, таъсирчан сўзлари билан ўз ортларидан эргаштира олганлар.

Қадимги улуғвор мерос асосида нотиклик санъати вужудга келди. Нотиклик қадимда, Шарқда жуда катта ижтимоий-сиёсий мавқега эга бўлиб умумдавлат аҳамиятига молик иш ҳисобланган. У бир неча турга ажратилган. 1. Диний сиёсий маъруза. 2. Баҳс-мунозарали нутқ. 3. Тарғиб ва ташвиқ қилиш руҳидаги нутқ. 4. Марсия нутқи. 5. Табрик нутқи ва бошқалар.

Нотиклик санъати қадимда воизлик санъати деб юритилган. “Қомуси усмоний” номли луғатда ваъз – “кишиларнинг қалбини юмшатадиган панд-насихатдир”, – деб таъриф берилади. Ҳақиқатдан ҳам воиз ҳар бир сўзга чиқишда маълум бир ғояни илгари суришни мақсад қилиб олади.

Умумманфаатига хизмат қилиб, шу билан ўзлари янада олижаноброқ бўлган кишиларни тарих улуғ кишилар ҳисоблайди, – деган ҳикматли гап бор. Хусайн Воиз Кошифий худди мана шундай улуғ кишилардан биридир. У умумманфаат учун кўп хизмат қилган ўз даврининг мутафаккири даражасига кўтарилган эди. У яратган қўлланмалари, дарсликлари мадрасаларда ўқитилган. У XV асрда машҳур ёзувчи, шоир, олим, илоҳиётчи, воиз бўлиб танилган эди.

Хусайн Воиз Кошифий бутун Хуросон вилоятида ўтқир сўзли, ҳозиржавоб, билимли машҳур воиз, олим сифатида танилган. У фақат воизлик билангина шуғулланиб қолмасдан нотиклик санъати назариясига оид “Саҳифаи Шоҳи”, “Дах мажлис”, “Махзан ул-иншо” каби қўлланмалар ҳам ёзган. Бундан ташқари XV асрдаёқ Хуросон вилоятлари мадрасаларида дарслик сифатида кенг қўлланилган “Ахлоқи Муҳсиний”, “Рисолати Хотамия”, “Анвори Сухайлий” асарларида ҳам сўз, нотиклик санъатларига ҳам алоҳида

тўхталиб ўтилади. Бу даврда воиз – нотиклар алоҳида–алоҳида, битта мавзу бўйича ваъз айтганлар. Нотиклик санъати ўрта асрда бирлик, ҳатиблик, музаккирлик кўринишларига эга бўлган. Баъзи воизлар дабирлик – давлат аҳамиятидаги ёзишмаларни ўқиб бериш билан, яна бирлари, ҳатиблик – жума, миллий байрам кунлари одоб-ахлоққа оид масалаларни шарҳлаб бериш билан яна баъзилари эса музаккирлик – тарихий, воқеа, ҳадисларни гапириб бериш билан шуғулланишган. Нутқ тексти, материали ҳам тингловчиларнинг касбкори, амалига қараб бир неча хилга бўлинган:

- 1) юқори табақа вакиллари учун мўлжалланган нутқ;
- 2) жанговар нутқ;
- 3) оддий меҳнаткашларга айтиладиган нутқлар каби.

Хусайн Воиз Кошифий Хондамир таъкидлагани каби барча соҳалар бўйича ваъз айта олувчи воиз эди. Лекин у асосан диний-сиёсий, тарғиб ва ташвиқ руҳидаги ҳамда ҳатиблик соҳасида кўпроқ ваъз айтган. Бундай фикр юритаётганимизнинг **биринчи** сабаби Воиз Кошифий Хусайн Бойқаро марҳаматига сазовор бўлиб, давлатнинг воизи ҳисобланарди. **Иккинчидан** Хусайн Бойқаро Хуросонга подшоҳлик қилиб турган йилларда мамлакатда бўлиб турган норозилик кўзғолонларини бостиришда Хусайн Воиз Кошифийнинг диний-сиёсий, тарғиб ва ташвиқ, ҳатиблик соҳасидаги нутқидан ва халқ ўртасидаги обрўсидан кўп бор фойдаланган. **Учинчидан** Воиз Кошифий ахлоқшунос олим эди. У қайси мавзуда нутқ сўзламасин охир-оқибатида инсон руҳиятига таъсир қила оладиган қилиб, насиҳатнома, пандномалардан ва ўзигача яшаб ўтган мутафаккирлар Ҳоқоний, Саъдий, Тусий, Ҳофиз, Фирдавсий, Давоний, Ҳомадонийларнинг ҳамда “Қуръон”, “Ҳадис”, “Ахлоқи Жалолий”, “Захират ул-мулк”, “Лавомеул ҳикоят”, “Сирож ул-мулк”, “Нигористон” каби асарларидан, халқ мақолларидан кўп фойдаланган ҳолда сўзлар эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир сўзга чиқишини халқ орзиқиш билан кутиб оларди. Чунки бадиий адабиётдан, шеър, мақол, маталлардан фойдаланилган нутқ, равон, қизиқарли, тингловчиларга тез етиб борарди. Кошифий сўзга чиқаркан ҳар доим ҳам янги гап айтар, тингловчиларнинг кайфияти, дунёқараши, билимини ҳисобга олар эди.

Хусайн Воиз Кошифийнинг шогирди Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул вақоеъ” асарида таъкидланишича, устози “Сўз айтар бўлса майдонга минг-минглаб эркак-аёллар тўлиб кетарди”.

Кошифий оддий халқ ўртасида кўпроқ одоб-ахлоқ мавзусида ваъз айтарди. Халкни ҳалол, пок, меҳнатсевар, адолатли, одил, сажий, мард, маърифатли, имонли бўлишига чакиради. “Одоб – олгиндан қиммат”, “Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир”, “Инсоннинг ахлоқсизлиги унинг ўзигагина эмас, балки ўзгаларга ҳам салбий таъсир қилади”, “Адабнинг маъноси ёмон сўзлар ва забун ишдин нафсини тиймоқ, ҳам ўзинг ва ҳам кишининг иззатини сақламоқ, обрўйини тўкмаслик бўлур” каби пурҳикмат гаплари ўша XV асрдаёқ бутун Хуросон вилоятида машхур мақолларга айланиб кетган эди. Фақат буни ўзи эмас, у воизликнинг хусусиятлари ҳақида ҳам машхур “Ахлоқи Муҳсиний” асарининг 34–“Фаросат баёни” бобида алоҳида тўхталиб ўтади. Кошифий нуткни жозибали ва таъсирли, аниқ ва равон қилишда овознинг баланд ва паст бўлиб товланиши ҳақида гапирди. Нотик ўзининг қандай тутиши, қиёфаси, гапириш йўсини, яъни мимикаси, бош ва юз, тана ва қўл ҳаракатлари муҳим роль ўйнашини таъкидлайди. Юкорида тилга олинган “Ахлоқи Муҳсиний” асаридаги сўз санъати, нотиклик санъатига оид кўплаб фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Айниқса, унинг нотикликда сўзнинг қадри, сўз ишлатишдаги таъб нозиклиги тўғрисидаги фикрлари янада аҳамиятлидир.

“Ҳар забон тигики ҳақ ғузорликда ноқилдур анго тез-тез тиг забони бирла сазо бермак керак”, “Ҳар вақтики сўзлар айтурсизлар яхши сўздин бўлакни айтмонгизлар ва қўб сўзламак ошкор, яхши сўздин хуб йўқдир ёдгор”, “...насихатин ширин сўзу мулойимлик бирла ибтидо қилгай, чунки бу замонда юмшоқлик ва хушхўйлик кўргузмайин насихат корга келмас” деб нотикликнинг ўзига хос нозик вазифа эканлигини кўрсатиб ўтади. У сўзнинг қадри, аҳамиятини теран тушунади.

*Яхши сўздин кўргайсан меҳру вафо,
Номуносиб қулдин етгай жафо.
Фахш сўздин тилни хомуш айлагил,
Балки кўнглунгдин фаромуш айлагил.
Ҳар сўзиким содир бўлса бемаҳал,
Етгай андин обрўйингга ҳалал.*

Хусайн Воиз Кошифийнинг нотиклик санъати тарихида ўзига хос ўрни бор.

Хулоса қилиб айтганда, Кошифий нафақат ахлоқшунос, мураббий, мусиқашунос, риёзатчи, тарихчи, шоир, ёзувчигина эмас, бал-

ки у ўз даврининг Хуросон мамлакатадаги энг обрўли нотиғи ҳамдир. У нотиклик санъати, халқнинг эътиборини тортиш, ваъзнинг ўзига хос хусусияти ҳақидаги қатор ибратли фикрлар мавжудки, булар фалсафа, филология илмига қўшилган катта ҳиссадир. Афсуски Кошифийнинг бу соҳадаги қатор асарлари ҳам ҳозиргача ўрганилган эмас.

Хусайн Воиз Кошифий Марказий Осиёда маданиятни, илм-фанни ривожланишига катта ҳисса қўшган мутафаккирларимиздан биридир. Унинг ижоди, маданий мероси эса ҳали биз учун очилмаган қўриқдир.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФИЙ ФИКР ТАРИХИДА ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ АХЛОҚИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Марказий Осие фалсафий фикри тарихида Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Камолиддин Биноийнинг «Беҳруз ва Баҳром», Муҳаммад Вориснинг «Зубдат ул-хикоят», Авфийнинг «Жомеъ ул-хикоят ва лавомеъ ул-рифоёт», Фахриддин Али Сафийнинг «Латоиф ут-тавоиф» каби асарлари муҳим роль ўйнаган. Бу асарларда ўтмишдаги мутафаккирларимизнинг ахлоқий-дидактик қарашлари акс этган. Бу асарлар ахлоқий-дидактик ҳикоялар, китъа, ғазал, туюқ, шеърлардан иборат бўлиб, улар янги таълимий характердаги мажмуаларни вужудга келишига замин яратди. Шу билан бирга бу асарлар Марказий Осие фалсафаси тарихида, ахлоқий фикр тараққиётида янгича қарашни вужудга келтирди. Саъдийдан тортиб, Алишер Навоийгача бўлган барча мутафаккирлар ҳам асарларида таълим-тарбия, илм-фан тўғрисидаги қарашларини, инсон ҳаётининг мазмуни, одоб ҳақидаги насиҳатларини акс эттирдилар.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», «Футувватномаи Султоний», «Анвори Суҳайлий», «Китоби Хотамнома», «Ахлоқи Карим», «Жавохирнома» асарларини ҳам ахлоқий-дидактик асарлар қаторига киритиш мумкин.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий мероси ўтмишдошлардан қандай фарқ қилади?

Бизга маълумки, ўтмиш мутафаккирлари асосан ўз фикр-мулоҳазаларини ахлоқий йўналишда ифодалаб, кишиларни илм-фанни эгаллашга, тарбияли, одобли, ахлоқли, яхши инсон бўлиш керак, деган ғояларни илгари сурганлар. Бундан ташқари, улар ўз фикр-мулоҳазаларини асосан мажозий образларда ёки подшоҳлар, шоҳзодалар, Меҳинбону, Ширин, Фарҳод, Ҳокон, Навоий, Анушеравон, Арасту, Рум, Яман подшоҳлари, Хотам Той, донишманд – Кошифий орқали баён қиладилар. Улар бадиий асар жанри имкониятларидан ҳам кенг фойдаланганлар. Ўз фикр-мулоҳазаларини панд-насиҳат шаклидаги ҳикоят – тамсиллар, дostonлар, романтик руҳдаги ишқий-саргузашт қиссалар, афсонавий жангномалар, тари-

хий йилномалар, илмий, бадийий образларда баён қилганлар. Бу ахлоқий-дидактик асарларнинг умумий ғояси бир хил бўлса ҳам, услубига кўра бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, бу асарлардаги берилган ҳикоятлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Тамсил, ҳикоятлар, ҳикоя, масал, латифа каби.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, «Футувватномаи Султоний» ва “Анварии Суҳайлий”, “Китоби Хотамнома” асарлари у ҳаётлик пайтларидаёқ Ҳирот мадрасаларида дарслик сифатида фойдаланилган. Чунки олим бу ахлоқий-таълимий асарларида ўз давридаги энг муҳим сиёсий воқеаларни, ахлоқ нормаларини, фазилатларни ҳамда ахлоқий-маърифий қарашларини илгари суради. Бундан ташқари, XV асрда Хуросон вилоятида Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқшунос олим, ахлоқчиликни тарғиб қилувчи воиз сифатида танилган эди. Халқ ўртасида катта обрў-эътиборга эга эди. “Ахлоқи Муҳсиний”, “Анварии Суҳайлий” ва бошқа асарларида мамлакат ҳаётидаги кўп воқеа-ҳодисалар реал акс этганди. Асарлари оддий кишилар тушунадиган содда тилда ёзилганди. Кошифий асарларида биринчи галда инсонпарварлик, ватанпарварлик, маърифий ғояларни илгари сурган эди. У ижтимоий ҳодисаларни баҳолашда инсонпарварлик тамойилларига асосланади. Кошифий ўз замонасининг Алишер Навоийдан кейинги энг етук муаллими, доно маслаҳатчиси, инсонпарвар, мураббий, ёзувчи, шоир, файласуф, адабиётшунос, муסיқашунос, риёзиётчи, мунажжим, кимёгар олими эди. Мутафаккир асарларини мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилишининг яна бир сабаби бизнингча шундаки, бу пайтда ҳали ахлоқий-таълимий асарлар жуда кам эди. “Ахлоқи Муҳсиний” даражасидаги асарлар кам яратилган эди. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул қулуб” асари ҳали ёзилгани йўқ эди. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг хизмати ахлоқни давр талаблари даражасида кенгроқ тушунганида ва ахлоқий қарашларини маърифий қарашлари билан уйғунлаштириб баён қилиб берганидандир.

Мутафаккир ахлоқнинг кўп масалаларини тушунишда ўз даврдан илгарилаб кетганлиги тасодиф эмас эди. У ахлоқни жамият, табиат ва инсон ақли билан боғлаб тушунтира олди. Ҳолбуки, у даврларда ахлоқни ижтимоий муносабатлар билан боғлаб тушунтиришга яқинлашиш ҳар қандай мутафаккирга ҳам насиб этмас эди. Кўпгина мутафаккирлар жамиятдаги синфий тенгсизликни, жабр-зулмнинг сабабини кўра олмаган эдилар. Халқни фақат ик-

кига, яхши ва ёмонга ажратишганлар, холос. Ҳусайн Воиз Кошифий эса биринчи галда ахлоқни жамиятдаги шарт-шароитларга, тарбияга боғлиқ деб тушунади. Инсонни одобни ёшлигидан бошлаб ўргатиш керак, – деб тушунтирди. Мутафаккир яхши кишиларни ҳам, ёмон кишиларни ҳам яна бир неча гуруҳга ажратиб, ҳар бирига алоҳида-алоҳида баҳо бериб ўтади. Бу ёмонликни, яъни ахлоқсизликни бартараф қилиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради. Шу билан бирга Ҳусайн Воиз Кошифий инсоннинг юз тузилишига қараб унинг ахлоқли ёки ахлоқсизлигини айтиш мумкинлигини юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, “Ахлоқи Муҳсиний”нинг 34 – “Фаросат баёнида” бобида исботлаб беради ва мисоллар келтиради. Масалан, “Кишининг ранги бағоят оқ ва кўзи кўк ва ёшил бўлмоқ, юзи қаттиқ бешармлик ва хиёнат у фисқу кам ақллик ва кам таъбликни далилидур. Сочни юмшоқлиги бедиллик ва кўркувчоқлик ва димоғ совуқлик, калтафаҳмлик аломатидир ва гарданида ва кифтида кўб мўй бўлмоқ журъату ҳамоқат нишонасидир. Оғзи кенг бўлмоғи шужоат нишонасидур, лаб қалин бўлмоғи ахлоқлик нишонасидур. Овозининг баланд ва йўгонлиги шужоат нишонасидур. Бу каби мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Бу – Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқий дидактикасининг Марказий Осиё фалсафа тарихида ўзига хос ўрни ва аҳамияти борлигини кўрсатади. Чунки мутафаккирнинг илгари сурган халқпарварлик, одамгарчилик, яхшилик, олижаноблик, ҳурмат ва иззат, садоқатлилик, меҳр-шафқат, самимийлик, сабр ва қаноат, хушмуомалалик, камтарлик, ростгўйлик, адолатлилик ҳақидаги ахлоқий тушунчаларидан XV аср ва ундан кейинги асрларда яшаган шоирлар, олимлар кўп нарса ўргандилар.

Ҳусайн Воиз Кошифий давлатни, лашкарни бошқариш, мамлакатни обод қилиш, халқни бошқаришда ҳам подшо ахлоқий мезонидан келиб чиқиб, иш олиб бориши кераклигини алоҳида таъкидлайди.

“Ҳаким Бедлай сўзининг биносини панду насихатнинг асосига қўйдиким, подшоҳлар фуқаро ва раиятларга сиёсат қилмоқда ва адл бисоти афоришта қилмоқда ва соҳиб давлатларни тарбият қилмоқда... коргар бўлгай теб”¹. Мутафаккирнинг бу гапидан маълум бўладики, у ҳар бир асарини кишиларни тарбиялашга хизмат қи-

¹ Кошифий. Аявори Сухайлий. ЎзССР ФА А.Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёмалар фонди. Форс тилида, Инв. 193, 19–бет.

лади, подшолар учун қўлланма вазифасини ўтайди, деб тушунади. Ҳақиқатан ҳам, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” ва бошқа асарлари халқни тарбиялашда қўлланма вазифасини бажариб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳусайн Воиз Кошифий Марказий Осиёдаги ахлоқ илми тарихи тараққиётига катта ҳисса қўшган мутафаккирдир. Унинг ахлоққа, адабиётшуносликка, мусиқага доир асарлари Марказий Осиё ахлоқий тафаккури тараққиётини янада ривожланишида катта туртки бўлди. Лекин математика, тарих, фалсафа, астрономия, ёзув санъатига оид асарлари эса ҳозиргача тўла ўрганилган эмас. Бу фалсафа тарихи билан қизиқувчи ёш олимларни тадқиқот объекти бўлиши лозим.

Биз бугунги кунимизни тушунтириб бериш ва келажакимиз ҳақида хабар қилиш учун тарихни сўроққа тутамиз, – деган В.Г.Белинский ҳақ эди. Юқорида Кошифийнинг ижодини, ахлоқий қарашларини, дидактик фикрларини ўрганиш орқали тарихимиз, ўтмишимизда қанчалик бокиралик, олийжаноблик мавжуд бўлганлигини билиб олдик. Демак, ўтмишни давр талабидан келиб чиқиб ўрганишимиз, ёшларга етказишимиз, йўқолиб кетаётган урф-одатларимизни сақлаб қолишимиз бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак.

ХУЛОСА

Узоқ йиллар давомида ўтмиш маданий меросига, айниқса, Марказий Осиё мутафаккирлари ижодига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, кўп ҳолларда бир ёқлама, маълум қолипга тушсагина ёки қайчиланиб, партиявийлик, синфийлик нуктаи назаридан келиб чиқиб ёндашилди. Айрим мутафаккирлар ижоди диний асарлар ёзгани учун илоҳиётчи сифатида қораланиб, уларнинг илмий мероси ўрганилмай келинди. Бу даврда ўтмишга нисбатан бир қолипдаги фикрлаш ҳукмрон мавқега эга эди.

Мамлакатимизда мустақилликни қўлга киритилиши билан ўз-лигини таниш, миллий урф-одатлар, миллий анъаналарга эътибор кучайди. Натижада бутун мусулмон халқларининг маънавий бойлиги, қадриятлари акс этган муқаддас китоблар «Қуръон», «Ҳадис»ларни ва улуғ бобомиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абул Ҳасан ал-Кисонийнинг «Одамнинг аввали ва охири ҳамда пайғамбарлар хусусида», Аҳмад Яссавий, Термизий, Рабғузий каби мутафаккирларнинг асарлари ўзбек тилида илк бор нашр этилди.

Ҳусайн Воиз Кошифийга ғарб олимлари илоҳиётчи деб баҳо берганликлари, Худога бағишлаб асар ёзганлиги, Хуросон мамлакатининг давлат воизи – ваъзчи-нотиғи бўлганлиги учунгина унинг ижоди, илмий мероси мамлакатимизда кам ўрганилди. Ҳолбуки, Кошифий асарлари ўндан ортиқ тилларга таржима қилинган. Унинг 200 дан ортиқ ахлоқ-одобга, риёзатга, адабиётшуносликка, мусиқага, нужумга, алкимё, ҳисобга бағишланган асарлари XV асрда Ҳирот, Сабзавор, бутун Хуросон мамлакати мадрасаларида дарслик сифатида фойдаланилганлигини диссертацияни кириш қисмида кўрсатиб ўтдик.

XV асрнинг кўзга кўринган олими, воизи Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқарашини тадқиқ қилишимиз натижасида қуйидаги хулосага келдик.

Биринчидан, XV аср, Кошифий яшаган давр мураккаб, зиддиятларга тўла, феодализм жамияти гуллаб-яшнаган давр эди.

Иккинчидан, бу даврда тож-тахт учун кураш авжига чиққан, халқнинг турмуш даражаси ҳам у қадар яхши бўлмаса-да, лекин Ҳирот тахтига Ҳусайн Бойқаронинг чиқиши мамлакатда нисбий ижтимоий-сиёсий барқарорликни вужудга келтирган, маънавий ҳаёт анча-мунча жонланган, илмий фан, фалсафа, ахлоқ, санъат таракқиётига йўл очилганди.

Учинчидан, темурийлар авлодидан бўлган Улуғбек бутун Марказий Осиёда илм-фанни тараққий эттиришга алоҳида эътибор берди. Кейинчалик Хусайн Бойқаро Самарқанд ва бошқа кўплаб шаҳарлардан қувилган илм аҳилларини Ҳиротга йиғди ва уларга моддий ҳамда маънавий жиҳатдан катта илтифот кўрсатди. Натижада Ҳирот, буюк шоир, давлат арбоби, мутафаккир Бобур айтганидек, бутун Хуросон диёридаги ягона илм-фан марказига айланган эди.

Тўртинчидан, Кошифийнинг ижтимоий-ахлоқий дунёқарашининг шаклланиши Ҳиротда илм-фан тараққий этган даврга тўғри келди. Унинг дунёқарашини шаклланишида Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Жомий, Навоийларнинг асарларининг таъсири катта бўлди.

Бешинчидан, Ҳиротда Алишер Навоий раҳбарлигида катта ижодий мактаб вужудга келганди. Навоий бир қатор ёш иқтидорли ёшларни илм-фан билан шуғулланишига имконият яратиб берган эди. Хондамир айтганидек, бу ижодкорларга, шунингдек, Кошифийга ҳам, Навоий моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам берарди.

Олтинчидан, Кошифийнинг воиз-нотик бўлганлиги сабабли, халқ ўртасида кўп юриши, халқ ғам-ташвишидан тўлароқ хабардор бўлиши, кишилар, айниқса, подшозодалар, амирзодалар ўртасида оқибатсизлик, меҳрсизликни, тож-тахт учун ота-бола, ака-укаларнинг бир-бирига тиг кўтариши, алдамчилик, хасислик, разолат кўплиги кундалик ҳаёт эҳтиёжи уни ахлоқ, кишиларни тарбиялаш иши билан шуғулланишига асосий сабаб бўлган.

Еттинчидан, Кошифий ахлоқийликни ғойибдан ёки қандайдир илоҳий куч вужудга келтиради деб тушунмайди. Балки ахлоқийлик аста-секин ақл асосида, оламни кўпроқ билиш асосида вужудга келади, деб, ахлоқий таълимотини фалсафий асослайди. Бу далил Кошифийни дунёқврати кенг эканлигини кўрсатади. Шу билан биргаликда у Қуръонни халққа тушунарли бўлиши учун шарҳлар ёзган. Кошифий инсон ақли, иродсининг мавқеъ ва қудратини эътироф этган, кишилар ўз амалий ҳаётларини қуришида, ўз ақл-фаросатлари ва иродаларига таянишлари зарурлигини уқдирган. Кошифий қатор фанлар бўйича қимматли асарлар ёзиб қолдирган. Аммо ҳозиргача унинг асарлари халқ ўртасида кенг кўламда ўрганилган эмас. Кошифий, бизнингча, баъзи олимлар айтганидек, Абдурахмон Жомийнинг қайин иниси, қайин отаси, қисқаси, ҳеч қандай қариндоши эмас. У ҳам бошқалар каби Абдурахмон

Жомийнинг оддий муриди ёки шогирди эди, холос. Булардан ташқари, Кошифий ўзи яшаган даврдаги ижтимоий–сиёсий, маънавий ҳаёт, ундаги курашнинг фаол қатнашчиси эди.

Хусайн Воиз Кошифий жамият ва давлат тузуми тўғрисида алоҳида асар ёзмаган. Лекин ўзининг «Ахлоқи Муҳсиний», «Футувватномаи Султоний», «Китоби Хотамнома», «Анвори Сухайлий» ва бошқа асарларида давлатни, лашкарларни, одамларни бошқариш йўллари ҳақида ўз даври раҳбарлари, подшоларига насиҳатлар қилади, уларнинг вазифалари нималардан иборатлигини кўрсатиб ўтади. Подшоларни ҳар бирида одамларни, давлатни бошқариш сиёсати бўлиши кераклигини кўрсатиб беради. Булардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

Биринчидан, Кошифий мамлакатдаги ҳақсизликларни умуман, тарихий олиб қаралганда, тўғри англай олади. Мамлакатдаги тартибсизликларни подшоларнинг сиёсатини маъносиз, субутона эканлиги билан боғлайди. Давлат бўлишни шартларини гапириб ўтиб, аввало лашкарларни, халқни манфаатига эътибор беришни уқтиради. Мамлакат нима учун завол топади, – деб савол беради ва подшоҳларга махфий хабар етказиш, подшоҳларни азаил (шайтонларча) сифатли, тубан, пасткашликка ундаши, амалдорларга, раиятларга зулм қилиши мамлакатни заволга элитади, деб хулоса чиқаради. Бу фикрлар айни кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Иккинчидан, мутафаккир давлат бошлиқларининг вазифаларини кўрсатиб ўтади. Яъни одамларга адолатни эҳсон – совға қилишини, халқ мулкига кўз олайтириб таъмагир бўлмасликни, оч-почор, хор, камбағал одамларга раҳм-шафқат қилишни, ожиз ва заифни, кучсиз кишиларга алам етказишдан воз кечишни, оддий халқ билан ҳол-аҳвол сўрашишдан ор қилмасликни, қисқаси, подшо, раҳбар ҳам халқ вакили эканлигини унутмаслигини доноларча насиҳат қилади.

Учинчидан, давлатни, мамлакатни бошқаришда лашкарларнинг ролини катта эканлигини айтиш билан биргаликда уларга тўлиқ ишонмасликни айтиб, подшоҳларнинг ҳарбий юришдаги вазифаларини кўрсатади. Подшоҳ ва давлат аъёнининг фикри яқдил, қатъийлик мужассам бўлса, ҳар бир масалани ечиш осон бўлишини айтилади. Сипоҳларнинг вазифаларини кўрсатиш билан бирга у жангга кирганда, ўн маслаҳатни эсда тутиш зарур деб ҳисоблайди.

Тўртинчидан, давлатнинг таназзулга учраши, завол топиш сабабларини кўрсатади. Кечалари шароб ичиш билан шуғулланиши,

сахар вақтларда ғафлат уйқусида бўлиши, давлат мулкига парво қилмай, нафс-ғафлат йўлига киргани, шавқату-салтанат йўлида султ бўлиш давлатни таназзулга етаклайди, – дейди Кошифий. Мутафаккирнинг бу фикрлари орқали мамлакатимиздаги турғунлик йилларининг сабабларини тушунгандай бўламиз.

Бешинчидан, Кошифий жамият ва давлатни асосий жиҳатларни ахлоқийликдан келиб чиқиб кўрсатади. Булар уни жамият ва давлатни ижтимоий мавқесини замондошларидан кам тушунмаганлигини кўрсатади. Демак, агар сиёсат, адолатлилик бўлмаса, жамият, давлат таназзулга юз тутиб хароб бўлади.

Кошифийнинг жамият тўғрисидаги қарашлароининг муҳим томонини жамиятдаги табақаланиш, табақалар, поғоналар ўртасидаги имтиёз ва нуфузлар мавжуд сиёсий ҳокимият, тузумни ва ижтимоий тартибларни мустаҳкамлаш ёки бўшаштиришдаги роли ҳақидаги қарашлари ташкил этади. Мутафаккир ўзи яшаган даврдаги кўйидаги табақаларни мавжудлигини кўрсатиб ўтади:

1. Подшо, подшозодалар, вазир, нойиблар, қози-ю қуззоб, шайхул ислом;

2. Уламолар, фақиҳлар, адибу шоирлар;

3. Савдогарлар, саррофлар, судхўрлар, солиқ йиғувчилар;

4. Косиб–хунармандлар, деҳқонлар, боғбонлар;

5. Лашкарлар;

6. Хизматкорлар.

У ижтимоий табақа ва гуруҳларга биринчи галда уларни эл-юрт, давлат манфаатига хизмат қилиш, қилмасликларига қараб баҳо беради.

Хулоса қилиб айтганда, Кошифий яхши хислатли, саҳий, адолатли кишиларни яхшилар табақасига, аксинча, ёлғончи, ғийбагчи, хасис, ёмон хулқиларни эса ёмонлар табақасига киритади.

XV асрда яшаган мутафаккирларнинг кўпчилиги Форобий, Беруний, Ибн Сино таълимотлари билан қизиқишган ва уларнинг ишларини ижодий ишларининг давомчилари бўлишган. Кошифий «Ахлоқи Муҳсиний», «Футувватномаи Султоний», «Ахлоқи Карим», «Китоби Хотамнома» асарларида ўзининг асосий ахлоқий концепциясини баён қилган. Мутафаккир ахлоқий қарашларида: 1) инсонпарварлик; 2) халқлар дўстлиги; 3) ватанпарварлик; 4) меҳнатга онгли муносабаи; 5) жамоатчилик ғоялари асосий ўрин эгаллайди.

Кошифийнинг ахлоқий таълимотини ўрганиш давомида куйидаги хулосалар келиб чиқди:

Биринчидан, у Шарқ машшойбунлари (перипететик) нинг комил инсон концепциясини янада ривожлантирди;

Иккинчидан, у жамиятни адолатлилик, ҳаққонийлик, инсонийлик асосида бошқариш керак деган ғояни илгари сурди;

Учинчидан, ижтимоий-ахлоқий идеални юзага чиқаришнинг асосий воситаси деб илм-маърифат ва ахлоқий тарбияни тушунди;

Тўртинчидан, Кошифий мол-мулк, бойлик, амал, унвон киши ахлоқини белгиламайди, балки одоблилик, саховат, тўғрилиқ, ҳалоллик, поклик каби ўндан ортиқ ижобий хислатларни ўзида муҷассамлаштирган кишиларгина том маънодаги Инсон деган хулосага келди.

Бешинчидан, Кошифий инсонпарварликнинг олий тимсолини «Китоби Хотамнома» асарида кўрсатиб, замондошларига нисбатан бу ғояни янада ривожлантирди. Инсонпарварликни ўн қондасини кўрсатиб ўтади.

Олтинчидан, мутафаккир яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, бурч, ор-нолмус каби ахлоқ категорияларини замондошларига нисбатан янгича мазмун билан бойитди.

Еттинчидан, ўттизга яқин оддий ахлоқ нормаларини, фазилатларини: Сабр, Ҳаё, Иффат, Покизалиқ, Собитқадамлик, Авф, Саботлилик, Шижоат, Бедорлик, Хушёрлик, Огоҳлик, Фаросатлилик каби хислатларни қизиқарли ҳикоят, маталлар орқали тушунтириб беради.

Саккизинчидан, Кошифий ўзидан олдин ўтган мутафаккирлардан фарқли ўлароқ ёмонликларни, ёмон хислатларни бартараф этиш йўлларини илк бор кўрсатиб берди.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳусайн Воиз Кошифий Марказий Осиё ахлоқий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшди. У оламни тушунишда, жамиятни ривожда, давлатни бошқаришдаги асосий нарса билим, ахлоқ-одоб деб тушунди ва бу ғоясини юқорида санаб ўтилган асарларида кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари, Кошифий ахлоқий меросининг Марказий Осиё фалсафаси тараққиётидаги ўрни каттадир. Шу билан биргалиқда Кошифий XV асрда Хуросон мамлақатида кўзга кўринган воиз эди. У Зайниддин Восифий каби юзлаб шогирдлар тарбиялаб етиштирди. Қисқаси, Кошифийнинг ижоди, ахлоқий фикрлари, асарлари бугунги авлод учун ҳам ҳар доим зарур қўлланма вазифасини бажаради. Унинг дурдона фикрлари ҳеч қачон эскирмайди, долзарблигини йўқотмайди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ахлоқи Муҳсиний. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлэзмалар фонди. Инв. № 3022 (Форс тилида).
2. Ахлоқи Муҳсиний. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлэзмалар фонди. Инв. № 4388 (Форс тилида).
3. Ахлоқи Муҳсиний. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлэзмалар фонди. Инв. № 13217 (Форс тилида).
4. Ахлоқи Муҳсиний. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлэзмалар фонди. Инв. № 193 (Форс тилида).
5. Азаматов М. Отойи ва унинг авлодлари. // Гулистон. 1989. №1. 26–бет.
6. Аликулов Х. Прогрессивная общественно-философская мысль Средней Азии в XIV-XV в.в. и её роль в формировании социально-эстетических взглядов. Давани. Автореф. дисс... канд. филос. наук. Т., 1971.
7. Аликулов Х. Джалилиддин Давани. // Сборник: Из философского наследия народов Востока. Т.: Фан, 1972. С.234–263.
8. Аликулов Х. Марказий Осиё ва Эрон мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари: хурфикрлилик ва антиклерикал ғоялар (XIV–XV асрлар). // Тўплам: “Марказий Осиё халқлари хурфикрлиги тарихидан”. Т.: Фан, 1990.
9. Аликулов Х. Освещение философского наследия среднеазиатских мыслителей XIV–XV вв. за рубежом. // Сборник: Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. Т.: Фан, 1988. С.100–125.
10. Аликулов Х. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Т.: Фан, 1979.
11. Аликулов Х., Омонбоева Р. Жомий ва Давоний таълим-тарбия ҳақида. Т.: Ўқитувчи, 1981.
12. Аминжонова М., Желтова Г.И. Ўзбекистон халқлари ўтмиши тарихидан лавҳалар. Т.: Ўқитувчи, 1974.
13. Аҳмадов М. Фугувватномайе Султаний. Душанбе: Маъориф, 1973.
14. Аҳмедов Б. Давлатшоҳ Самарқандий. Т.: Фан, 1967.
15. Аҳмедов Б. Улуғбек. Т.: Ёш гвардия, 1989.

16. Аҳмедов Б. Хондамир. Т.: Фан, 1965.
